




ШУКРУЛЛО

ТҮКИЛГАН ДАРДЛАРИМ

ШУКРУЛЛО

ТҮКИЛГАН ДАРДЛАРИМ





Узбек


8

11 89

ШУКРУЛЛО

ШУКИЛАН ДАРДЛАРИМ

(Шеър ва достонлар)



B 11822

O'z MU

Ilmiy kutubxonasi

«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ВОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001 ЙИЛ

Ш91

Шукрулло.

Тўкилган дардларим: (Шеър ва достонлар). — Т.: «Шарқ», 2001. — 320.

ғз2



НУРНИ ЯЮЛЛАБ
БҮЛМАС

* * *

Миллатни мадх этмок фурсати етди,
Куллик занжиридан қутқарди Худо.
Яна қандай дардинг бор, шоир, энди?
Бир дардим, шу баҳтдан қилмасин жудо!

2000 йил

СЕН УЧУН ДЕДИМ

Юрак қоним билан неники ёздим,
Сени балолардан сақламоқ учун.
Гохида ҳақ ёздим, гохида оздим,
Сенинг ҳақлигингни окламоқ учун.

Баҳор гүзаллигин севмайды ким ҳам,
Мен ҳам гүзаллигин тұлиб куйладим.
Аламли ва ғарип қалбинга бир дам,
Малхам бўлармикан дея ўйладим.

Кўкни зулмат қоплаб, дунёни гўё
Фам босгандек, бўраб ёққанида кор,
Менинг кўз олдимда гўёки рўё
Юлин кўриндинг-ку, йиғладим бедор.

Мен куйлаган бўлсам, булбул навосин,
Гуллар чиройини этган бўлсам мадх,
Мен изладим фақат дардинг давосин,
Багишламоқ бўлдим бир нафаслик баҳт!

Ахир йиллар бўлди, замонлар бўлди,
Ҳақиқатни айтсан, кесилди тилим,
Неки деган бўлсан, сен учун дедим,
Эркинг учун дедим, сен учун дедим.

1998 йил 10 декабр

НАВРЎЗ МУБОРАК

Бағримизга тегди кўклам шамоли,
Юлдузлар самода чараклаб кетди.
Кўзни кувонтирас ойнинг жамоли,
Яна умримизнинг баҳори етди.

Бугун ой ярқирав мовий-самода,
Бугун еру кўкда наврӯзи олам.
Бугун тонг отгунча ҳар хонадонда,
Улфатлар базми-ю қадрдонлар жам.

Тонггача маҳалла чойхонасида
Кирк қулок қозонда ковланар халим,
Халиму сумалак баҳонасида
Дийдор кўришдилар деҳқону олам.

Ўзбекнинг неки бор урфу одати
Мехру оқибатдан фақат нишона.
Ўзбекнинг ҳамиша чопсин омади,
Баҳорги куёшдек бўлсин пешона.

Умрнинг баҳордан бошланиши ҳам
Хайрли эртадан берилган дарак.
Бахтга йўлдош бўлсин бу йилги кўклам,
Менинг буюк халқим, наврӯз муборак.

Ахмаджон Родионов

1995 йил 15 марта

НИМА ҲАМ ДЕРДИМ...

Кўй, менинг дардимни сўрама, дўстим,
Бу дунё ҳакида нима ҳам дердим!

Нима демоқлигим ўзингга аён,
Ҳаккини айтмасдан қочасан қаён!

Аммо ҳакни айтмоқ осонми, ахир
Келтирап гохи у маломат, таҳқир!

Ҳамма зулмнинг ҳам оқибати бор,
Ёлғон мангу ғолиб бўлмагай зинхор!

Эзгулик күёшдай барқарор бўлур,
Аммо булатлар ҳам доим бор бўлур.

Ҳа, менинг дардимни сўрама, дўстим,
Бу дунё ҳакида нима ҳам дердим!

1989 йил 30 декабр

ШОИРЛАР ҲАҚИДА

Шоирлар ҳақида гап кетди бугун,
Таърифу тавсифин сўзлашди узок.
«Шоирлар сухбати бўлади ширин;
Ҳамиша ўзлари очик, юз, кувнок».

Бундай мактоб учун минг бор ташаккур,
Тўгри, шоирларнинг ўзгача феъли.
Ўрни келганида айтайин биркур,
Неда эканлигин уларнинг сири...

Ҳали дунёда бор ишқнинг риёси,
Дунё гуноҳлардан эмас мусаффо.
Кимгадир тушганда баҳтнинг зиёси,
Рашқдан ёнгувчилар йўқ эмас зеро.

Дунёнинг аччиғу чучугин тотиб
Тунларни ўтказар шоир беуйқу.
Одамлар дардини ўзига олиб
Кувончни уларга бағишлайди у!

ОНА ВА ТИШ

«Тишиң ҳам тушибди, барвақт қарибсан...»
Дүстлар ҳазиллашиб қиласы күлгі.
Ёшлик ўзи нима? Кексаймоқ нима?..
Наҳотки, тиш тушиш қаришга белгі!

Ахир, тиш тушади сакиз ёшда ҳам,
Саксонда садафдек туриши мүмкін.
Қаридим деярман, құлымдан қалам
Ижод қилолмасдан тушиб кеттап күн.

Сочнинг оқариши, бел букилиши,
Тиш тушиш қаришга бўлолмас нишон,
Бемехнат яшаган йигит — йигитми!!
Меҳнаткаш чол ундан минг бор навқирон.

Йиллар ўтар, балки туғма тишимдан
Саксонда нишон ҳам колмайди буткул.
Қаридим демайман, агар каламим
Синмасдан олмосдек кололса ўткир.

Тишлиардан не фойда, ҳаёт неъматин
Мехнат билан топиб, чакмаса мағзин,
Бўрининг тишидан фарқи йўқ.
Бундан
Она сутин эммай ўлмаклик лозим.
Мен ёлғиз ўғилман.
Ҳали ёдимда
Онам айтиб берган кичик ҳикоя.
(Буни сўзлаб берди мархум онамнинг
Номидан бархаёт туғдирган доям).

Онам кувонибди мен туғилганда,
Баҳт билан тўлгандек унинг қучоги,
Бундан ҳам зиёдроқ кувонган экан
Милкимдан гуручдек тиш чиққан чоғи.

Хатто қувонибди кўғирмоч қилиб,
Тишлаган вактимда унинг сийнасин.
Менга боким бўлмай, энди хаётдан
Толар бўлди дея ўз насибасин.

Ақл тиши чиқди жодидай маҳкам,
Бақувват тишларда кўмик кемирдим.
О, нақадар лаззат! Бу кўмик эмас,
Гўё ҳаёт мағзин тотин шимирдим.

Тишларим мукаммал бўлганда, аммо,
Онамнинг милкида қолмабди сира.
Ҳаёт лаззатини сен татақол деб,
Гўё берган каби менга бир сира.

Мана йиллар ўтди.
Энди менинг ҳам Иккита тишимнинг тушганлиги рост,
Бунга ачинмайман, набираларга
Онам берган тишни айладим мерос.

Саксонга киарман, ҳаммаси тушар,
Кайтадан бўларман гўё бир тўдак.
Олтиндан кўярман, аммо ёдимдан
Мутлақо чиқмайди она, у кўкрак.

Саксоңга қиарман, ҳаммаси тушар
Кайтадан бўларман гўё бир тўдак
Олтиндан кўярман, аммо ёдимдан
Мутлақо чиқмайди она, у кўкрак

Саксоңга қиарман, ҳаммаси тушар
Кайтадан бўларман гўё бир тўдак
Олтиндан кўярман, аммо ёдимдан
Мутлақо чиқмайди она, у кўкрак

РОЗИМАН

Агар ёнгин десанг, майли, ёнаман,
Фақат яшаш учун турғилмас одам.
Хатто тупроққа ҳам мен айланаман,
Бир гул уидирмокқа агар ярасам!

Менинг ёнишимдан сен күёш бўлиб,
Ҳамиша нур сочсанг, розиман, майли!
Мен тупроқ бўлсаму сен гулдек униб
Жаҳонга юз очсанг, розиман, майли!

Инсон меҳри билан неки яратса,
Яратгани билан яшай олур у.
Кошки истагингга ҳам яролсам,
Балки күёш бўлиб коларман мангур!

ДАРДИ ЙЎҚ КЕСАК...

Гоҳида ёнаман ишқ оташида,
Кимнингдир дардида ёнаман гур-гур.
Ненидир ташвиши бўлмаса менда
Ёнмасам, мен нима бўлардим ахир!

Ёнмасам, бўлардим бир сиким тупрок,
Ёнишни билмасам, саналардим тош.
Дунёда яхшики, дўстларим, борсиз
Сизнинг меҳрингиздан қалбимда оташ.

Хали бу дунёда ғам бор, ҳам шодлик,
Севги ва фирокнинг оташи ҳоким.
Ёнишни билмасам, халқим айтгандек,
«Дарди йўқ бир кесак» бўлардим балким.

ХОТИНЛАР ТАБАССУМИ

Ярқираб чиқди күёш,
Теварак нурга тұлди
Аммо, менинг қалбим-чи,
Заррача ёришмади.

Күёш кулиб чиқди-ю
Аммо хотинимни-чи,
Қовоғи осилганча
Булутдан қолишмади.

Хотинлар күлгусидан
Гүзәлроқ нима ҳам бор.
Қовоқ солишлиаридан
Азоброқ нима ҳам бор!

Тонгда гулзорға чиқсам,
Гуллар кулиб турибди.
Раңг-бараңг калалаклар
Нурдек учеби юрибди.

Ҳамма ёқда гүзәллик,
Ҳамма ёқда табассум.
Қовоқ солиб турибди
Не учундир хотиним?

Хотинлар қовоғидан
Азоброқ бор нима ҳам!
Улар табассумисиз
Зулмат-ку ёруғ олам.

Хотинлар чехрасидан
Күлгу хеч аримасин.
Үzlари қариса ҳам
Күлгуси қаримасин.

* * *

(Рафиқам МИНАВАРХОНга)

Гулшанда тонг эди. — Фунча, капалак,
Бир бўса устида тутдим иккисин.
Капалак узр этди, қаноти билан
Димогимга уриб гулларнинг исин.

Гулга ошиқ эди, бир пушти гулга,
Гўё истар эди шундан бўсани,
Тинмай айланарди унинг қошида,
Севар экан дедим мен ҳам ўшани.

Аммо кўп ўтмади, тарк этиб уни,
Ўзга гулга севги айлади изхор,
Менинг мухаббатим, меҳрим мутлақо,
Уницидай эмас кўчма, бекарор.

Иккимиз умид-ла ошиён қурдик,
Жужуклар санори бармоклардан кўп.
Яшасин уйимиз ва оиласиз,
Ватандан бир парча жонажон маҳбуб.

1946 йил

Зарра ўртсанмасдим, сени севмасам,
Кувонч нелигини билмай ўтардим.
Сенинг дардинг бўлди қалбимга малҳам,
Дардингни елкамда жон деб кўтардим.

Тангрининг бу улур марҳамати-ку
Қалбларга муҳаббат туйғусин солмок!
Унинг азоби-ю ва оромидан
Инсонга баҳт борми, бундан ортиқрок.

Қалбингда муҳаббат, севги ороми
Бўлмаса, азоб ҳам бўлмасди, бироқ,
Бўлмаса муҳаббат, висол азоби
Бўлардим сўққабош, мевасиз таёк.

1998—2000 йиллар

Жанубий Солис оиласи
Дадди (бисенгэй овлияничилиги анирги)
Солис овлияничилиги (бисенгэй овлияничилиги)
Даргин овлияничилиги (бисенгэй овлияничилиги)

Чархони таъсирларни тақдиз
Бисенгэй овлияничилиги чархони таъсирларни тақдиз
Чархони таъсирларни тақдиз
Бисенгэй овлияничилиги чархони таъсирларни тақдиз

Чархони таъсирларни тақдиз
Бисенгэй овлияничилиги чархони таъсирларни тақдиз
Чархони таъсирларни тақдиз
Бисенгэй овлияничилиги чархони таъсирларни тақдиз

Чархони таъсирларни тақдиз
Бисенгэй овлияничилиги чархони таъсирларни тақдиз
Чархони таъсирларни тақдиз
Бисенгэй овлияничилиги чархони таъсирларни тақдиз

ДУНЁ ВА ОДАМЛАР

Дўстларга соламан гоҳо маслаҳат,
Бирор мушкулимга излайман даво.
«Дунё шундай экан», дейдилар фақат,
Гўё сабабчидай дардимга дунё.

Одамлар хўрласа бир-бирин ноҳак.
Кимдир бу жабрдан қиласа шикоят,
Оlamдаadolat йўқ каби мутлок,
Бош силкиб «ҳаҳ, дунё» дейдилар фақат.

«Ҳаҳ дунё!» — дейишар бирор ноқобил
Ногоҳ миниб қолса агар амалга.
Бунинг сабабин ҳам қилишмас таҳлил,
Атрофдан кўз юмиб, толар хаёлга.

Гўдаклар бахтига солиб таҳлика,
Тирик етим қиласа бевафо падар,
Наҳот чора йўқдир бешафқатликка,
Наҳот ожиз бўлса одам шу қадар!

Дунё деганлари нима ўзи у?
Нимани англашар дунё деганда?
Баъзилар ҳаётда ўзин ожизу
Ёки санашарми бир ғофил банда?!


Дунё адо бўлар деган нақл бор,
Агар кўтарилса одамдан инсоф.
Бизни туққан дунё нечук гуноҳкор,
Биримиз пок бўлсак, биримиз қаллоб!

Бизнинг тушунчада еру, сув, ҳаво,
Нур билан зулматдан иборат слам.
Унда мўъжизалар қўлди-ку, барпо,
Уни мўъжизадай яралган одам.

Дунё кўрки бўлган қасрлар қурди,
Яратди-ю ўзи чўктириди конга.
Ўзин ўтга урди, гоҳ сувга урди,
Не деб айб қўямиз яна дунёга?

Дунё хаммамизни фарзанди санаб,
Неъматидан ёзди бизга дастурхон.
Оlamни жаллодлар қиларкан ҳароб,
Дунё деб, жим қолиш мумкинми бир он!

Кимдир жафо чекар, кимлардир сафо...
Ҳали бу дунёда ҳамма эмас тенг.
Дўстларим, оҳ чекиб, деманг, «Ҳах, дунё»,
«Ҳах одамлар», — денглар, «Ҳах одамлар», —
дэнг.



МУДДАО

Хотиржамлик, тинчлик истайсан,
Тилак тиляб килганда дуо.
Лекин, дўстим, ўзинг тинмайсан,
Нелигини билмай муддао...

Узилади чирт-чирт япроқлар,
Ариқларда жилдирайди сув,
Қаҳрабо тус олмиш ўтлоқлар,
Куз келди-ку! Умр ўтди-ку!

Атрофга бок! Сув куйин тингла!
Сакрашин кўр тошлардан оху,
Фофил банда, бир нафас ўйла,
Сен истаган хотиржамлик шу!

1998 йил 15 декабр

* * *

Агар баъзи бирлар сени ранжитса,
Азоб оташида ўртана буткул!
Ўзинг биласанки, ҳаммани эса
Кўнглини бир хилда овламоқ мушкул.

Баъзида жонингни жабборга бериб,
Асл ҳакиқатни сўзлаганинг дам,
Баъзи бирлар сендан бутунлай ранжиб,
Мумкин сени нодон дейишлари ҳам.

Борди-ю, яхшини десанг ҳам ёмон,
Аминман, топилур сенга тарафдор.
Дунёда бор экан ҳакиқат, ёлғон,
Ҳаммага teng ёкиш мумкинмас зинхор.

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъқул.
Дўстим, ҳакиқату ростини айтиб,
Факат, виждонингни буюрганин кил!

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъқул.

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъқул.

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъқул.

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъқул.

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъқул.

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъқул.

ЁЛГОНЧИ

«Яна алдади у!..» Алдаса, ёниб,
Устидан арзу дод қилишинг бекор.
Биласан, ундейлар лафзидан тониб,
Ҳар қандай қасамлар ичишга тайёр.

Кўлга қурол олиб, ҳатто минг аттанг,
У билан курашни ўйлашинг бенаф.
Ахир мард юзма-юз қила олур жанг,
У-чи, бу сафар ҳам кетади алдаб.

У сени алдаса, ўртамма зинхор,
Фазабга ҳам қелма ўйлаган сари.
Бунга табиатдир балки гунохкор —
Онадан туғилган бўлар тескари.

Агар, бир хумордан чиқай деб роса,
Телефонда сочмоқчи бўлсанг захрингни,
Эшиитмаган бўлиб, «Телефонлар расво,
Рахмат, бир келинг», деб босар қаҳрингни.

Алданиш азобин, унинг хўрлигин,
Мабодо уларга бўлсанг англатмок.
Афанди сингари уларнинг йўлин
Сен ҳам ўзларига бир ишлатиб бок:

Бошимга ғам тушди деса, ишонма!
Бу ҳам баҳона деб ўйнаб-кулиб бор.
Тўйимиз бор деса, аксини қилиб,
Мотам либосида йиғлаб кириб бор.

Мен сени биламан, қалбинг берубор,
Вижданинг амр этмас, бундай қилишга.
Кўл кесмасин десанг, халқда нақл бор:
Эгри кин қил деган эгри қиличга!

ЙҮЛБАРС БОЛАСИ

Үтлокда ағанар кичкина йүлбарс,
Күзи тушган одам бокмасдан ўтмас.
Накадар ярашган бекасам тұни,
Хамма бир завқ билан эркалар уни.

Хар ўтган жунларин силайди сүйіб,
Нақадар ёқимтой, берубор гүдак,
Дүңгил күлларига бошини күйіб,
Мүлтиллаб тикилар ўйнашмокчидай.

Бедард күзларига чүккандай баҳор,
Норасида қалби бунча бегубор!

Унга бир ўй билан тикилиб қолдим,
Недир хаёлимни сеҳрлаб олди.

Яна чиройлирок бўлар тулланиб,
Яна силликлашар чиққач мўйлови.
Ҳайхот, кучга тўлиб, аммо улғайиб,
Кошки қолса эди ёшлиги каби
Покиза юраги, беғараз қалби.

АЙРИЛИҚ

Тўю улфатларда дўстлар бўлса жам,
Биллур кадаҳларга куйилади май.
Ҳайрон қоладилар баъзан рад этсам,
Улфатлар катори бир қултум ичмай.

Ҳайрон қоладилар, факат майнимас,
Ҳатто, чекиши хам тарк этганимга,
Ҳайрон қоладилар кичик қалбимга
Икки айрилиқни сиёдирганимга.

Гўё бунда бир сир, мўъжиза бордек,
Менга шубҳа билан бокади ёшлар.
«Хуфия қиласан, биздан яширма»,
Дегандек сўз котар гоҳо тенгдошлар.

Инсоннинг бошидан нелар кечмайди:
Севикли ёридан бўлади жудо.
Ватандан айрилар, азиз фарзанддан,
Бундай аламга хам чидайди ҳатто.

Баъзан озодликдан айрилар инсон,
Бунга ҳам бардоши етади мутлоқ.
Нима деган нарса, чекиш хумори,
Нима деган нарса майдан айримоқ!

ХАССА

Оқсокланиб қолдим...
Онам хассаси
Суянчигим бўлди яна ўша дам.
Камдек тиригига тортган жафоси
Тинч кўймадим ҳатто хассасини ҳам.

Ҳасса ҳам қариган онамдек нозик,
Худди коматидек букулган эди.
Шу ҳасса онамга бўлиб суянчик,
Қариган чоғлари тутилган эди.

Кимдир кулиб деди — бунга суянма,
Бошқа оёғинг ҳам бўлади чўлоқ.
Аммо бу ҳассанинг сеҳрий кучини,
Буюк кудратини сезмади шу чоқ.

Бу ҳасса кичкина, нозик бўлса ҳам
Буюк бир онани сужди ҳар он.
Биз-чи, фарзанд бўлиб шу бир ҳассача
Баъзан бўлолмадик дардига дармон!

Онамнинг тор каби оғир дардини,
Чидамин, орзусин кўтарган ҳасса...
Мен кимман, бу улуғ зотнинг олдида,
Кичкина бир мени кўтаролмаса!

ТИРИК ҮЛМОҚ

Онажон, ўртаниб рамимни ема,
Азобга колди, деб қайғурма зинхор!
Қамоқ азобларин азоб ҳам дема,
Худойимнинг минг бир азоблари бор.

Менинг ҳеч кимсадан гинам йўқ она,
Ахир ёмонни ҳам яратган Худо.
Менинг бир айбим бор якка-ягона —
Эътиқодим бўлди бошимга бало!

Умиду эътиқод бўлса одамда,
Бўлурму азобу ўлимдан кўркмок!
Тилаб олганингда мени Худодан
Ўлимдан каммиди, сен тортган тўлғок!

Имон, эътиқоддан холи бўлганим,
Онажон, баҳт топмай, бебаҳт ўлганим!

2000 йил 15 январ

Маданият министри

М. Абдуллаев

Министри мурасими

М. Абдуллаев

Министри мурасими

М. Абдуллаев

* * *

Гоҳо тушларига илон киради,
Бунга ҳар ким ҳар хил таъбир беради:
Тушда илон кўрсанг давлат, дейдилар,
Баъзи бирлар — душман, иллат, дейдилар.

Ўнгда илон чақса розиман! Аммо,
Жондан севган, содик дўстимни асло
Душман бўлишини кўрмай тушда ҳам,
Чунки заҳардан ҳам кучли бу алам.
Ахир бу одам!

ҚИЁФА

Дўстим, бу дунёда тенг эмас беш кўл,
Барига бир юмуш бериб яратган.'--
Ҳар инсон ахтарар ўз-ўзига йўл, . .
Феъли авторин ҳамбилиб яратган.'

Дунё шу эканми, ранжима сира, "
Кўзингга тик бокиб ким берса озор-
Дунёда мунофик бўлишдан кўра,
Афзал-ку, дардини сўзламоқ ошкор.

Захри йўқ дейдилар бетга айтганни,
Сен бунга шукур қил, сен бунга қувон,
Шубҳа азобидан кутқармиш сени...
Яхши-ку ариса қалбингдан туман.

Кимdir кўз олдингда хақорат этса,
Бунинг азобига чидамоқ мумкин.
Шайтонлар ўзларин фаришта деса,
Унинг қиёфаси очилур бир кун.

Аммо, баъзилар бор, на қахру раҳмин,
Унинг қиёфасин билмайсан аён.
У руҳми, шарпами, етмайди фаҳминг,
Дўстим, ҳаммасидан мана бу ёмон.

Қиёфасиз одам!.. У қандайлигин
Таърифламоқ маҳол! Ана турар у.
Даштдаги саробга бирпас тикилгин,
Қиёфасиз одам худқи мана шу!

Дўстим, бирор даҳрий, бирор художў,
Дунёни тарк этмас, хеч вакт эътиқод,
Қиёфасиз одам еяр-ичару
Маслагин айтмоқдан ор қилар, хайҳот!

Жанг чоғи бурчақдан термулар улар,
Кимнингдир ғалаба қилмогин кутиб.
Уни зафарига қүшмас ғолиблар,
Мавлублар юзига кетар туфуриб.

Зилзила силкитар, дўстим, ногахон,
Сени гафлат ичра қолдиради у.
Баъзан вайрон қиласар бояларни вулқон,
Киёфасиз одам худди мана шу!

Баъзан кўз олдимга келар арғимчоқ,
Доим икки томон тебранади у.
Кўзимга кўринар гоҳо қўғирчоқ...
Киёфасиз одам, дўстим, мана шу!

Алайындың дәл ақындардың жаңы мәдениетінен
Алай Акын - шының жөнүндөн көзөн көрүп
Сабактардың таралып жатырынан да
Алай Акын - шының жөнүндөн көрүп көрүп
Алай Акын - шының жөнүндөн көрүп көрүп

* * *

Қирқ йиллик дүстингдан гина қылдингми?
Ох, ёшлик, дүстингдан бўлдингми кечмоқ?
Демак, сен чинорни қирқмоқ бўлдингми?
Ўрнига бўлдингми бир ниҳол экмоқ!

У қачон кўкарап, бўлар суянчик?..
Колган умрни ҳам бир ҳисоблаб чик!

* * *

Соқоллари оппок, оппок соchlари,
Яктаклари оппок, қалбларисимон.
Икки мўйсафиднинг ёшлик чорлари,
Дўстликлари элда достондир ҳамон.

Махалла кўй-гузар иккисин кўрса,
Ҳавас билан сўзлар улар дўстлигин.
Етмишдан ҳам ошган ёшлари эса,
Дўстликлари бўлса, қаримас лекин.

Ҳа, ўзинг кексайгин, дўстлигинг бироқ,
Шундай қолсин экан доим навқирон.
Навқирон бўлсангу, сендан олдинрок
Дўстлигинг қариса, нақадар ёмон.

ХОТИНЛАР

Дўстим, хотинлардан асло нолима,
Дунёдан ўтмайсан ахир хотинсиз.
Саҳрода қуёшдан қочаман дема,
Хотиндан нолиш ҳам шундай, ўринсиз.

Қуёш ёндиради саратон куни,
Тилни ёпиширар танглайимизга.
Зулмат чўкса дархол кўмсаймиз уни,
Нурин сочса деймиз манглайимизга.

Дўстим, хотинлардан ранжимагин ҳеч,
Хотинларсиз хаёт — зулмат чўккан кеч.

УЛФАТЛАР

Бир улфатим бор эди,
Қылдым майшат — базм.
Окибат шу бүлдики,
Унутилди шеър — назм.

Яна бир дүст орттиридим,
Кунлар ўтди кулкида.
Бир нишона қолмади
Мендан умр мулкида.

Учинчи ўртоқ топдим,
Ўргандым илму ҳикмат.
Катта-кичик олдиди
Қозондим обрү — қиммат.

Кунларни ўтказардик
Тотув яшаб уч ўртоқ.
Келажагим — меҳнатни
Унутибман мен бироқ.

Кунлар ўтарди, бир кун
Бўлиб менда кўп хуноб
Эҳтиёж кириб келди,
Эшик очиб ўша тоб:

«Салом, бир илтимос бор,
Сенга топдим бир улфат.
Таништирсан, дўст бўлсанг,
Унга кўйсанг муҳаббат.

Умринг ўтмас бефойда,
Яшайсан мағрур, хуллас —
Этасан ўзингни ҳам
Мендек балодан ҳалос.

Улурларнинг ҳаммаси
Уни севгандар фақат.
Номини айтсам сенга,
Номидир ҳалол меҳнат».

Қабул қилдим талабин,
Меҳнат менга ёр бўлди,
Базмимиз яна ширин,
Чунки, улфат чор бўлди.

Меҳнат бўлиб иш боши
Етказганда тилакка,
Умр қадрини билдим,
Танилдим келажакка.

БАХОР КЕЧАСИ

Қуёш ботиб кетди.
Бир тутам нури
Варрак думларига илашиб қолди.
Онаси етаклаб кетган боладек
Чүмчуклар чурк-чурклаб тарк этди толни.
Ховлим ўртасида дүңдик қызы каби
Пушти күйлак кийиб турап шафтому.
Гилос оқ шохи түн кийган күёвми,
Эгилиб келинга пичирларди у.
Түйни күриш учун том тепасига
Шошиб чиқиб олган қызлар каби ой —
Үрикка тирмашиб, ёңғокқа ўтиб,
Терак тепасида күрсатди чирой.
Фақат уйимдамас, ҳар хонадонда,
Бугун Ватанимда наврўзи олам.
Ховузча — косага баҳор шаробин
Шилдиратиб қуяр ариқчалар ҳам.
Ана, юлдуз санаб бўғот лабида
Қўшним мушуги ҳам кутади ёрин,
Жонувору парранда... борида севги!
Қандай одам севмас умр баҳорни!
Қалбларни бир умр тарк этма, севги!

* * *

- Болаликда оғир юқ нима?
- Онасидан бұлмоқлик жудо!
- Йигитликда оғир юқ нима?
- Ёринг қылса севгіда риё!
- Кексайғанда фарзанд дөғини
Хеч бандага күрсатма асло!

ТИЛДА АЙТИЛМАГАН СЕВГИ

Аввал баҳор эди. Чинор тагида
Ҳамон ёдимдадир учрашганимиз.
Шамол ўйнар эди толлар баргида,
Жимжит турар эдик фақат иккимиз.

Варрак илингандча тол баргагига
Нелардир куйларди нолигансимон.
Баҳорни мадҳ этиб ариқ оқарди,
Фақат иккаламиз жим эдик ҳамон.

Иккимиз жим эдик. Қушлар сайроғи
Хатто кирмас эди қулогимизга.
Оламда кувонч ҳам, баҳт ҳам йўқ эди,
Боқмоқликдан ўзга бир-биrimизга.

Наврӯз олам эди. Чинор тагида
Умрбод ёдимда учрашганимиз.
Сўз ҳам ожиз эди, тил ҳам лол эди,
Ишққа тўла эди шу дам танимиз.

ЖУРГАЛЫК ШАМОЛ

Мунча оромбахшсан, мунча жонбахшсан,
Сочларни елпиган баҳор шамоли!
Қандай сөхграрсан — бир дам эркалабб
Шириң үйлар ичра қолдирдинг холи.

Гулоб тутган каби сархуш күлдингү,
Дунё ташвишларин дилдан ўчирдинг.
Севги оғушига қайта солдингү,
Ёшликка варракдек яна учирдинг.

Тонгда хонам ичра юрибсан кезиб,
Мехрибон мүшфиқсан, ахир мунча ҳам,
Яқин дүстларим ҳам дардимни сезиб,
Баъзан бўлмаган-ку, сенчалик малҳам!


Қаерлардан келдинг эй, сахий шамол,
Бунчалар оромбахш бир дам елпишинг.
Кўнгилни овлашга баъзан сен мисол
Шириң сўз уфрамас энг яқин кишинг.

Умрда кечирдим нечалаб баҳор,
Хар гал такрорланар сенинг химматинг.
Хориган дамларда мададу мадор,
Ҳеч маҳал бўлмади сенинг миннатинг.

Қанчалар гўзаллик сенда яширин,
Сен-ку, тўлқин қилган отлар ёлини.
Сен-ку, кўлларимга тутқазиб кеттган
Боғ кўчадан ўтган қиз рўмолини.

Қайси сахий зотлар сени уфурган,
Қайси макондан сен тараган ором!
Наврӯзолам чори ё базм қурган
Қизлар нафасидан яралган ором!

Ахир не кувончки, ахир не баҳтки,
Ҳар тонг тегиб турса бағрингга шамол,
Баҳор шамоллари, баҳор еллари,
Кувонч, ёшлик бўлиб кучоримда қол!



ҚАБР ТОШИ

Онаси ўлганда етиб келмадай;
Хатто йўқламади тиригида ҳам.
Пул ва шуҳрат учун қанча кезмади
Не-не шаҳарларни бу аянч одам.

Бугун элни йигиб кўтарди фарёд,
Мармардан хотира қўйди қабрига.
Она тиригида қилолмаган ёд
Наҳот энди етди унинг қадрига?

Афсус, она номин кўз ҳам илгамас,
Ўзин исмига-чи, берилган зарҳал.
Буни ҳам онага меҳридан эмас,
Ўзин шуҳратига қўйибди ҳайкал.

* * *

Умрда нималар кечмайди дўстим,
Одамлар ўзгарар, ўзгарар ҳаво.
Ўз-ўзича чора излайди ҳар ким,
Ўз-ўзича ҳар ким излайди даво.

Умид бу — бугунги экилган кўчат,
Умид бу — тоғларда ҳали ётган қор,
Эртага атрофда гуркирар кўкат,
Дарёлар ҳайқириб келади баҳор.

Тонгда куёш чиқар, аммо начора,
Оқшомда қолмагай ҳатто зарраси,
Килма, афсус билан қалбининг пора,
Умиддир қайтадан кўрмоқ чораси.

Дўстим, кўнгил узма, дунёдан бир дам,
Кимлардир қиссалар меҳрингни унут,
Унутмоқ бор жойда, ёмонликни ҳам
Унут бўлишини умид билан кут!

Дилларни тумандек қоплайди баъзан,
Дўстликка ҳиёнат, севгига риё.
Куёш чиқиш билан тарқалар туман,
Ноумид бўлмагил қуёшдан асло.

Ҳаётда нималар кечмайди гоҳо,
Фақат умид қилур мушкулни осон,
Умринг узайишин истасанг ҳатто,
Комил умид билан эртангга ион.

КАРГАЛАР

Фарид оқшом чўқди аста мозорга
Хатто маъюс каби булатли осмон.
Терак тепасида ўлтирадар қарға —
Сўниб қолган шамнинг сўхтасисимон.

Каргалар келарди тундек ёприлиб,
Қабрлар устида солади гулув.
Тирик нафаслардан кун бўйи қочиб,
Наҳот мархумларга дардкаш бўлса у?

Шу чок ҳаёлимдан ўтар дўстларим,
Мархум аждодларни эслайман бирдам.
Кўз ёш тўкким келди нечундир юм-юм,
Мени ўртар эди бир афсус, алам.

Улар тиригига лоқайдлар баъзан
Дарду ғамларидан бўлганлар нари.
Аммо ўлгандачи, бўлиб меҳрибон,
Қабрга келурлар карға сингари.

Издан 1983-йил
Ондоғи макалаларни сабабларни
Барча макалаларни сабабларни
Барча макалаларни сабабларни

Издан 1983-йил
Ондоғи макалаларни сабабларни
Барча макалаларни сабабларни
Барча макалаларни сабабларни

* * *

Тангрим ўзинг, ўзинг ярлақа,
Ўзингдан ҳеч ўзга мадад йўқ.
На дўстим бор, на дард тингловчим,
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳад йўқ.

Кимларнингдир тангри, паноҳи,
Кимга етар, даҳрийлар оҳи!

1939—1984 йиллар

РОЗИЛИК

Кимдир бу дунёда юз йил яшайди,
Кимдир бу дунёдан кетар навқирон.
Ҳаммаси ҳам бир күн видолашади,
Аммо ҳаммаси ҳам тинчимас бир он.

Ха, инсон умрида нелар күрмайди,
Барини кечирар — азобу ором....
Орзулар чироги бизни қўймайди,
Бизни парвонадек килиб олар ром.

Гоҳо дил шикаста, гоҳ қувонч билан
Кеча-кундуз каби ўтади умр.
Дардкаш бўлолмаймиз дўстларга баъзан,
Хаёлга ҳам келмас сўрамоқ узр.

Ҳатто энг меҳрибон она қабрига
Ёдимиизга келмас қўйиш даста гул,
Баъзан шухрат қиласи бизни овора,
Баъзида нафсимиз қилиб қўяр қул.

Елиб-югурамиз... Лекин минг аттанг,
Ҳаётдан мангуга юмарканмиз кўз,
Одамлар юзига тикилиб ўйчан,
Шу чок тилемизга келар битта сўз:

Гўё энг муқаддас тиловат каби,
Ризо бўлинг, деймиз ҳаммага такрор.
Факат одамларнинг ризолигидан
Ўзга буюк орзу йўқ каби зинхор.

Қариндош-уруғу дүстга бокамиз,
Гүё барчасини энди күргандек,
Ризо бўлинг деймиз, шу дамгача биз
Гўёки айтишга улгурмагандек!

Энди-чи, хаёлга келмас шухрат, зар,
Одамлар кўриниб қолар муқаддас.
Одамлар ризосин ўйлар баъзилар
Афсус, сўнгги дамда, афсус, бир нафас.

УНУТИШ

Инсон ўз бошидан нелар кечирмас,
Бевакт ўлимлару риё-ю бўхтон!
Севгилик баъзида вафони билмас...
Барчасин қандайин, кўтарсин инсон!

Гина, кудратлар, жафолар барин,
Йигаберсак эди кўнгилга агар,
Букиб кўймасмиди инсоннинг каддин!
Дунёда оғир юк борми бу қадар.

О, яхши дунёда унумоқлик бор!
Яхшики умид бор! Бўлмаса одам, —
Бу дунё ташвишин барчасин якбор
Кўтариб юрмоққа чидолмасди ҳам...

Яхшики, дунёда унумоқлик бор.

Бедард ёшлигимни эслаган чогим,
Онагинам келар кўзим олдига.
Онамни эсласам, «эркам, тойчоним»,
Деган ширин сўзи тушар ёдимга.

Бу ширин сўзларни ким унутади!
Онамнинг тилидан томар эди бол.
Унинг меҳри бўлди умрим безаги,
Унинг тили берди шеъримга камол.

Қай одам эсламас ёшлигин ўзин,
Ширин она тилин ёд этмас ким ҳам?
Унутар ёшлигин, ўз она тилин,
Унинг сутин таъмин унуглан одам.

Бедард ёшлигимни оларни ким ёдим
Любов кимни оларни ким ёдим
Анда не иштади яхши оларни ким ёдим
Анда ширин оларни ким ёдим

Онамни эслаган чогимни оларни ким ёдим
Онамни кимни оларни ким ёдим

Бедард ёшлигимни оларни ким ёдим
Любов кимни оларни ким ёдим
Анда не иштади яхши оларни ким ёдим
Анда ширин оларни ким ёдим

Онамни эсласам чогимни оларни ким ёдим
Онамни кимни оларни ким ёдим
Бедард ёшлигимни оларни ким ёдим
Любов кимни оларни ким ёдим

МЕН ЎЛГАН ЭМИШМАН!

Мен ўлган эмишман... Аммо қулоғим
Аниқ әшитармиш одамлар сүзин.
Ўлган эмишману... Гүрим узра жим
Турган дұстларимни күрармиш күзим.

Жим-жим туар әди улар тепамда,
Аммо миңжаларда на ёш, на бир нам.
Күтүлдік дегандек битта ёмондан,
Атрофда туарди улар хотиржам.

Бу дахшат сүзларни әшитганимдан
Кулоғим кар бўлса кошикийди шу чок.
Рози әдим улар юзин кўрмасдан,
Кўзларимга тезроқ ташланса тупрок.

Тупрок ташлардилар, тупрокмас, гўё
Таъна тоши әди бергувчи азоб.
Рахматли деб мени қилмасди дуо,
Бир фосик кам дея бокарди шу тоб.

Кайси қилмишимга берасиз жазо,
Нечун ўлганимда бунчалар сазо?

Мен ўлган одамман, айтинг гуноҳим!
Кимнинг уйин буздим хиёнат билан?
Тиригимда доим бўлиб ҳамроҳим,
Нега айтмадингиз диёнат билан!

Кани айтинг, кимни ноҳақ қаматдим?
Етим-есирларнинг ҳакин едимми?
Кўркманг, асло келмас ифвога тилим,
Айтинг, ё ҳакорат сўзлар дедимми?

Йўқ, йўқ! Нафратланманг. Менга беринг тил,
Сабабларин айтиб, сўзлайми ўзим?
Мен эди кўркмайман! Уйғонгин, эй дил!
Бир карра ўлганман, қайта йўқ ўлим.

Тилим гулдиради, ўз овозимга
Мен чўчиб уйғондим, босқириб, нохуш.
Хайрият, туш экан! Кошки одамга
Тиригига ибрат бўлолса бу туш!

МАЙСАЛАР

Дунёдан абадий күз юмгинг келмас,
Яркираб, гуркираб келганды баҳор.
Еллар күлларингдан тортқиляб қўймас,
Кўшик бўлиб кирап қалбингга анҳор.

Илк марта гуллаган шафтоли тонгда
Қалбингга бағишлар қанчалар хузур.
Кўз узгинг келмайди, офтоб минг рангда
Зангори осмондан сочиб турса нур!

Турналар кур-курлаб, арғимчоқ солиб,
Сени аллаламок бўларлар бир дам.
Кўм-кўк майсаларга бағрингни бериб,
Бағрингдан ажралгинг келмайди ҳеч ҳам?

Бегубор майсалар!.. Барра майсалар!..
Анҳорлар қирғоги кўм-кўк майсазор!
Тепалар ён бағри, чинорлар ости,
Қайга назар солма, кўм-кўк, бегубор.

Барра майсаларнинг бағрига сингиб,
Кучоғин тарқ этгинг келмайди мутлок.
Азиз она тупроқ, эй она-диёр,
Қандай баҳт бағрингда абадий қолмок!

* * *

Бошларимда не савдо биласанми, эй, ёр.
Юрагимда не равро биласанми, эй, ёр.
Гуноҳим мен шўрликнинг недир? Аён қиласанг-чи,
Кимдан менга не даъво, биласанми, эй, ёр.

Дунёда алам борми, гунохинг не билмасанг,
Гуноҳ борми бандага, оллохинг не билмасанг,
Арзингни кимга айтиб, ахир кимга йиг'лайсан,
Бу дардга қандай даво, биласанми, эй, ёр!

Тилинг бўлса-ю аммо, тилинг гапга келмаса,
Кўзинг очик бўлса-ю, қўришга наф бўлмаса,
Инсон бўлиб инсондек дилингни ёролмасанг,
Бўлурми яшаш рано, биласанми, эй, ёр.

Гунохинг ошкор бўлса, тан олмоқ марднинг иши,
Дўст айбин ошкор этар дўстга ишонган киши.
Дўст бўлиб дўст бўлмаса, ғаним бўлиб ғаниминг,
Бу пинхони бир бало, биласанми, эй, ёр!

Кўнглимдаги бу дардлар булутдек ўтди-кетди,
Тангрига минг шукрлар, истиклол даври етди,
Ўзбек деган отим бор, мустақил давлатим бор,
Эсмоқда ўзга сабо биласанми, эй, ёр!

2000 йил 2 январ

ДАВО

Баъзан шифокорга дардингни айтсанг,
Улардан истасанг бирорта даво,
Хаво алмаштириб, саёҳат қилсанг,
Шу ўзи дейдилар энг яхши шифо.

Бунда ҳам хикмат бор, ахир дехқон ҳам
Ерни алмаштириб экади экин.
Алмашлаб турмаса, ерин дам-бадам
Тўғри, ҳосилни ҳам ололмас тўкин.

Эй табиб, қани айт, аммо хотиндан
Жафо чекканларга не бўлур даво?
Хотинни нимага алмаштирасан,
Ўрнин босадиган борми, бир мато!

* * *

Ёшлигингда ёрнинг ишқида
Ўтказасан тунларни бедор.
Таажжубки, кексайганингда
Шу бедорлик бўларкан такрор.

Йигитликда фунча каби лаб
Тинчлик бермай соларди ғулув.
Кексайганда, ёшликни эслаб
Кўзларингдан қочаркан уйқу.

* * *

«Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир»
Ўз нафсин кули бўлган балоларга қоладир.

Сенинг яхши ҳуснингни ёмон феълинг бузади,
Манманлик, кибри ҳаво бошга битган балодир.

Қани, севдим деганинг, жоним курбон деганинг,
Ёлғон тил дилингни ҳам килич каби ёродир.

Мухаббатга не чора, қари демас, ёш демас,
Шайтон йўлига кирган уйкудан ҳам қоладир.

Гапни гапир уққанга, одамлар феъли турфа,
Ҳар ким кўнглига келган дўмбирасин чаладир.

Худо аклу хуш берди, кечирмайди тавбангни,
Ўтдан сувни фарқ қилмас сен эмас, ёш боладир.

Эй, Шукрулло, нафсин тий, ҳайю ҳавас ўткунчи,
Иймонни амал деган жаннатга йўл оладир.

ХАЙКАЛ

Орзу-умид билан яшайди одам,
Тўйри тап, дунёда умидсиз шайтон.
Аммо ўткинчидир беш кунлик олам,
Ўткинчи эканин билмаслик ёмон.

Ўткинчи дунёда обрў талашма,
Шон-шуҳрат кетидан, кувмагин зинхор.
Хайкалинг кўйишни ғамини ема
Ҳамма ҳайкалларга етарли жой бор.

Қабристонда сонсиз қабр тошлари,..
Бу маконда ётар минг турли инсон.
Кимгадир ёғилса раҳмат ёшлари,
Кимгадир бўлмасин лаънатга нишон.

ЧАМАНЛАРНИ ЎЗИ АСРАСИН

Мен ҳавас этмадим баланд парвозни,
Ерда судралишдан Худо асрасин.
Баъзан олганимда кўлимга созни.
Фақат айтмоқ бўлдим кўнглим ҳасратин.

Баҳор гўзал бўлур кўз очса ғунча,
Ундан ҳам гўзалдир юзда табассум.
Шулар ҳасратида ўла-ўлгунча,
Шулар кувончида ўттаниб ёндим.

Табассум, бунчалар ошиқ қилмасанг,
Гўзаллик бунчалар этмасанг, хафтун!
Дунё не бўларди агар бўлмасанг,
Умрим ҳасратингда ўтарди бутун.

Дараҳтлардан дув-дув барглар тўкилар,
Айрилик ёшидек ёвади ёмғир.
Она ерга сингиб боради улар,
Чаман бўлиб бир кун унади охир.

Чамани оғатдан Тангрим асрасин,
Дунёда йўқ менинг ўзга ҳасратим.

1998 йил 16 ноябр

Софлом одаларни таң-жони бор, олар көзбети
Ақлу адолатдан холимас олам, олар көзбети
Хеч кимга яхшилик қилмаса гар у
Кандай соғлом дейлик бу одамни, айт!

СОҒЛОМ ОДАМ

Тўрт улфат жам бўлса, дунё ташвиши,
Нарху наволардан бошланади баҳс.
Ҳар бири маъкуллар ўз қилган ишин,
Баъзан қонун қолиб, ғолиб чикар нафс.

Элак тутиб бўлмас кўпнинг орзига,
Кудукка дард айтиш фурсати эмас,
Мен ҳам бу улфатга кирсам баъзида,
Келолмай қоламан кўпчиликка бас!

Бугун гап очилиб соғлом авлоддан
Маъносин чақмоқчи бўлди талашиб.
Бири баҳста кирса тўйгунча ҳолдан,
Бири, бири билан қолар ярашиб.

Соғлик-саломатлик бўлмайди ўзи,
Пул ҳам, емок-ичмок, керак майшат.
Улфатлардан бири бўлди сўзини —
Фақат соғ бўлишмас, соғлом бўлиш шарт.

Бири бундай гапни мастлика йўди,
Бири елка кисиб қаради ҳайрон.
Хуллас бири олиб, бириси қўйди,
Ҳамма ўз билганин айлади баён.

Кандай тушунтирсам, тан-жони соғ-у
Фикри ёмонликдан бўлса иборат,
Ҳеч кимга яхшилик қилмаса гар у
Кандай соғлом дейлик бу одамни, айт!

Соғлом дейишнинг ҳам ўз мезони бор,
Ақлу адолатдан холимас олам.
Оқни кора деса, сахрони гулзор,
Ҳеч ким бу одамни демайди соғлом.

Агар бўлса ҳамки тўрт мучаси соғ,
Қилгудек бўлса ҳам тоғларни талқон.
Бундайларни соғлом дейилмас мутлак,
Кўксини қилмаса Ватанга қалқон.

Одамлар Ватан деб жонин берганда,
Одамлар миллат деб бўлганда қурбон,
Ўз нафсин қурбони эй, шўрлик банда
Наҳот аташ мумкин, номингни инсон!

Ахир, биз, эртаси буюк давлатнинг
Асл соҳиблари, улуғ ўзбекмиз!
Оlamга маърифат берган миллатнинг,
Қадами ҳар ерда кутлув ўзбекмиз!

Қасри олийлар сол, олтиндан ҳатто,
Топганинг ўзингга буюрсин минг бор.
Аждодинг кимлигин билмасанг аммо,
Сени, соғлом одам дейилмас зинхор!

Нопок йўллар билан ортдириб давлат,
Маст-аласт кун кўрсанг факат ичиб-еб,
Билмасанг не дардда яшайди миллат,
Сени ким айтади соғлом одам деб!

Соғлом дегани бу гуноҳи азим,
Харом-харишлардан ўз нафсин тиймок,
Сени, соғлом инсон, хожи деяр ким,
Етимлар хақидан бўлсанг хаж қилмок!

«Бу жуда соғ одам, бу соғлом одам»,
Борми, бундан ортиқ унвони олий,
Қандай ёркин бўлса ёниб турган шам,
Соғлом қалб ҳам бўлар ғубордан холи.

Афсус, баъзилар бор тан-жони соғу
Фикри ёмонлигу чирқдан иборат.
Холис ният билан нафас олмас у,
Қандай соғлом дейсан, бундайларни, айт!

Сөглем авлод деймиз, бизнинг келажак
Соҳибин ўйлайлик, кимлар бўлади?
Аммо, биз ўзимиз, нимани эксан,
Келажак авлодлар шуни ўради.

Ҳаёт дегани бу бошвоқсиз отдек,
Унинг тизгини йўқ — у тонг ила тун.
Бахсу тортишувда окшом хам ўтди,
Соғлом ақл била ясалди якун.

Эй, менинг, севикли азиз набирам,
Бўлмокни истасанг сен соғлом авлод,
Сен, тани, ўзингни, ўз халкингни хам,
Кўпнинг соғлом сўзин қилиб олгин ёд!

2000 йил 9 январ

КЕКСАЛИК

Дарахт тепа шохдан, одам оёқдан
Қарийди дейдилар, бу ҳам бир ҳикмат.
Бундай ўйлаб кўрсам, бутун нарсани
Ҳисобли яратган доно табиат.

Яхшики, одамнинг куч-куватини
Белу оёғидан аввал олади.
Бўлмаса, бу оёқ кексайганингда
Сени қай йўлларга судраб коларди.

ЧИНОР

Чинор яшар юз йилдан ортиқ,
Умр күрар хатто асрлаб.
Унга ҳавас қилмайман, йўқ, йўқ,
Яшамайман умрини тилаб!

Силкинади кекса қомати,
Афсус чеккан мўйсафидсимон.
Тўлиб-тошган балки ҳасрати
Не чораки унда йўқ, забон.

Қанча-қанча севишганларнинг
Севгисига бўлмади гувоҳ!
Қанча-қанча адашганларнинг
Дардин тинглаб бўлмади паноҳ!

Дардларинги ичингга ютиб,
Сукут саклаб кечирмоқ ҳаёт...
Кимлигингни бутун унутиб
Тилсиз яшаш даҳшат-ку, ҳайхот!

ҚАБРИСТОНДА

Қабристон устида пая булутлар,
Кимларнинг руҳи у, кимнинг кафани!
Гўрков мурдалардан қачон қутилар?
Кетмонга илиниб тураг чопони!

Ёмғир томчилади, яшриниб қуёш,
Қай ошиқ, қай фарзанд, ким тўккан бу ёш!

1989 йил 30 декабр

МУКОФОТ

Ҳакикий истеъдод асло бўлмас хор,
У нурга ўҳшайди, бўлмайди топтаб.
Мукофотсиз қолсанг, ўқинма зинхор,
Тоғ устидан хеч ким ўтолмас хатлаб.

Бизда мархумлар ҳам тақдирланади,
Ҳатто, дейилмайди бу ёш, бу қари.
Баъзан ёшга, баъзан бошига қараб
Мехнат қилган борки, олади бари.

Мабодо ўлмасдан юз ёшга кирсанг,
Тўйингда бошингдан сочилар тилла.
Ёшликда мукофат олмаган бўлсанг,
Худодан юз ёшга киришни тила!

1998 иил 13 январ

АЛЛА

Мен онаман — сени түккәнман,
Менман сени яратган дунё.
Лекин сени кўрган кунимдан,
Сенинг ўзинг мен учун гўё
Янги олам бўлиб кўриндинг,
Азиз одам бўлиб кўриндинг,
Алла-ю алла!

Болажоним, сен туғилган он
Кувончимнинг йўқ эди чеки,
Назаримда шу ёруғ жаҳон
Бўлган каби бирдан меники,
Шодлик, баҳтим турилди дедим,
Жон роҳатим туғилди дедим,
Алла-ю алла.

Сенсиз кунни демадим кундек,
Азиз билдим сени кўзимдан,
Шикаст етса жонингга жиндек,
Минг сирқироқ сездим ўзимда...
Бир зирабча сенга кирганда,
Багрим ёди кирғич киргандай.
Алла-ю алла.

Сенсиз кирмас кулғимга куй,
Товушларинг мен учун оханг.
Сенсиз файзин йўқотади уй,
Сенсан менинг юзларимга ранг!
Уйим, куйим, ёруғ юзимсан,
Йўқ, жонимсан, менинг ўзимсан,
Алла-ю алла!

Менга куйдек ёқмоқ истасанг,
Очиқ, кўнгил, ростгўй бўл ҳар он.
Юзларимга бўлмоқ бўлсанг ранг,

Эл ичид аммо ҳеч қачон
Үз юзингга доғ солма зинхор,
Бахтинг қилар мени баҳтиёр,
Алла-ю алла!

Гарчи менга жон бўлмасанг ҳам,
Фирокингни кўрмайин кўзим!
Кўзларимга кўз бўлма,
лекин
Йўлларингта термултма кўзим.
Умид билан түғдим, омон бўл!
Чин инсон бўл, замонга жон бўл!
Алла-ю алла!

ГҮДАК ЙИФИСИ

Гоҳо гүдак йиғелар хархаша қилиб,
Тинчитмоқ бўламиз қилиб пўписа.
Бир ширин сўз билан феълини билиб,
Ожизлик киламиз кўнглин топишга.

Баъзан чўчитамиз ана бобов деб,
Вахмага чулғаймиз муррак қалбини.
Олабўжи деймиз гоҳо қўркитиб,
Ўзимиз нелигин билмасдан уни.

Бир гўдак йигиси кўнгилга сиғмас,
Тоқат ўйқ тинглашга бир йиги сасин.
Дунё омон бўлсин, тинчлик бўлса бас,
Кўпнинг йирисидан тангри асрасин!

ҚАЙСИ БИРИСИЗ?

Дүстларим бор: менга ҳеч махал
Ёмонликни күрмайды раво.
Мушкул түшса бошимга сағал,
Дардимга ҳам бўлолмас даво.
Бу дўстликми?
Ха, булар факат
Сафар чори қўшилган улфат.

Баъзиси бор: боладек мақтаб,
Килмоқ бўлар дўстлигин ошкор.
Мен-чи, ундан ўзиб кетган тоб,
Этагимдан тортишга тайёр.
Сиртдан кўрсанг, товланган ёкут,
Аслида-чи, бир чирмовиқ ўт.

Дўстларим бор: шодлик, қайумни
Ўзиники каби хис этар.
Бахт, ютуғим шод этар уни,
Нуксонимни койир, жон ўртар.
Дўстлар, менга қайси бирисиз?
Бу бир кўзгу, караб олингиз.

Дўстларим бор: менга ҳеч махал
Ёмонликни күрмайды раво.
Мушкул түшса бошимга сағал,
Дардимга ҳам бўлолмас даво.
Бу дўстликми?
Ха, булар факат
Сафар чори қўшилган улфат.

Дўстларим бор: боладек мақтаб,
Килмоқ бўлар дўстлигин ошкор.
Мен-чи, ундан ўзиб кетган тоб,
Этагимдан тортишга тайёр.
Сиртдан кўрсанг, товланган ёкут,
Аслида-чи, бир чирмовиқ ўт.

БҮЮКЛИК

Зангори уфқда олмос куббадек
Ялт-ялт күринарди төглар чўккиси.
Гўё шу чўққидан мен боқдиму тик.
Бирдан коплаб олди буюклик хисси.

Аммо, бу хисларим бормади узок,
Тоғни босиб гур-гур ёнаркан булут.
Ҳақиқий буюклик не деган сўрок
Фикримга ташланди гўёки бургут.

Пастда қолиб кетди чўққилар, тоғлар.
Хаёл ошиб кетди булутлардан, хув!
Ҳамон ўйлар эдим: наҳот чўққилар
Буюклика бўлса бир марра, кўзгу!

Тоғ, чўққилар нима!
Ҳатто қатма-қат
Фазота нурдан тез учганда инсон.
Инсон! — деган чорим қалбимда беҳад
Буюклик хис этдим, босди хаяжон.

Инсон! — деган чорим туганмас меҳр,
Битмас қудрат билан лим тўлди юрак.
Инсон номи сенда шунчалар фахр,
Меҳру шафқат хисси уйғотса, демак,
Ахир, шу эмасми, асли буюклик!..

Инсон, деган чорим тоғлар бир ушок,
Денгизлар томчидек кўринди кичик.
Инсон борлигича қад кўрсатган чоқ
У билан ёнма-ён келди буюклик.

Буюкликиң қилма чүккіларга тенг,
Унға от-уловсиз етиш ҳам мумкин.
Бундан мурод нима? Элга не фойда?
Буюклик бемақсад бўлурму, лекин!

Буюклик сирини тор чўккисига
Хайкал ўрнатиш деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш
Шудир буюклика шаходатнома.

Буюклик сирини тор чўккисига
Хайкал ўрнатиш деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш
Шудир буюклика шаходатнома.

Буюклик сирини тор чўккисига
Хайкал ўрнатиш деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш
Шудир буюклика шаходатнома.

Буюклик сирини тор чўккисига
Хайкал ўрнатиш деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш
Шудир буюклика шаходатнома.

Буюклик сирини тор чўккисига
Хайкал ўрнатиш деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш
Шудир буюклика шаходатнома.

Буюклик сирини тор чўккисига
Хайкал ўрнатиш деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш
Шудир буюклика шаходатнома.

Буюклик сирини тор чўккисига
Хайкал ўрнатиш деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш
Шудир буюклика шаходатнома.

МЕНИНГ ЮРТИМДА ИСТИҚЛОЛ

На молим бор, на жоним бор,
Үзим кимман, унитгандим!
Тилим гунг-гу, дилим гунг-гу
Аламни ичга ютгандим.

Тутаб, милт этмади йиллар
Хазондек юртда истиқбол.
Нечук эркин нафас олмоқ
Агар ўқ бўлса, Истиқлол.

Дилим банди, тилим банди,
Умр бандликда ўтказдим.
Тилим хайқир, дилим хайқир,
Худойим эркка етказди!

Овозинг борча хайқиргил,
Тирилганингни билсинглар!
Бутун мағриб-у машриқда
Темур зотин эшитсинглар!

Бугун юртимда Истиқлол!
Абад юртимда, Истиқлол!

ОНА-ЕР ЗАВҚИНИ УНУТМА СИРА!

Қаерға шошасан, дүстим, хордик ол,
Кулоқ бер ариқлар шидирашига.
Елда япроқларнинг пидирашига,
Атроф қандай гўзал, бирпас назар сол!

Умр деганлари ахир, бокиймас,
Ариқдаги сувдек оқиб ўтади.
Боғларга ҳам ҳазон фасли етади,
Ўз эркига қўйгин юракни бирпас.

Валфажр ўқийди кўқда қалдирғоч,
Бебахра қолмагин унинг базмидан.
Қатор турналарнинг айтган назмидан,
Наврўзи оламга бағрингни кенг оч!

Минора устида лайлак айланар,
Гўё қанотида тарихлар ёзиқ,
У ҳам бағишлайди руҳингга озиқ
Неларни хотирга келтирмас улар.

Дўстим, юрагингга эрк бер бир фурсат,
Дунёда кушлардек айласин парвоз,
Сен ҳам ўз-ўзингни кўлга ол бир оз
Бизни яратган-ку, она табиат.

Унинг ҳар гиёхин ардоклаб сийла,
Нурлар оғушига ўзингни баҳш эт.
Наврўз куйларини қалбингга накш эт,
Она-ер завқини унутма сира.

1. Наврўз - иштимоли мусулманлариниң
Муслимлариниң ғарбий тарбия тарбия
Совети Азиянинг Адабий тарбия тарбия
Бошкунчаликни таъсирлашадиган

БИЖДОН 12 99-ДЭЭ

Усман Носирга

Күэни юмсам, билмайман на сир,
Айлаб фикру зикримни асир,
Қок сүяқдан иборат одам
Ваҳм солиб келар дамо-дам!

Бир вужудки, на қўл, на кўзи
На раҳмону, на шайтон ўзи...
Билиб бўлмас, қайси асрдан,
Кимлигини, қайси наслдан.

Шарпа каби кезиб сарсари,
Кўз олдимдан кетмайди нари!

Айласин деб муродин ошкор,
Юлиб бердим унга тилимни.
Юрак дардин килсин деб изхор,
Кўкси ичра кўйдим дилимни.

Унга аста чирой ҳам битди,
Йўқ, бунга ҳам бўлмади ризо!
Инсонлик бер, менга инсонлик,
Дея ундан келарди нидо.

Нега менга тил бердинг дея,
Алам билан юлиб ташлади.
Нега ишқсиз дил бердинг дея,
У кўксини тилиб ташлади.

Ахир менга нега тил керак,
Яна ёлғон сүзлаш учунми?
Нега юрак ва ақл керак,
Турфа бўхтон ўйлаш учунми?

Лаънатларга ботмай дунёда,
Бўлсин десанг ҳақиқий инсон,
Хусн берма, тил берма менга —
Виждон бергил, виждон бер, виждон!

* * *

Баъзилар дўст билан фахрланади,
Бойлик орттиргандек кувонар ҳар он.
Дўстидан айрилса, ғамга қолади,
Бутун хазинасини йўқотгансимон.

Аммо баъзилар бор дўст орттиришдан,
Қадрдан бўлишдан кочади нари.
Дўсти ортган сари хазинасидан,
Куйинар, айрилиб қолган сингари.

Ҳатто улар кочар қариндошлардан,
Атай узок тутар ундан орани.
Чунки ҳамма якин, ҳамма дўст бўлса,
Ахир ким беради унга порани.

* * *

Отамнинг ёшига кирмадим ҳали,
Ўзимни сезаман нечундир хаста.
Аммо отам бўлса мендай маҳали,
Хатто билмаганди нелигин хасса.

Булутли кунларга менда йўқ тоқат,
Томирларни сиқар кузги изририн,
Бундай чокда яйрар қарғалар факат,
Ёнғоқ талашади кувлаб бир-бирин.

Ҳали хотирамда ёшлиқ чоғларим,
Томга қалдиратиб ташларди ёнғоқ.
Хозирги қарғалар шулардир балким,
Улар умр кўтар одамдан кўпроқ.

Уларга бокаман, улар кувлашар,
Аммо бир-бирининг чўқимас кўзин,
Балки шу учунми узокрок яшар,
Балки шу учунми умри ҳам узун?

* * *

Баъзан тотув дўстлар бўлганида жам,
Чинни косаларга қўйилади май.
Улфатлар узатар шароб тўла жом,
Гоҳо маst бўламан, бир қултум ичмай.

Таажжуб қилмангиз, дўстлар, бу ҳолга,
Чиндан кайфим баланд, менга қўйманг, бас.
Кайфим сабабини айтсан; бунгача
Улфатлар сухбати қилган эди маst.

КУН ИЛА ТУН

Оламни нуридан баҳраманд қилиб,
Қуёш уфқ ичра ботаркан бутун,
Аланга кетида қолган тутундек
Гүзал ер жамолин қоплаб олар тун.

Аммо мангу қолмас зулматда жаҳон,
Яна қуёш чиқар тун бағрин ёриб.
Худди яхшилигү ёмонликсимон
Жаҳонда иккиси юрар айланиб.

Бир-бирин ёв каби ўтмокда қувлаб,
Яхшилик, ёмонлик тун ва кунсимон.
Аммо, тунни эмас, қуёшни ёқлаб,
Тонг отгунча тундан нолима Инсон.

ОНА

Она қимматини таърифлаш учун
Сўзлар хазинасин мулки етмайди.
Хаётимни ҳадя этсам ҳам бутун,
Бу кичик жонимнинг ўзи етмайди.

Чунки менинг каби неча фарзандни
Тугиб, тарбия ҳам қилолган она!
Кичкина қалбини бўлак-бўлаклаб,
Ҳар бўлакка жон ҳам бўлолган она!

Ҳар бир тўлранори — ўлим билан жанг,
Ўлимлардан кўрқмай, жангга кирди у.
Она, қандай улуғ, жонин хисобига
Ўлимларни енгиб ҳаёт берди у!

Оналарга абад шон-шарафлар!

Онанинг фарзандга меҳри бекиёс!
Фарзанд қандай оқлар она ҳакқини?!
Оналар қалбини ўртамаса бас,
Фарзандлар доги-ю унинг ёлқини!

СЕНИНГ БАХТИНГ

Бахор ҳавосидан кўнгилда шодлик,
Аммо шодлик билан бир четида ғам.
Бинафшани қилиб «омон-омонлик»,
Кимнидир афсус-ла қўмсайсан бир дам.

Қани, ёнингдаги кеча дўстлар.
Қани кулкилари, бўсалар таъми!
Тонги туман каби хотирамиздан
Наҳот, унитилса, дўстларнинг жами!

Кўмсайсану, аммо умр ўтганидан
Бир дам қиласан ҳам афсусу армон.
Гоҳо шукронга ҳам айтасан дилдан —
Яна етганингдан кўкламга омон.

Наврўз шодлигида кимнидир кўмсаб,
Мархумларни эслаб, қайғурмок бир зум,
Йўқ, бу кайгу эмас, чин инсонларга
Насиб бўладиган баҳт эрур, дўстим!

СОФИНЧ

Севги нима? Унинг нелигин,
Мен ҳам сенга айтмогим маҳол.
Ишқ ҳакида ёзсан ҳам, лекин
Киз олдида тилим қолган лол.

Қилғин деса жонингни фидо
Ўлимдан ҳам қўрқмасдим ҳатто,
Тош отгандек биллур қадаҳга
Чўчир эдим сўзлашга аммо.

Ичгин деса, ичардим қасам,
Босарди ҳам онтимга муҳр.
Унутилар аммо қасам ҳам...
Хиралашар муҳр ҳам ахир...

Дўстим, севги минг сир, минг сехр,
Севги гўё минг қиррали тош.
Севги қалбга сингган бир меҳр,
Софинч чори балки томган ёш!

ХАЗОН ФАСЛИ

Боғларга тўкилмиш қирмизи хазон,
Кошу киприкларга илашур мезон.
Япроқлар шитирлар, ёмғир шивирлар,
Шамол куй куйлаган хазон фасли бу.

Олмалар тугибди қайта дуварақ,
Бир афсус чеккандек тебранар терак.
Кимдир ўз умрининг маҳсулидан шод,
Кимдир ўй ўйлаган хазон фасли бу.

Қиз-йигит ўтказар висол тўйини,
Турна куйлаб кетар хижрон куйини.
Хижрону висолнинг бир поёни бор,
Боболар сўзлаган хазон фасли бу.

Чинорнинг тўкилди сўнгги япрори,
Қиссанинг ёпилди гўё вараги.
Чинор мағрур бокар умридан мамнун,
Худди мен ўйлаган хазон фасли бу.

Чинорнинг тўкилди сўнгги япрори
Қиссанинг ёпилди гўё вараги
Чинор мағрур бокар умридан мамнун
Худди мен ѿйлаган хазон фасли бу

СУЯНЧИК

«Хайт», деган түяга мадад дейдилар,
Кувват бўлар дейди, арғамчига кил.
Ёлғиз кезларимда ким далда бўлар,
Ким суюнчиқ бўлар сенга, эй кўнгил?
Ёшлик чоғларимда сафарга чиқсам,
Мабодо қайгадир оқшом олсам йўл,
Кўлда чирок тутиб ҳамиша отам
Кузатиб қоларди силкитганча қўл.
Унинг далласида қишлоқдан ўтиб,
Ортимга қайрилиб караганим чок.
Менга мадад бўлиб, суюнчиқ бўлиб,
Кўриниб турарди ҳамон у чирок.
У ёниб турарди пахтазор бўйлаб,
Токи қирдан ошиб кетгунимча ҳам.
Тўн бари елкада, кетардим куйлаб,
Шундай суюнчиқни хис қилганим дам.
Мана ортда қолди ёшлик чоғларим,
Кирнинг ортидаги отам қабридек.
Аммо, юрагимни ёритар ҳар зум
Ўша ёнган чирок отам қалбидек.
Энди қайга бормай, қаерда бўлмай,
Кўз ўнгимдан кетмас ҳамон у чирок.
Унинг шуъласида кундуз кунидай
Яркираб кўринар мен ўсган қишлоқ.
Саҳрода адашсам, кўриниб турди
Мен борман дегандек чинор ҳам менга.
Денгизларда сузсам маёқдек бўлди
Тонгда тандирлардан чиккан аланга.
Менга далда бўлиб киз кўширидек
Овоз бериб турди чулдураб сой ҳам.
Қаерда бўлмайин, отам руҳидек
Тепамда айланиб юради ой ҳам.

Агар бўронларда жунжиса этим,
Пахтазор кўзимга кўринди ҳар гал,
Қандайдир суюнчик, кимнингдир меҳрин
Ортингдан сезишдан баҳт борми афзал.
Қаерда бўлмайин тирик отамдек
Мехрингни ҳамиша ҳис қилганим он,
Эй гўзал диёrim, бир гиёҳингдек
Бўла олсам дейман, дардингга дармон.

OTA

Гүдак ўєлин ерга узатар ота,
Ота қабр узра юм-юм тўкар ёш.
Гўдак бўлса ҳамки, ха жигарпора,
Ёш тўкмай бу дардга ким берар бардош!

Оталик меҳринг бор, йигласанг арзир
Кўнгирок соchlарин эслаган чоғинг.
Отадек фарзандга ким куяр ахир,
О, накадар оғир фарзанднинг доғи.

Багринг ўртамоқда жигарпорам деб,
Фарзандинг кичкина гўдак бўлса ҳам.
Вояга етказиш азобин тотиб
Кўрмаган бўлсанг ҳам умрингда бир дам.

Ҳали бир болани боқиб, ўстириб,
Уни балоратга етказганинг йўқ.
Кечикса, тиқ этган эшикка боқиб,
Кутиш азобини ўтказганинг йўқ.

Буни сен билмайсан!

Ҳали ўзинг ёш
Оталик ҳисси-ла дилинг чил-парчин.
Шу кичик мотамга тўkkанингда ёш
Билдингми, оталик қандай бўлишин!

.....
Ахир бир парча эт, гўдак ўєли-чун
Жигар бағри ёниб чекканида ғам, —
Шу он сездимикан ўз отасининг
Мехру муҳаббатин, мащаққатин ҳам?!
.....

ИСТАК

(АКБД 175345)

Бугун ҳам тонг отди, минг қатла шукр,
Беадад шукронда етказганига.

Кошки шундай бегам кечсайди умр...
Минг шукр түнни тинч ўтказганига.

Күнгилга сигарди на молу давлат,
Тинчликсиз бўларди на зарра ором,
Емак-ичмагингда бўлмай ҳаловат,
Falvadan иборат бўлурди олам.

Ноҳақ тўкилган кон, ноҳақ ҳақорат,
Мухаббатдан бевакт бўлмоқлик жудо...
Ўзинг офатлардан асрарин ҳар вакт,
Ўзинг хотиржамлик, тинчлик бер, Худо!

Сувлар шилдирасин, кушлар сайрасин,
Оlam сув қуйгандек майли, бўлсин тинч,
Зиндоний тинчликдан лекин асрасин.
Фанимлар солмасин кўнгилга кўркинч!

2000 йил 20 январ

МАНГУЛИК ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Ёлгиз кезларимда чулрайди хаёл,
Мангалик сирларин ўйлайман танҳо.
Ногохон вахмалар мени қилур лол,
Ўйларим даҳшатта айланур гоҳо:

Улугбек даҳшати солади ғулу
Мангалик — қиличга бошни қўймоқми!
Навоий алами, у чеккан қайғу,
Элнинг ташвишига шерик бўлмоқми!

Улугбек бошини тутди қиличга
Мангаликка ундан яхши от қолди.
Отасин катл этган Абдулатифга
Мангу лаънат қолди, мангу дод қолди.

Шон — шухрат! — Мангалик!.. Биз қилган ишни
Келажак кўрганда не дер? Билмаймиз.
Лекин не бўлса ҳам донг таратишни,
Ўзни кўрсатишни ўйлин ўйлаймиз.

Мангалик ҳақида баъзан ўй суриб
Кулиб ҳам қўяман ўзимдан-ўзим.
Менга ўзга ташвиш қолганми куриб,
Булар ҳом хаёлку бари белузум.

Янги либосини кўз-кўз қилмоқقا,
Шошилса куламиз баъзан боламиз,
Шон-шухрат сирларин ўйлаган чоғда
Биз ҳам шу гўдакка ўҳшаб қоламиз.

Ўйларим ўша ончувалиб кетар,
Бўшат, дейман, мени бағрингдан хаёл.
Шон-шухрат лаззатин бошимдан кўттар,
Қалбимга халкимнинг ташвишини сол!

ТОЛ

Шу тол новдасидан от килган эдим,
Шу тол новдасидан қиласидим хуштак.
Энди у курибди, ёшлик йилларим,
Нахот, сиз ўтдингиз кечаги түшдек.

Сочбаргак тақарди қызлар новданған,
Чумчуклар соларди ковагингта ин.
Куруқ шохлар копди энди гавдангда,
Кани, ариқ, солған тегрангда шовқин!..

Куриганин күрсанг қадрдон бир тол,
Хатто у ҳам солар күнглингта малол!

ШАЛОЛА

Кайга шошиласан, ахир шалола,
Нега чўққилардан шошасан пастга?!
Кояга чиқай деб, мен-ку овора,
Тинмай тирмашаман тошлардан тошга.

Шалола-чи, бефарқ менинг дардимга,
Шовиллаб, гувуллаб, ҳайкирарди у.
Аммо бокқан сарим, ташна дилимга
Солғандек бўларди қандайдир фулув;

— Агар кояларга чикмоқ истасанг,
Аввал менинг билан сахроларга юр!
Чўққидан күёшга боқмоқ истасанг,
Машаққатимни кўр, мен билан югур.

Буюк кояларга чиқмоқлик учун,
Сахроларга ирмок бўлиб оқаман.
Ер бағрига сингмоқ бўлиб оқаман,
Чулдираб оқаман, булбул бўламан,
Илдизларга сингиб, мен гул бўламан,
Гуллар япрогида шудринг нур бўлиб,
Мевалар лабида тонгда дур бўлиб,
Шу замин бағрида яратиб чаман,
Күёш нурларида минг-минг товланиб
Яна кояларга кўтарилеман.
Сен ҳам кояларга чиқмоқ истасанг,
Тошларга тирмашма, менга қулоқ бер.
Сен ҳам ўз терингдан бир гул ундиранг,
Кояларга қанот берар она Ер.
Шалола гувларди,
Мен-чи ўйлардим.

ШЕЪРНИНГ ТУФИЛИШИ

Деразадан бокдим ярим кечаси,
Мафтун қилди Крим, тун манзараси:

Сутдек денгиз, қараб ўйга толаман,
Ойга тикиламан, қараб қоламан.

Денгиз узра қалқир у солған соя,
Қирғоқда киличдай ярқирар коя.

Кумуш қалпоқсимон чўкки узра ой,
Нуридан денгиз, тоғ олмиш бир чирой.

Қора дуҳобадек товланар боғлар,
Чўмиларди гўё тўлқинда тоғлар.

Тоғлар жим, боғлар жим, ой жим, атроф жим,
Аммо қирғоқ бўйлаб тўлқинлар базм

Кургандек тинмасдан сокин тун бўйи
Пастликдан келарди шовлаган куйи.

Эшигимни очиб, сездирмай аста
Завқимга сигмасдан тушман пастга.

Гоҳ соҳилга тушдим, гоҳ тоққа чиқдим,
Ҳамма ухлар, лекин уйғоқ бир ўзим.

Қоя томон юрсам, тортарди соҳил,
Кўй-чи, бир завқ билан тўла эди дил.

Мени кузатаркан шу чоқ боғбон чол,
Ўғри, савдоий деб, қилдими хаёл?

Шеърим битгунича, нима деса дер,
Не-не куйга солмас шоирни шеър.

СИЗГА ДЕГАНИМ

Гоҳо гурунгларда, гоҳо сұхбатда
Дүнё ишларидан кеттанида гап.
Баъзан шоирлардан, мана бу ҳақда
Ёзсанг бўларди, деб қилишар талаб.

Улар талаб қилса ҳаққи бор, бирок
Мени бошқа ташвиш ўйлатар шу чоқ.

Баъзилар гурунгда катта гапириб
Шоирни гуноҳкор қилишар, бирок
Шундайларнинг ўзи бир китоб кўриб,
Вактида газета ўқимас мутлок.

Дардимни сизларга қилайин ошкор,
Шояд гапим қилса уларга ҳам кор.

Баъзан мен ёзаман, кимдир гердайиб,
Димоғ пайдо қилиб йўлидан озса.
Бир кун бўлмасин деб йикилиб, майиб,
Хатто қаламимни қиласман хасса.

Улар бўй эгмаса китобга тақир,
Осмонга ёзайми шеъримни ахир!

Мен ҳам май ичганман, зиён-фойдасин,
Баъзилар сезсин деб шу ҳақда ёзсан,
Булар ичкиликнинг бўлиб шайдоси,
Кайфи сафо билан ўқимайди ҳам.

Шеъримни ёзайми май шишасига,
Ёки ичадиган пиёласига?!

Оху кўзларни ҳам баъзан куйлайман,
У кўзни яширап тутиб кўзойнак.
Қокилмасин дея уни ўйлайман,
Дор тушмасин дейман юзига ойдек.

Мен қандай етказай унга меҳримни,
Ойнакка битайми ёки шеъримни?!

Мадх этаман боюбон қизларни севиб,
Ишкимдан берай деб унга ишора.
У-чи, гулзорига махлиё бўлиб
Дардимни сезмаса унда нечора?

Севгимни ёзайми гул яирогига,
Хазондай сочайми ёки борига?!

Балки бўш ёзарман, тўғри ҳамманинг
Дидини бир хилда билиш ҳам қийин.
Яхшиларни мақтаб, баъзан ёмонни
Ёзаман ҳайтдан қолмай деб кейин.

Нуқсон бўлса менда, аяманг зинхор,
Дўст ачитиб айтар, деган гап ҳам бор.

Албатта, нуқсону фазилатни ҳам
Китоб ўқимасдан била слур ким?
Шеърим сабаб бўлиб, биронта одам
Шуни фарқ қилолса, минг марта таъзим!

Шеърим фойда берса агар тузtotим,
Шу менинг қувончим, шудир ниятим.

* * *

Мотам кезларида таскин берай деб,
Баъзан мархумларнинг сўраймиз ёши.
Ёш бўлса қайгурниб, юз ёшдан ошса,
Пиру бадавлат деб берамиз таскин.

Аммо она зоти оламдан ўтса,
Таскин бўлаолмос қариллик — ёши
Ёш билан ўлчанмас оналар қадри.
Оналиктининг бўлмас қариси, ёши.

ВАЪДА

Яқинлашар ваъдалашган он,
Мен ачиндим дўстимга лекин.
Чунки, ёмнир қуярди ҳамон,
Ёз бўлса ҳам тиним билмайин.

Шаррос қуяр, шамол кучайиб
Тарсакилар икки кулокқа.
Тор кўчанинг магзи-магзи лой,
Юриш оғир, етгунча бокқа.

Ўрикларнинг шохи эгилди,
Дув тўқилди тутлар ариқса.
Лекин дўстим вактида келди,
Кийим, соchlар шалаббо жикка.

Келмаганда нима қиласди,
Ўзим кўриб турибман ахир.
У биларди, аммо бебурдлик
Йигит шаънин қилас бир пақир.

Важ изламоқ ёт эди унга,
Ваъдасига қилмасдан амал.
Ўт тушса ҳам, бўрон бўлса ҳам
Ўз сўзидан чиқарди ҳар гал.

Бир бебурдлик топган қадрингни
Совуришга қилас кифоя.
Кичик ишга ихлос, эътибор,
Улур ишга бўлур бир поя.

ЧҮККИ УСТИДА КҮЁШ

Күёш кезиб юрар мовий самода,
Нури бу оламни қилур мунаввар.
Сирин билмок бўлиб боксанг мабодо,
Кўзим қамаштириб бермайди хабар
Ҳайратга солади баъзан чўккилар,
Денгиз ўртасидан чиқкан тик қоя.
Илохий мўъжиза сингари улар
Ҳайратга солади билониҳоя.
Буюк чўккиларга чикмоқлик учун
Осонми қанчалар сўқмоқлар кезмок!
Денгиз қоясига етмоклик учун
Осонми долғалар ичиди сузмок!
Нега хавф-хатар, шунча машакқат?
Коинот сирини изламок нечун?
Бир коса кимиз-у, бурда нон билан
Ҳаёт лаззатини тотиш-ку, мумкин!
Толос төвларининг ён этагида
Лойдан от ясаган кичкина гўдак,
Уни тулпор қилиб ўз хаёлида
Буюк чўккиларга бўлганми етмак!
Она тупроғидан ҳаммомпиш ясад
Ўз ишидан ҳайрон бўлганда одам,
Гўдак хаёлини бир нафас қамраб,
Мафтун қилганмикин ташвишли олам!
«Оқ кема»лар шунда кўрганганикан,
Кўрганми шу чоқ сувлар онаси!
Жамилалар дарди туғилганмикан,
Чин сўз Танабойининг мунгли таънаси!
Бугун денгиз оша, уммонлар оша,
Қирғиз «Оқ кема»си сузиб юрибди.
Ҷаерга бормайин «Гулсари» эса,
Юксак чўккилардан бокиб турибди.
Денгиз тепасида туман таркалар,
Кўёшда яркирар олис чўккилар,
Эллик йил йўл босган даргани бу он
Юз йиллик сафарга чорлайди улар.

ВАХИМА

Аттанг, дунё шундай, минг аттанг шундай!..
Нахот, қандайлигин англамоқ мушкул?
Ҳаммаси аён-ку күёшли кундай,
Фақат фикримизни босиб қолған кул.

Фикринг ёғаётган шаррос сингари
Сингсин, бу дунёнинг ҳар бурчагига.
Майли, шамоллардек кезсии сарсари,
Бусиз етиб бўлмас дунё тагига.

Дунёдан бехабар, лақма эмассан,
Сенинг таги-тахting, ўтмишинг ҳам бой.
Илон чаккан чўчир арқондан деган,
Кўнглингда ўтмишдан вохма ҳойнахой!

Сен дунё қайғусин ўйлама хозир,
Ўзинг кимлигингни таний бил аввал,
Аввал вужудингни айлаган асир
Кишини парчалаб, кишандан бўшал!

1998 йил 18 декабр

ОРОМ

Бўралаб қор ёғар, терак учидан
Тинмай қариллайди бир соков қарға.
У менга ёшлиқдан танишдек худди,
Шудир менга ёнғоқ айлаган совра.

Бозиллаган танча теварагида
Бутун оиласиз жам бўлган бир чоқ,
Гўё дастурхонга кўшгандек ҳисса,
Қалдиратиб томга ташларди ёнғоқ.

У дамлар шамолдек ўтиб кетдилар,
Мен кўрган тераклар кетди кесилиб.
Тириклар дунёдан бир-бир ўтдилар,
Қарға қафиллайди ҳар йили келиб.

Бу ўтган умримни солишми эсга,
Ё мудхиш дамлардан совуқ бир хабар?
Йўқ, бу — ёшлигимдан ажиб хотира,
Нақадар оромбахш, азиз нақадар!

1998 йил 12 декабр

ҚАЙСИН ҚУЛИЕВГА

Сен билан сўзлашар ҳамма тортимай,
Ўзингдан катта ҳам, ўзингдан ёш ҳам.
Чунки юрагинг пок худди гўдақдай,
Катталар олдида сен катта одам.

Баъзан қаламингни қўшни боласи,
Олиб ўйнаса ҳам бермайсан озор,
Ҳатто севинасан шеъринг чаласин,
Давом эттиргандай тоғли ижодкор.

Тинмай тоғ бағрида оқкандек булок,
Ҳамиша юзингда бўлар табассум.
Тунларни ёритиб ёнмаса чирок,
Атрофига келмас парвона, дўстим.

Ҳа, сен ранжитмайсан ҳеч кимни асло,
Ҳар хил тоифасиз бўлурми ижод.
Биз борганда кочса одамлар аммо,
Бу энг зўр фожия шоирга, ҳайҳот!

Дўстим, сен биласан, феъл деган нарса
Биз билан кетади, бизлар ерники.
Авлод суриштирмас феълингни эса,
Қандай бахт, шоири бўлмоқ элники.

Сен билан сўзлашар ҳамма тортимай
Ўзингдан катта ҳам, ўзингдан ёш ҳам.
Чунки юрагинг пок худди гўдақдай,
Катталар олдида сен катта одам.

Баъзан қаламингни қўшни боласи,
Олиб ўйнаса ҳам бермайсан озор,
Ҳатто севинасан шеъринг чаласин,
Давом эттиргандай тоғли ижодкор.

ИСТИКЛОЛ ТОНГИ

Шундай вактлар бўлар туилар уйғониб,
Кўзларингдан бевакт қочади уйку.
Бири қувончингдан бўлса тўлғаниб
Бири содир бўлар тушганда кайғу.

Қайғусидан тангри ўзи асрасин,
Аямасин меҳру саховатини.
Кўзларингдан бевакт уйку қочмасин.
Олмасин тунлари ҳаловатингни.

Мана неча ойки, мана неча кун
Ҳаловатим йўқдир девонасимон.
Шодлигимдан мижжа қоқмасам бир тун,
Ташвиш ҳам бағридан чиқармас бир он.

Истиклол!.. ёдимга тушгани замон
Узилган занжирлар овози келар.
Туткин авлодимнинг, наздимда, шу он
Зиндондан кутилганчуввоси келар.

Миллий истиклол деб қасамёд этиб,
Жон берган Чўлпон-у, минг-минг Абдулло.
Бугун Мустақиллик байробин тутиб
Майдондан саф тортиб ўтарди гўё.

Саф тортиб ўтарди бугун майдондан
Навоий тилида ёзилган шиор.
Саф тортиб ўтарди, гўё гулханда
Кул бўлган китоблар, топталган ашъор.

Кайда эди бу баҳт, бу қувонч ахир.
Дўстим, бунинг гаштин дилга айлаб!
Шодликдан оламга жар солиб хайқир,
Тангрим, кўп кўрма, деб килгин илтижо!

Баъзида тунларим кечади оир,
Ташвишдан мижжа ҳам қоқмайман гоҳо.
Мұқаддас Истиқлол қадрига ахир,
Бозор нархи билан қўйилса баҳо!

Құллик занжирларин ҳали изи бор,
Ҳали қўнгилларда кишанинг занги.
Майлига, тунларим ўтса ҳам бедор
Боқий насиб этсин, Истиқлол тонги!

1999 йил 27 июль

Дор жана ғалабадан салом! Менниң аты-жөні менниң туғанынан жаңа мактауба менен көрсегем. Қарындың күннөңде иштегендеги көзөнде көрдиган түштүк менен ғалабадан шартта көрсегем. Менниң түштүк менен көзөнде көрдиган түштүк менен ғалабадан шартта көрсегем. Көзөнде көрдиган түштүк менен ғалабадан шартта көрсегем.

* * *

Баъзан одамларни мактаб йўлбарсга,
Кудратин тўлкинга қиласиз киёс.
Тагин ўйлаб кўрсанг, бу таърифларда
Нима фазилат бор инсонликка хос!

Борди-ю йўлбарсдек сенга ташланса,
Қахру разабингга сиғмасдан шу тоб:
Сен ваҳший куч эмас, сен азиз одам,
«Сен йўлбарс эмас» деб, қиласан, хитоб.

Агар тўлкин бўлиб сени гарк қиласа,
Ер юзини боссам бўлиб бир тўфон,
Шунда афсус билан ичардинг қасам —
Ваҳший тўлкин бўлма, бўлгин деб инсон.

Кутурган тўлкинга, ваҳший кучларга
Киёс қиласа инсон зотин ҳеч қачон
Ёмонликка қарши кураши билан,
Яхшилиги билан кудратли инсон.

ОМАД

Қиң кечаси чоллар чойхонасида
Үлтиришар эди беш-олти улфат.
Үтган-кетгандардан роса сўзлашиб,
Алла пайтгача қизиди сухбат.
«Фалончининг хўпам омади кепти».
Кимнидир бирори мактаб қилди лоп.
Омад нималигин билмаса ҳамки,
Оғзин кўпиртириб сўзлади бир коп.
Кимнидир ўз ишининг юришмаслиги,
Омадсизлигидан қилди шикоят,
Лекин гапга чечан норғул бир йигит
Омад таърифини этди нихоят:
«Омад дабдурустдан ғойибдан келиб,
Ҳар кимга қўнувчи инсиз күш эмас,
Бирдан насиб бўлиб, бирдан кетгучи,
Ёки бир тасодиф, ёки туш эмас.
Омад — толе деган, мен сизга айтсан,
На очилмас тилсим ва на муаммо.
Дарвоқе, баъзи бир одамлар учун,
Маъносин чакмоклик кийиндир аммо.
Агар ким ўзини омадсиз билса,
Факат ўзи сабаб, гина ўзида.
Дехқонвой илғору Далавой қолоқ.
Иккиси ҳам бир иш, бир жамоада».
Ҳамма қулоқ солар, лекин баъзилар,
Аста ер тагидан қўярди қараб,
— Гап шу ерда қолсин, — деди ўйланиб.
Яна давом этди шошмай, майдалаб:
«Бирининг пахтаси хўп хосил берди,
Кўрган одамларнинг келди ҳаваси,
Бири ортда қолди. Гап омаддами!
Ахир бир эдику кўклам ҳавоси!
Дўппини чаккага қайтоқи қўйиб,
Сояда ястаниб ётди Далавой.
Тўнининг барини елкага ташлаб,

Роса ялло килиб ёзни берди бой.
Тўгри, планини бир йил бажариб,
Бир оз обрў топди, медаль ҳам олди.
Шу билан бутун иш бўлди қўйди-ю
Бўйни кетмонга ҳам ёр бермай қолди,
Мўйловини бураб, қуруқ кекириб
Деди: «Хўп омадим келган йигит-да».
Лекин кунлар ўтиб бир кун қараса,
Бутун эътибордан қолибди четда.
Дехконвой ўзини тўрт ёкка уриб,
Қилди ғўзасининг парваришини.
Бўлар-кетар билан иш битирмади,
Эртага қўймади бугунги ишни.
Бири донг таратди, обрў ҳам топди,
Эл-юртнинг олдида шухрати ҳам зўр.
Аммо иккиси ҳам куч-куватда тенг,
Бири режани бажарди базур.
Фалончининг роса омади кепти,
Уники кетибди, дейиш беҳуда.
Бир умр баҳт-омад топмаси мумкин
Кимки қилолмаса ишини улда.
Омад ҳар кишининг ихтиёрида
Омад деганимиз, меҳнатга ихлос.
Омад пешона тер, ишга ғайратда,
Шулар келтиради омадни, холос.
Омадни абадий сақлаб қолгувчи
Кўлдан бой берувчи ҳар кимнинг ўзи,
Тўгрими айтганим, ёки чаккими?!»
Кўплар хийла чукур ўйларга ботди,
Кўплар сўз қайтармай бошин иргади,
Чунки маъкул эди ҳаммага сўзи.

ҚАЙТИШ

Кабристонда сокинлик,
Кабристонда ғамгинлик...
Үйлаб күрсанг, қандайдир
Бунда халоват бордек!..

Таажжуб, ёшлигингда
Даҳшат солган бу жимлик,
Не учун бугун энди
Бағишилар танга ҳордик?

Ҳорғинлик!.. Ором исташ —
Ёшликнинг сўлмоғими?
Юракдаги оташнинг
Ё аста сўнмоғими?..

БАҲСЛАШУВ

Баъзан тўғри келмай қолса дидимиз,
Дўстим, баҳслашамиз ёнамиз лов-лов.
Майли, ҳеч сўнмасин, ёнсин дилимиз,
Ахир ётган тошдан чиқарми олов!

Мана, сен севасан сокин денгизни,
Ойдинда бокасан жимжимасига.
Мен-чи, тўлкинланган тошқин денгизни,
Ва мафтун бўламан унинг сасига.

Денгиз гулусин хам ўзга гашти бор,
Майин кулгусин хам ўзга гашти бор.

Сенга бир куй ёқса ўйин тушасан,
Бу одатинг менга эриш туюлар.
Мен-чи, баъзи куйдан кўз ёш тўкаман,
Сен ўзингча буни демайсан хуниар.

Якка бир пардадан чиқарми оҳанг,
Майли, куйлар бўлсан нурдек ранг-баранг.

Баъзан ишқ ҳакида, кўз ёш ҳакида,
Адолат ҳакида баҳс қилишамиз.
Гоҳ сен ҳақ бўласан, мен хам гохида,
Баъзан келишолмай, бас қилишамиз.

Шунда мен йўл олсан шалола ёққа,
Сен бормоқ бўласан сокин булокка.

Мана, сен севасан атиргул ҳидин,
Менга хуш келади райхону жамбил.
Сенинг ўз дидинг бор, менинг ўз дидим,
Ёмонми боғларда гул бўлса хил-хил!

Баҳслаша берайлик, дўстим, бекараз,
Майли, хил-хил боғлар бўлсин намоён.
Баҳслаша берайлик холис, беараз,
Токи баҳсимиздан гулласин жаҳон.

Мен севаман шундай дўстлар баҳсими,
Доим ўйлаганини элнинг баҳтини.

Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб

Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб

Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб

Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб

Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб
Сабак сабак майлини кечиб

* * *

(Үглім Абдуғафұрхонға)

Бахор чөнгі эди, йүргакда әдінг,
Нихоллар ҳам сендең гул чойшабида
Қоп-қора гилосдек мұлтиллаб күзинг,
Күкілам атри борди гулдек лабингда.

Шеър бағишиладим сен туғилғанда,
Ха, шунга бўлибди ўн саккиз баҳор.
Лекин шеър ҳамон баъзи лабларда...
Топдингми шеърдек сен ҳам эътибор!

Балки, узок яшар бу кичик шеърим,
Лекин сен ҳам кўпга шундай манзур бўл.
Шеър манзур бўлиб, сенчи назардан
Пастда қолиб кетма, шеърдек зўр бўл!

Сенинг меҳнатингдан, сенинг ақлингдан,
Яхши кўшиқ каби баҳр олсин инсон.
Гўдаклигинг кичик шеър бўлганда,
Иигитлигинг бўлсин катта бир достон.

БЕДАНА

Тўрқовокда тинмай сайрар бедана,
Пахлавондек йигит унга парвона,

Яна бирин бокар енгин ичидা,
Унга сув берарди тилин учидা.

Фикри ёди фақат кимор, бедана
Мехнат, ўзга завқдан мутлок бегона.

У ўзин санайди чапани, хўроз,
Асли беданадан заифлиги рост:

Муштдек икки күшнинг бошланса жанги,
Девдек бу йигитнинг ўчади ранги.

Бу жанг қаршисида безгақдек титрар,
Юрагин ҳовучлаб, ўзин йитирав.

Аввал беданага ачинган эдим,
Сўнг билдим, мард қайси ва номарди ким!

Беданани қарам десам кўлига,
Девдек бу йигитни ўзин йўлига —

Ўз домига солган бедана экан;
Ху, йигит, сен асл бўлсанг мард — чапан,

Шартта озод қилиб бу беданани,
Бошқа касбни топгин, мард дейман сани.

Кимордан ўзингни қилгин ҳимоя!
Ели бор йигитта шу гал кифоя.

МАСЛАХАТ

Маслахат олмоқлик учун бир шоир
Үқиб бермок бўлди менга шеърини,
Кучли танқидчига экан мунтазир,
Шу фикрин эшитиб тўхтатдим уни:

«Наҳот шу ерда йўқ олим, колхозчи?
Үқиб бермадингми уйда ҳеч кимга?»
«Шеърга тушунувчи бунда шоир йўқ,
Ҳамма тушунмайди менинг шеъримга!»

«Ҳамма тушунмаса...
энди маслаҳат:
Бошқа иш этагин тутасан, фақат!»

ЮПАНЧ

Босган эди уни зўр қайгу,
Юзларидан ёғарди алам.
Онасидан айрилганди у
Не деб уни юпатсам бир дам?

Не деб унга берайин таскин?
Бу мотамдан тилим эди лол.
Куёш оқшом ботади, лекин
Яна қайта кўрсатар жамол.

Не деб унга берайин таскин?
Топиш мумкин йўқотсанг бисот.
Жаҳон янги бўлиши мумкин,
Аммо қайта келарми бу зот?

«Ёшлари ҳам ўтиб колганди»,
Деб берайми ёки тасалло?
Оналарнинг қиймати, қадри
Ўлчанарми ёш билан асло?

Не деб унга берайин таскин,
Бу мотамнинг борми давоси?
Бирдам юпанч бўлиши мумкин
Тиригига қилган дуоси.

ОДАМГАРЧИЛИК

У қувмасди шухрат ортидан,
Аммо, элда қолди шухрати.
Айрилгандек буюк инсондан
Эл ўртаниб, ёдлайди отин.

На бор эди етмиш хунари,
Кўплар каби оддий, оқ кўнгил.
Мехрин элдан тутмасдан нари,
Кўринишда гўё нафис гул.

Тинглаганда қувноқ сўзини,
Хеч машакқат кўрмаган дейсан.
Кўрганингда юмшоқ кўзини,
Хатто жангда бўлмаган дейсан.

Йўқ, бу одам ёвга сарфлаб,
Бутун қахру, ғазаб нафратин,
Олиб қолган элига саклаб,
Табассумин, меҳр-мухаббатин.

Бемор чолни сўрарди кўнглин,
Гўдак ўлса, борган қабрига.
Кўпдан четга тортмасди ўзин,
Тўй, мотамда бўларди бирга.

«Меҳрибонлик — одамгарчилик
Сингган эди унинг қонига».
Шундай ёдлар уни кўпчилик,
Таҳсин ўқиб унинг шаънига.

Бир одамга етмиш хунар оз!
Катта хунар меҳрибонлик ҳам.
Хеч касб билан тополмас эъзоз
Одам қадрин билмаган одам.

* * *

Жимжит!.. Кор остида ётар қабристон...
Дунё ташвишидан бутунлай холи.
Бир дамгина тўхта, назар сол инсон!
Ўила, не кечмогин банданинг холи.

Жимжит, кор остида ётар қабристон...
Эштилар на бир фифону нола!
Кечаги ҳётдан нолиган инсон,
Тақдирин тангрига этмиш ҳавола.

Жимжит, қор остида ётар қабристон,
Такдирга айтгандек гўё шукронा.
На шухрат алами, на гуноҳ, на шон,
Тинчлик... ва сокинлик. Битта хилхона!

Накадар сокинлик... Атроф оппок қор...

1994 йил 15 феврал

Жимжит, кор остида ётар қабристон...
Эштилар на бир фифону нола!
Кечаги ҳётдан нолиган инсон,
Тақдирин тангрига этмиш ҳавола!

Дарсан мечакчилик, кечакчилик, бир оғиз мечакчилик
Сенжаки олини (б) таъсирлашадиган инсон
Ноҳия вомиди, ташвишидан бутунлай
Ўила, не кечмогин банданинг холи.

АҚЛ ВА МАКР

(Ойбекка)

«Хўб топиб ёзди киши қалбини
Нозик шоир» дейсан шеърини ўқиб.
Баъзан лакиллатмоқ бўласан уни
Шу гапнинг маъносин олмасдан укиб,

Гоҳо чимирилиб, гоҳ лабда кулгу,
Уни сехрламоқ бўласан,
бироқ —
Макр билан эмас, ақл билан у
Сени кузатади, солади қулок.

Асл инсонликнинг тарозусида
Сени ўлчаб кўриб, қайтар ихлоси.
Уни сукути-ю, жим боқишидан
Сехрлай олдим, деб ўйлама асти.

Не-не фирибгарлар кирдикорини
Бир қалам учидা очолган шоир,
Сенинг юрагингда нелар борини
Наҳот, англамас деб ўйласанг ахир!

Йўқ, шоир хиссини бўлмайди алдаб,
Сиртдан баҳо бериб бўлмас кишига.
Одамнинг оласи ичида деган
Отни баҳоланур караб тишига.

ИККИСИ ҲАМ ШИРИН

Баъзан мисралар ҳам келади равон,
Баъзан тун оқарар, кўп қилади хит.
Энди илҳом тўлиб бўлганда тўфон,
Ўғлим тура келиб берар ҳалакит.

Иккиси ҳам ширин, жондош, бебаҳо,
Билолмайман қайсин этишимни тарқ.
Ўртага кўяман меҳримни танҳо,
Шунда жангтоҳ бўлиб қолади юрак.

Ўғлимнинг севгиси, шеъримнинг ишқи,
Иккови бир йўла қалба тирмашар.
Иккови камолот учун интилар,
Шоир шўрлик икки ўт ичра яшар.

Иккиси ҳам ширин, жондош, бебаҳо
Билолмайман қайсин этишимни тарқ.
Ўртага кўяман меҳримни танҳо
Шунда жангтоҳ бўлиб қолади юрак.

Иккиси ҳам ширин, жондош, бебаҳо
Билолмайман қайсин этишимни тарқ.
Ўртага кўяман меҳримни танҳо
Шунда жангтоҳ бўлиб қолади юрак.

Иккиси ҳам ширин, жондош, бебаҳо
Билолмайман қайсин этишимни тарқ.
Ўртага кўяман меҳримни танҳо
Шунда жангтоҳ бўлиб қолади юрак.

ПАРИШОНЛИК

Умр ўтган сари хаёл қўпайиб
Паришонхотирроқ бўларкан одам.
Ўтиб кетган тўйга баъзан адашиб
Билмасдан қоласан борганингни ҳам.

Шундай чокда, дўстлар, дастрўмол учин
Тугиб қўйишликни берар маслаҳат.
Буни килиш осон, аммо не учун
Тукканингни билмай бўласан диккат.

Баъзизда телефон ёнига келиб,
Рақамни унитиб бўласан гаранг.
Танишинг кўзига гоҳо тикилиб,
Исми-шарифини эслайсан аранг.

Хижолат ўртайди гоҳо дилимни,
Дўстлар берар шунда менга тасалли:
Ранжима бундан сен, ҳатто исмингни
Унутиб кўйсанг ҳам айби йўқ, майли.

Ҳатто танишларинг номин унутсанг,
Бу паришонликни кечиришади,
Ҳисобу китобда чалкашиб кетсанг,
Гина дафтаридан ўчиришади.

Булар ҳеч гап эмас, баъзилар ҳатто,
Ёши ўтганлигин унитиб қўяр,
Бирорлар кетидан адашиб юрар.
Бу паришонликдан арасин худо!

ОЛМА

(Болаларга)

Дарахтларнинг баргин юлқиб
Торткilar куз шамоли.
Яккам-дуккам барги қолиб,
Туллаган нок, шафтоли...

Кўм-кўк ариқ лабларида
Кўрпадек олтин хазон.
Тўкилибди ёнрок, жийда...
Гўё тўкин дастурхон.
Дам олгани бўш вактида
Вали боғни айланар.
Бир жуфт олма шоҳ учидা
Яшириниб товланар.
Вали олиб ҳидлади-ю,
Келиб қолди егиси.
Хурсанд килиб онасини
Келди бирин бергиси.
Лекин ўзи қизилин еб,
Кўкргини келтирди.
Она ҳаддан хурсанд бўлиб,
Шуни ҳам бўлиб берди.
Ана қаранг, она-бала
Қандай меҳрибон, бу соз!
Вали ўзи яхшисин еб,
Хато ҳам қилди бир оз.

БОБОМ

Менинг бобом шеър ёзади,
Унинг хати жуда хам кўхлик.
Ёзганларни ўкиб беради,
Ўқиганда килмайман шўхлик.
Шунда севиб мени бўтам дер.
Ёш бўлсам ҳам баъзан отам дер.

Баъзан кўрар кўзимсан дейди,
Худди менинг ўзимсан дейди.
Катта киши бўлганда мен ҳам
Қани эди унга ўхшасам.

ОСМОНБОЗ

(Шайхзодага ҳазил ўхшатма)

Самоларнинг забаржад
Куббаларин маҳв этмиш
Бизнинг азиз ва лазиз
Гагариндек осмонбоз.
Парвозларга боисдир
Тинчлик, шодлик, қаҳқаҳа
Буйруқ бўлса, қуёшга
Учамиз деб лаббай, ха!
Керак шундай бўлмоғи.
Бу — сўзларнинг қаймоғи.
Биз деймизки такрорлаб,
Ботир ўғлонга салом.
Фақатгина ўғлонмас
Ўртоқ осмонга салом!

.....

Ўзларидан сўрасак.

СУРАТ

Күлига ушлаб қалам,
Расм чизади дадам.
Кийикни ишлаганда
Худди кийик бўлади.
Куёнларни солганда
Худди тирик бўлади.

Мен куён расмин чизсам,
Мушукка ўхшаб қолар.
Мен ишлаган тойчоқ ҳам
Кучукка ўхшаб қолар.

Бугун ишлаган тойим
Тирик тойга ўхшади.
Шошмасдан солган ойим,
Худди ойга ўхшади.

КОР ЁФАДИ

Кор ёфади, кор ёфади,
Оппоқ толлар навдаси.
Оқ яктаклик юзга кирган
Гүё бобом гавдаси.

Кор ёфади, кор ёфади,
Кафтиңгда эриб кетар.
Қимирламай бекор турсанды,
Совук жонингдан ўтар.

Кор ёфади, кор ёфади,
Отам жұнар ишига.
Бугун куннинг совуқлиги
Наҳот, келмас эсига?

Бундай ўйлаб қайғурма хеч,
Хавотир бұлма, ўғлон.
Отант терлаб мекнат килар,
Ишдан күркәр қаҳратон.

Кор ёфади, кор ёфади.
Кафтиңгда эриб кетар.
Бекорчи ва дангасанинг
Совук жонидан ўтар...

КУЙЛАГАНИМ ЎЗИНГСАН

Денгиз түлқинларин айтинг, ким севмас,
Тоғлар, кенг сахрони севмас қай одам!
Сен бўлмаган жойда лекин, бир нафас
Ёлғиз қолсам борми, билмайман ором.

Баъзан, тоғ бошига қўтарилеман,
Охудек сакрайман тошлардан тошга.
Шалолага хурсанд қулоқ соламан,
Фурсад ўтган сари нимадур ғашга.
Теккан каби мендан кетади ором.

Баъзан сахроларни кезаман ёлғиз,
Қандай гўзал юлдуз тўла кечаси.
Лекин бу чирой ҳам жонга тегар тез,
Дейман, бир инсоний шарпа келса-чи!

Гоҳо чўғдай қумдан ўтаман ёнмай,
Яна сенга ташна бўламан шу он.
Бирдан кувонаман сени кўргандай,
Узок уфкларда кўринса карвон.

Менга кенг уфклар очгувчи ўзинг,
Бахт нурини менга сочгувчи ўзинг.

Ой қояга чикар, нури дengизда,
Эрка тўлқинларда сузар қайигим.
Узоклашган сарим она кирғоқдан,
Шодликлар ўрнига ошади қайғум.

Бахт соҳилим ўзинг, умидим ўзинг,
Ҳар нарсадан гўзал чиройинг, сўзинг.

Бутун гўзаликдан аъло кўрганим,
Бахтим деб шунчалар ихлос қўйганим.
Ёлизликтан Тангри арасин ҳар дам.
Ҳаёт гўзалиги — сен — улур одам!

Бахт соҳилим ўзинг, умидим ўзинг,
Ҳар нарсадан гўзал чиройинг, сўзинг.

Бахт соҳилим ўзинг, умидим ўзинг,
Ҳар нарсадан гўзал чиройинг, сўзинг.

Бахт соҳилим ўзинг, умидим ўзинг,
Ҳар нарсадан гўзал чиройинг, сўзинг.

Бахт соҳилим ўзинг, умидим ўзинг,
Ҳар нарсадан гўзал чиройинг, сўзинг.

ЧАНҚОҚЛИК ВА ЗАНЖИРЛАР

Йиллар ўтиб, келар сахроларга сув,
Чанқори қонару бўлар нашъалик.
Йиллар ўтган сари аммо авж олар
Хаёт ва севгига бўлган ташналик.

Йиллар ўтар, қуллик занжирларидан
Жаҳон бўйлаб асло қолмайди асар.
Йиллар ўтган сари халқлар дўстлигин
Олтин занжирлари жаранглаб яшар.

* * *

Хотин, гапинг түгри, баъзи бирлар бор
Үтган хар хотинга боқади киё.
Мени ўхшатмагин уларга зинхор,
Мен ҳам қарайману бошқача аммо.

Мен агар бошқалар кўзига боқсам
Ёки қоматига тикилсам бирпас,
Бундан шубҳаланма, ўртанма эркам,
Булар бегонани севганимданмас.

Баъзида боқаман таннозларга ҳам,
Наҳот тушунмайсан сабабин ахир.
Унга боқаману, бепардоз, кўркам
Сени севганимдан қиласман фахр.

Гулга қарасам ҳам оғади эсим,
Гул ҳам жамолингни солар ёдимга.
Еллар эслатади сочингнинг исин,
Ойга боқсам келар ҳуснинг кўз олдимга.

Олча, гилосларга кўзим тушса ҳам
Ўхашлик кўраман лабинг, кўзингга.
Кимга тикилмайин мукаммал, кўркам
Тенгдошни топмадим сенинг ўзингга.

* * *

Кузак япроқларни бояларга түкди,
Чаманлар ўзгартди ёздаги тусин.
Тизилиб турналар йўл солиб ўтди
Каергадир излаб баҳор ва хусн.

Бошимда айланиб, солиб аргумчок,
Дегандек бўларди: бизга бўл ҳамдам...
Сизга оқ йўл кушлар, қайтингиз тезрок,
Кай диёр бор экан юртимдан кўркам?

Ўз юртин тарқ этиш бизга ёт мутлак!
Бўлмаса, дермиди бизларни одам!

ҚАЛБ, ДҮСТЛИК, СҮЗ...

Қишки Москвадан чикдим тонг чори,
Калбим тұла кувонч, қалб тұла севинч.
Корли қирдан ошар елдиrim чанғим.
Атроф ўрмонзор, кор. Атроф жимжит, тинч,

Накадар жимжитли! Гүё шамол хам
Совукдан ўрмонга олган бекиниб.
Фируза арчалар баҳордек күркем.
Кор-чи — худди биллур, кетар күз тиниб.

О, накадар ўрмон хил-хил рангга бой!
Бунда топмоқ мумкин түрт фасл гаштин.
Күм-күк арчаларда баҳорги чирой,
Кор-чи пахтазорни эслатар бутун.

Күйшда товланиб учган зағчалар
Ёзги чуғурчукни солди ёдимга,
Аммо, умрим бүйи қишининг бунчалар
Күркин күрмаганман күзим олдида.

Чанғида учаман корли ўрмонда
Шеър, завқ маст килиб кезаман якка.
Күшлар хам узокқа учыб йўқолди,
Яна атроф жимжит.
Шу он юракка

Бир ғашлик ўрнашди.
Қандайин сир бор?
Назаримда арча сұлаётгандек.
Хирадашган каби дурдек ёнған кор.
Күкни булут қолаётгандек...

Атрофни қабристон сукти босди.
Атрофдан келмасди инсон нафаси.
Гүзәлликлар, завқим қайға йўқолди,
Ахён-ахён келар бойқушнинг саси.

Шамол олиб келди ногаҳон қўшик,
Даламдан келгандек қизлар ялласи
Теварагим нурга чулғанди тўлук,
Бир чирой касб этди атроф, ҳаммаси!

Мангу қолгим келди ўрмонда шу дам
Яна ўрмон гўзал кўринди такрор.
Табиат накадар гўзал бўлса ҳам,
Инсон нафасисиз, ипсиз бир дутор,
Инсонсиз чирой йўқ!
Инсонсиз ҳаёт
Соҳиби тарк этган қасрнинг ўзи...

Аллоҳу сеъдика рахима сеъдиду... Керим

Любимынниң күнжинчиди сиз кимни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Кимни кимни кимни кимни кимни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни

Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни

Хизматни жарро ғуломни сизни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни

Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни

Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни
Дароза тафутиларимни сизни тафутиларни

ШЕЬРЛАРИМ

Шеърим, дарё бўлолмасанг ҳам
Рози эдим бўлсанг бир томчи.
Томчи дилга бўлолур малҳам,
Бўла олур дармон, илҳомчи.

Томчи дилни қондиради-ку,
Бир чўғ дилни ёндиради-ку.

Бўлмасанг ҳам гарчи филсимон,
Бир қилча бўл, шунинг ўзи бас.
Қилдан бўлар чийратма арқон,
Бир арқон-чи, тоғ бошига даст
Бир одамни кўтара олур,
Жарликлардан кутқара олур.

Бўл демайман осмонга устун,
Жимжилокдек кучга эга бўл!
Шеърларим жам бўлиб бир кун,
Бармоклардан бўлгандек зўр кўл,
Кафтларга бос иссиқ, кафтиңгни,
Қалбларга бер олов тафтиңгни.

Шеърларим бир одам каби,
Инсонларга бўлиб ҳамнафас.
Самимий дўст, бир ҳамдам каби
Кўнгилларни овлай олса бас.

* * *

Гоҳо мафтун қиласар тик товлар қадди,
Күкка тенг чўққилар нақадар буюк!
Кояларга етгач йўл машаккати
Елкамдан сирғилди гўёки бир юк.

Пастда элас-элас тўппидек қишлоқ,
Аниқ илғаб бўлмас гулзорлар рангин.
Дараҳтзор майсадек кўринди шу чок,
Эшитилмай қолди сойнинг оҳанги.

Ўтовлар нуктадек кўринди кирда,
Бир инсон нафаси келса-чи шу зум!
Наҳотки, кар бўлди кулогим шу дам!
Хира тортган каби туюлди кўзим.

Одамлар бағридан, халқ тўлқинидан
Бир нафас айрилиб, холи қолган дам —
Буюк тоғ бағридан мангур ажралган
Тош парчадек ўзин ҳис қилур одам.

1961 йил 9 май

МУЗАФАР МУҲАММЕД САДИК СОЛОМОН
САДИКСОНОВ. Ўзбек язувчиги, язувчи
иҷтимоий ғизматчи, язувчи-журналист
и ўзбек тилининчи маданий мактаби

ЯШАГИМ КЕЛАДИ...

Мустай Каримга

Бугун эрталабдан хомушрок турдим,
Билмадим, бу тушим асоратими?
Ё мени мастиң гуллар атрами?
Нечундир боғимда хаёлчан юрдим.

Үйларим чувалган, холим паришон,
Бу илхом парисин сехримиди ё?
Баъзида не куйга солмайди дунё.
Не-не холатларни кечирмас инсон.

Овутмоқ бўламан бир дам ўзимни,
Булбуллар куйига қулоқ соламан,
Ширин хаёлатлар ичра толаман,
Аммо қувонтиришас гул ҳам кўзимни.

Ўтган қувончларни эслайман бирдам,
Илк бўса лаззатин ёдлайман қайта.
Аммо хаёл асир қилган пайтда
Улар ҳам қалбингга бўлолмас малхам.

Қайга етакламас тохи хотира,
Не-не хаёлларга бормайсан баъзан.
Аммо зўр қувончни хис этолмайман,
Дўстларим борлигин эслашдан кўра.

Дўстлардан эшигтан илиқ сўзларим
Қалбимга нур бўлиб, бағишлар қанот.
Яна ҳам гўзалрок кўринар хаёт,
Яшагим келади, яна яшагим.

СҮНГТИ БУЛУТ

Булут тарқаб, буржда юлдузлар,
Күкни босди күз қамаштириб,
Севги изхор этгандай гүё
Күзни қисиб — ишора қилиб..

Аммо, күкда бир парча булат,
Чўлда қолган бўталоқсимон
Кезар эди, тўда юлдузнинг
Куршовидан чиқолмай омон,

Шунда оқ из солиб бир юлдуз,
Ёриб кирди булат ичига.
Гүё сўнгти душманни жангчи
Илган эди ўз қиличига.

1945 йил

СҮНДИРМА, ЁНДИР!

Баъзан мен ёнаман бир оташ каби,
Афсус, дўстим, унга доринг қилмас кор.
Мени даволаш-чун, баъзилардаги
Локайдлик касалин даволаш даркор.

Бу қандай касаллик? Қандай дард, дерсан,
Синода ҳам йўқ деб, бўлмагин ҳайрон.
Бу сенинг тинкангни куритар зимдан,
Хатто ўрирлиқдан минг бора ёмон.

У сенинг уйингга ўт ҳам қўймайди,
Ёнсанг, жон койитиб сепмайди ҳам сув,
Уйинг кул бўлади, у-чи куймайди,
Буйруқсиз ўрнидан жилолмайди у.

Бу дардга мубтало бўлган зотларни
Қайси қонун билан жазолаш керак?
Ё буларга қарши ёнган меними?
Қайси бирин олдин даволаш керак?

Дўстим, минг ташаккур, — шодлигимга ҳам,
Қайғумга ҳам доим бўласан шерик.
Ҳа, меҳрибон бўлар ҳақиқий одам,
Ахир одам билан одамзод тирик.

Даволама мени!

Шу меҳр билан,
Майли қалбим ёнсин бир қуёш мисол!
Бу ўтни сўндирма!

Аммо энг тубан, —
Локайд, бепарволар қалбига ўт сол!

КУЗ

Кундуз. Осмон юзин буркади булут,
Гүё чирок ёңгач тушрилди парда.
Күча тупропидан күттарар қуюн,
Шамол табиатга қилгандек зарда.

Терак учларига күнмөкчи бўлиб
Осмони фалакда кушлар чийиллар.
Йўлидан чалғитиб, шохларни силкиб,
Олтин япроқларин тўзғитар еллар.

Ёмғир шивалади, бир тўп болалар,
«Уй-уйига» дея таралиб кетди.
Толзорларни кезган кўм-кўк анҳорнинг
Ёмрир камчисидан қабарди бети.

Кўпикларга бокиб кутган дўстларим
Шунда етиб келди кўп қилмай мушток.
Самовар навоси, тарнов шарроси,
Улфатлар базмига айтилган машшоқ.

МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ

Саҳрода ой ботар, сахро зим-зиё,
Юлдузлар ёпирилар осмонга бирдам.
Юлдуз оқ из солиб учади баъзан —
Биллур жомдан шароб тўкилди гүё.

Кимнинг насибаси тўкилди дейман,
Сўнди экан дейман кимнинг юлдузи.
Кўкка тикилганча ўйга толаман,
Юлдузларга бокиб узилмас кўзим.

Кумуш камар каби баъзан ялт этиб
Неча-неча юлдуз сўнади ҳар тун.
Афсоналар олар мени элитиб,
Қай юлдуз менини бўлиши мумкин!

Хаёл билан мудроқ босаркан мени,
Неча юлдуз сўнар, илғамас кўзим.
Булутларни ёриб, ёритиб тунни,
Розиман кўриниб сўнсанг юлдузим.

КЕКСАЛИК

Кексалик — донолик, нафси ўликлик,
Дунёга ортиқ хирс күймаслик эмиш.
Хою хавасларга бўлган сўниклик,
Икир-чикирларга куймаслик эмиш.

Чинорнинг тагида бир дам ҳол йигиб,
Хаёлан ариққа тикканда кўзин
Хаётни туганмас дарёдек билиб,
Оккувчи япроқдек санаармиш ўзин.

Кўш-кўш набирасин етаклаб бокқа,
Кўксултон тўрасин берганда узиб,
Кафтида чигитдек қолган қадоққа
Шукронга этармиш, бир дам кўз сузиб.

Дастурхон ёнида ўвил-қизларин
Хурсанд кулгуларин тинглаганда у.
Мамнунлик нурлари қоплаб юзларин,
Яшамоқ мазмуни деяр экан шу.

Гўдаклар талашиб гоҳо ўйинчок,
Йиғлашса, бобом ҳам куйиб кетарди.
Қўшнилар жанжалин эшигтани чоғ
Ўтирган ўрнидан туриб кетарди.

Билмадим, бу чиндан доно бўлишми?
Сунбула сувидек ёки тинишми?...

ЗАРРАЛАР

Ёлғиз кезларимда замон сирларин,
Баъзан ўйлаб бўлар ҳафсалам ҳам пир.
Ожиз кўринади бу шеърларим
Атом бомбаларин олдида ахир.

Нега керак менга дунё ташвиши,
Нега керак менга бу ёғоч қалам?
Баъзан синиб кетар, муштдек қалбимнинг
Кичкина дардини кўтаролмай ҳам.

Шу кичик бир қалам очилганида
Булбул тумшуғича келмас учи бор.
Қаҳридан тикондек санчилганида...
Тиканинг заҳрини нима кучи бор.

Баъзан кўл ситайман.
Баъзан қалбимда
Пайдо бўлиб қолар умиддан учқун.
Гоҳо шу кичкина учқун ўрмонда
Даҳшатли аланга бошлаши мумкин.

Баъзан йўлин топиб сингган бир томчи
Ўпирган-ку буюк кўприкларни ҳам.
Кичик деб қараймиз баъзи нарсага,
Ахир яралган-ку заррадан одам!

Ахир узок йўлни ёрита слур
Кичкина туйнукдан тушган зарра нур.
Файридин, бир ожиз она олдида
Шафкатга келган-ку жаҳонгир Тимур.

Йўқ, кичик қаламим, ўксима асти,
Атомлар ҳам зарра, шундан ибрат ол!
Оламни ўртамай атом бомбаси,
Сен инсон қалбига шафқат ўтиң сол!

ҮЙЛАР

Бугун хам күзимга уйку келмади,
Бугун хам хаёлм бўлди паришон.
Юлдузлар парпираб, еллар елмади,
Недандир кўнглимга берарди нишон.

Нечун бу дунёга яралдинг инсон?
Нечун? Хаёлларим бермайди тутқич!
Ҳаммага тилайман инсоф-у имон,
Кўнглимда недандир уйғонар қўрқинч!

Эртанинг вахмаси?!? Ҳа, ҳа эртани,
Қай инсон эртанинг килмас ташвишин!
Қани, бу дунёда топилса, қани,
Ташвишу шодликдан холи бир киши.

Ҳаётда не учун яшайди Инсон?
Уйку кўзларимга келмайди ҳамон.

Журналистик саломати фарзиди
Союз журналистик саломати 1987 йил 1 декабр
журналистик саломати

Журналистик саломати фарзиди майдони
Журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан

Журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан

Журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан
журналистик саломати майдони - шахтадан

БАХОНА

Кимдир излаб келса дардига дармон,
Имкон йўқлигидан нолиймиз гоҳо.
Шунда не учундир ожиз, меҳрибон,
Ёшлик чорларимни эслайман аммо,

Томдан томга сакраб баҳор чорида,
Лола терганимиз ёдимда ҳамон.
Кўксултон узганда қўшни боридан
Дўстимга елкамни қиласдим нарвон.

У чоқ иккимиз ҳам хали ёш эдик,
Хали қўлимиздан келмасди бир иш.
Варакка қоғоз ҳам топа олмасдик
Ba ожиз ёшиликдан қиласдик нолиш.

Майсага аванаб иккимиз гоҳо
Не-не ниятларни қиласдик орзу.
Мен катта бўлгудек бўлсан мабодо,
«Шу боғни берардим сенга» дерди у.

Ўз қўлидан келса юлдузин шу дам
Қилмок бўлар эди мен учун эхсон.
Қанчалар меҳрибон, сахий бўлса ҳам,
На чораки, унда йўқ эди имкон.

Энди-чи, ҳар ерга етар қўлимиз,
Етарли мартаба, обрўйимиз ҳам.
Лекин минг афсуски, ожиз қоламиз
Бирор дардимизга бўлишга малҳам.

Ёшлик ожиз эди — на мартабамиз,
Курбимиз етарди бир ишга ҳатто.
Етмаган жойларда гоҳо қўлимиз,
Тутиб берар эдик елкани аммо.

Кани ёшликтаги ўша садоқат.
Кани меҳрибонлик, берубор эхсон?
Наҳот бари йиллар шаршарасида
Ёшлик билан оқди, оқизоқсимон.

Имкон бир баҳона! Кўнгилдан инсон
Йигласа ёш чикар сўкир кўздан ҳам.
Ҳамиша ожизу, доим беимкон
Инсонга меҳрини йўқотган одам.

ШАРПАЛАР

Мен учун сен йўқсан! Фақат соясан,
Одам қиёфали шарпасан, халос.
Қандай сен ўзингни тирик санайсан,
Сенда дард бўлмаса, одамларга хос?

Билмадим, сен бахтни не деб ўйлайсан,
Балки яшаш дерсан бедард, бепарво!
Сенданг англағанда жумла одамзод,
Балки, бахт нелигин билмасди дунё!

Дўлона ейишни истайсан, яммо,
Тоққа чикмасангу дўлона бўлса.
Жононни истайсан, чекмасдан жафо,
Сенинг рўпарантда жонона бўлса.

Қайси бобомдан сен пайдо бўлгансан?
Номин билмаганим минг марта маъкул.
Бедард одамларни фафлат босади,
Фафмат босганида Чингиз килган кул.

Яхшики, сен нусха бўлмаган халким,
На тарих бўларди, на касри олий.
Бу бахтли кун учун бўлмаганда жанг,
Ахир не кечарди ўзбекнинг ҳоли!

Ўзинг ўйла, дўстим, мен оддий ишчи
Буюк биноларга қўярканми ғишт,
Уқаланиб кетар гоҳ қўймасимдан,
Сен таскин берасан — қилма деб ташвиш.

Йўқ, менга керакмас бепарво қалб ҳам,
Нега керак менга буларсиз хаёт.
Мехнат ташвишидан бебаҳра бўлсам,
Севинч ахир қандай бўларди бунёд!

Беташвиш яшаши баҳт деб ўйлама,
Дард чекиш бизларга онадан юккан.
Чунки бу дунёга бизни оналар
Түкканды ўзлари, дард билан түккан.

Йўқ, дўстим, ҳаётга лоқайд қарама!
Сўзларим килмасин сенга малоллик.
Беташвиш яшаши баҳт деб санама,
Бедардликнинг ўзи баҳти қаролик.

Менда истиқболни кўриш ташвиши,
Бусиз на завқим бор, на баҳт, на тинчим.

Беташвиш яшаши баҳт деб ўйлама,
Дард чекиш бизларга онадан юккан.
Чунки бу дунёга бизни оналар
Түкканды ўзлари, дард билан түккан.

Йўқ, дўстим, ҳаётга лоқайд қарама!
Сўзларим килмасин сенга малоллик.
Беташвиш яшаши баҳт деб санама,
Бедардликнинг ўзи баҳти қаролик.

Беташвиш яшаши баҳт деб ўйлама,
Дард чекиш бизларга онадан юккан.
Чунки бу дунёга бизни оналар
Түкканды ўзлари, дард билан түккан.

Йўқ, дўстим, ҳаётга лоқайд қарама!
Сўзларим килмасин сенга малоллик.
Беташвиш яшаши баҳт деб санама,
Бедардликнинг ўзи баҳти қаролик.

Беташвиш яшаши баҳт деб ўйлама,
Дард чекиш бизларга онадан юккан.
Чунки бу дунёга бизни оналар
Түкканды ўзлари, дард билан түккан.

* * *

Арик бўйларига сафсар ўтқаздим,
Полизларга сепдим пиёзу кашнич,
Ўнкир-чўнкирларга тулроқ ётқиздим,
Ўз ишимга қараб қалбимда севинч.

Дехконнинг тўшидек қизғиш, покиза
Тупрокдан уради қуёшнинг тафти.
Тутганим тупрокмас,
куёшу ернинг
Кудратин гўёки шимарди кафтим.

Кувончим бир олам,
хар кетмон ердан
Гўё юз очарди кучок-кучок гул.
Бир танишим кўриб гап отди бирдан:
«Нахот, тополмадинг мардикорга пул?..»

Товба! Гап пулдами?
Пул билан битса,
Сўрагандан ортиқ бериш имумкин,
Факат у пул эмас, пул билан бирга
Олиб кетар меҳнат завқин ҳам бутун.

ОКИБАТ

Күзларин бойласанг мушукни агар,
Яна ўз уйига қайтади чопиб.
Бегона қўлига тушганда кантар,
Дон еган масканин келади топиб.

«Бу аклдан эмас, ҳайвоний бир хис»...
Хар ким ўз-ўзича тўқийди нақл.
Ахир нега керак, инсонга ножинс,
Мехру муҳаббатдан бебахра акл!

Ахир парранда ҳам, ахир ҳайвон ҳам
Туз еган ерини қўмсағ қайтади.
Сориниш хиссидан эй маҳрум одам,
Билмадим, эл сени ким деб айтади.

1985 йил 13 июн

Марказий Ҳизматчилик
Боттош (Союз) тартибидан
Сибирдаги тарбия таҳсилати
Сибай-Балык шаҳринда Ҳизматчилик
Боттош (Союз) тартибидан

ИЛХОМ

Ёлвораман, илхом париси,
Үз эркимга холи күй бир дам.
Бола-чака, түйлар орзусин,
Бошқалардек ўйлайин мен ҳам.

Шафқат этгил, тунда уйғотма,
Бир кеча бер уйқумга ором.
Севги бўлиб бағримга ботма,
Сехринг билан мени қилма ром.

Бошқалардек гулларнинг атрин
Тотиб бўлай боғим ичра масти.
Сен ўшандা, деҳқон меҳнатин
Солмай турғин ёдимга бирпас.

Менга ҳам баҳт бокқанда кулиб,
Тотмасимдан гаштин бир йўла,
Кимларнингдир дардин эслатиб,
Юрагимга солма ғулғула.

Ўз баҳтимдан ўзим қувониб,
Ўз ғамимни чекайин ўзим.
Дунё дардин ёдимдан қувиб,
Бир дам бергил қалбимга тўзим.

Илхом шафқат этдими менга,
Ё қаҳрими, билмадим бирок,
Энди дунё ташвишларига
Неча кунки, бефарқман мутлок.

Ноңақлиқдан энди йүқ куймок,
Илхом завқи безовта килмас,
Гулга бөксам босади мудрок,
Қалбим дарддан түгёнга келмас.

Энди илхом, ким бүлдим айтгил?
Ёлвораман? Айтиб, кил изхор!
Ёлвораман, ёнимга қайтгил,
Халк дардидан айрма зинхор!

Рындың алғашқы тапшырылышында
жарылдың көзінде мемлекеттегі
жыныс жағында сұрағынан шынайы
жарылдың бес көзінде мемлекеттегі

жарылдың көзінде мемлекеттегі
жыныс жағында сұрағынан шынайы
жарылдың бес көзінде мемлекеттегі

жарылдың көзінде мемлекеттегі
жыныс жағында сұрағынан шынайы
жарылдың бес көзінде мемлекеттегі

ЖАСАЛАВАРЫНДА
САЛМАНДАРЫНДА
САЛМАНДАРЫНДА
САЛМАНДАРЫНДА

ШУНЧА ВАҲШИЙЛАШИБ КЕТДИМИ ИНСОН

Асл кимлигингни билмокчи бўлсанг,
Дўстим, ўтмишингта бир дам назар сол!
Тўғри, кирғин бўлган, қанча-канча жанг,
Уни ҳам ўйламай майли, қўяқол.

Мозийда нималар бошдан кечмаган,
Уни бадавийлик, гумроҳлик дедик.
Кўкка учиш қайда, ақл етмаган,
Лек гуноҳ, савобни фарқ қилар эдик.

Кимнинг хаёлига келарди у чоқ
Атом билан кильмоқ дунёни тор-мор.
Гуноҳ билар эди одамлар бироқ
Хатто чумолига бермоқни озор.

У чоқ ҳозиргидек ГЭСлар йўқ эди,
Ёққанимиз эди пилик, жин чирок.
Дарё-ю денгизлар лиқ тўлиқ эди,
Гўзал парранда-ю жонворга бироқ.

Үйингда ўсмаса битта тупрайхон,
Болалар билмаса, тутнинг таъмини.
Шунча ваҳшийлашиб кетарми инсон?
Бу дунёнинг кўрки, нашъаси қани!

На кушлар сайроғи, на окқан ирмок
Завки бор! О, фафлат бунчалар босган!
Қани энди боғлар сайрига чиқмок,
Ўнинчи қаватдир сен топган маскан!

Наҳот, унуглиган боғларнинг гашти,
Наҳот, боғлар сайрин унитдинг инсон!
Наҳот, кўз олдингдан кетмаса асти
Пахтазор, пахтазор, пахтазор бир он!

Куриган дарёлар, боғлар, тоғлардан
Боболар фарёди келар гохида.
Наҳотки қолмаса шунчалар қадр
Инсон боласининг қылган охидай!

Ноладек қулоққа келиб урилар
Юртимдан бадарға қүшлар чуввоси!
Куриган ирмоклар, кесилган боғлар,
Чаманлар чуввоси, Ииллар чуввоси!

Наҳот вахшийлашиб кетсак шунчалар!

Анда, Ишкендердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги

Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги

Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги

Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги

Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги

Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги
Анда, күндердеги күндердеги күндердеги

ИЗ

Яна бахор келди! Қолған умр ҳам
Үтади сездирмай эриғандек қор.
Боболар айтғандек бу дунё биркам,
Эй, дүстим, афсус деб, хұрсина зинхор!

Кечаги биллур қор, қара, йұқ бутун...
Ариклар шиддираб, куйлаб оқмоқда,
Кирда қор парчаси остидан гулгун
Майсалар бүй чүзиб, яшнаб бокмоқда.

«Узилган бир киприк агад йұқолмас!»
Хеч нарса келмагай, ўтмагай беиз.
Кимдир қаср солар, кимдир ер чопар,
Ҳаётда хар кимдан қолур битта из.


О, кимдан яхши из, бир нишон қолса,
Бунинг савобига ҳеч нарса етмас!
Аммо сен қолдирған изни күрганда
«Дунёни топтабди!» демасалар, бас!

УМИД

(Гётедан)

Ёлбораман, умид париси,
Иши чөвлари менга бўлгин ёр!
Тугатмасдан ишнинг барисин,
Толиқишига эрк берма зинхор!

Ишонаман! Рӯёбга чиқар,
Таскинларинг кетмай бехуда:
Умид билан сукулган таёқ,
Мехнат, чидам натижасида
Бир кун берар мева ва япроқ.



РУБОИИЛАР

Ошиклар кезади чаманлар аро,
Дилларида ором, дилларида ғам.
Висол қувончи-ю айрилик дарди.
Шу икки вужуддан мавжуддир олам.

* * *

Ҳадеб мактайверма уни, деб заргар,
Олтиндан темирни фарқ қиласа ҳам гар.
Яхшидан ёмонни, дўстдан душмани
Фарқ этмас, сўқирдан минг марта баттар.

* * *

Мажнунтол йиёлами, қаддингни букма,
Умидвор дунёда қаддингни кўтар,
Тун-кун окар сувдек ёшингни тўкма,
Кулган, йиёлаган ҳам оламдан ўтар.

* * *

Менга ноҳақ жабр қилгандар ҳам бор!
Дарҳакиқат уни этмасман инкор.
Лекин даъвойим йўқ, хеч бирларига
Чунки улар эмас, шайтон гуноҳкор.

* * *

Унинг гуноҳини кечирдинг бирок,
Иисофа келди, деб ишонма мутлок!
Ҳайвонни қанчалар ўргатма қўлга
Арконни узади кўрганда ўтлок.

* * *

Чоким вайрон бўлиб, сўкилсам, майли,
Кузги япроқ бўлиб тўкилсам, майли.
Оташин ишқим-ла эл орасида
Дарвиш-девона деб сўкилсам, майли!

* * *

Майли, зарраларга айлансин юрак,
Мехру дўстлик бўлиб сингсин ҳар танга.
Шеъру юрак менга не учун керак,
Яхшилик килмаса агар инсонга!

* * *

Доим тўғри йўлдан юриб, у хатони билмади,
Хеч кишини қарғамади ва дуони билмади.
Аммо умр сўнгига у ойнада ўзин кўриб
Хайрон бўлиб тикилди-ю, муддаони билмади.

* * *

Ҳар кимнинг ўз шодлик, кулфати бордир,
Дардини очгани улфати бордир.
Майга улфат бўлма, дардингни тинглаб
Элга ошкор қиласи иллати бордир.

* * *

Тоғ бургуги бўлсанг, баланд парвоз кил,
Бургут нима! Үндан баланд бўл, эй дил!
Бахту мартабанинг баланди яхши,
Аммо димоннинг-чи, пастрои маъкул.

* * *

Кўлимда май тўла гулдор пиёла,
Гулзор деб капалак бўлар парвона.
Гулга кўнмоқ бўлиб майга ғарқ бўлди,
Майми ё гулзорми қилган девона!

* * *

Кўзуга ўйилган гўзал нақшсимон
Илк севги қалбингдан асло кўчмайди,
Безак кўрки бўлиб яшайди ҳар он
Кўзгу синмагунча у ҳам ўчмайди.

* * *

Севги — вафо десант, бу ишқ абадий,
Агар мафтун қилса, кўз, қоши, лаби...
Ажралмоқ осондир сал шамол билан
Тарқалиб йўколган булувлар каби.

* * *

Менга чин дўст бўлсанг, қасамёд этгил,
Дўстликни қасамдек умрбод этгил.
Дўстликдан мукаддас на онт, на сўза бор,
Дўстлик — қасамдан зўр, буни ёд этгил.

* * *

Узокдан ойда ҳам кўринади доғ,
Яқинидан борсанг, тиникдир балки,
Сиртдан баҳо берма, одамга мутлок,
Ёмон деганингнинг балки пок қалби.

* * *

«Дунёда қолдими күрмаган нарсам!..»

Күрдим деб гердайма, не күрибсан, кам.

Бир одам күнглини овлай олдингми,

Инсоннинг қалбидан борми кенг олам!

* * *

Яхшилик не? — деб сўрадинг, наҳот ҳали

бilmасанг?

Яхшиликми, не кечганин одам ҳоли, билмасанг?

Ёмонлик бир зулмат бўлса, яхшилик бу қуёшdir

Куёш доим нур сочади, тундан ҳолий, билмасанг?

* * *

Йўлим гоҳо Нилу гоҳа қил бўлсин,

Не парво дўстларим кенг феъл бўлсин.

Нилдан фил ўтказер, қил устидан-чи,

Филни етакловчи зўр акл бўлсин...

Ф. Т. Ж.

10. КИРДИМ ДЕБ ГЕРДАЙМА, НЕ КҮРИБСАН, КАМ.
11. БИР ОДАМ КҮНГЛИНИ ОВЛАЙ ОЛДИНГМИ,
12. ИНСОННИНГ ҚАЛБИДАН БОРМИ КЕНГ ОЛАМ!

13. ЯХШИЛИК НЕ? — ДЕБ СЎРАДИНГ, НАҲОТ ҲАЛИ
14. БИЛМАСАНГ?
15. ЯХШИЛИКМИ, НЕ КЕЧГАНИН ОДАМ ҲОЛИ, БИЛМАСАНГ?
16. ЁМОНЛИК БИР ЗУЛМАТ БЎЛСА, ЯХШИЛИК БУ ҚУЁШДИР
17. КУЁШ ДОИМ НУР СОЧАДИ, ТУНДАН ҲОЛИЙ, БИЛМАСАНГ?

* * *

Олим — маърифатнинг сайқали бўлур,
Олим — ҳар китобнинг зарҳали бўлур.
Донолик таърифин қанча ёзсан оз,
Олим — камтарликнинг ҳайқали бўлур.

* * *

Душманга минг ёлвор, минг илтижо кил,
Бағритош мурувват чиқиши мушкул.
Ганимдан марҳамат — ойнинг нуридан
Иссиклик кутиш-ла баробар буткул.

* * *

Булокни ковласанг, суви мўл бўлур,
Илдизни ковласанг, қуриб чўл бўлур.
Бунинг фарқин билиш, дўстим танқидчи,
Сенга ҳам, менга ҳам тўғри йўл бўлур.

* * *

Хоҳ тўхтаган бўлсин, хоҳ чикарсин сас,
Агар милсиз бўлса, соат саналмас,
Кимдаки сўнаркан ҳалқига меҳр
Хоҳ ўлган, хоҳ тирик инсон дейилмас.

* * *

Вужудимни тилиб, тилка-тилка
Айла, виждонимни сотмайман.
Ҳалқ дардини жойладим дилга.
Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман.

* * *

Иссиқда яркирар қуёшнинг тифи...
Богу роғлар жимжит, уфқлар сархуш.
Олисдан келади күйми, ё йиғи,
Қайдадир бетиним чирқирайди күш.

* * *

Яхшилик нима-ю, ёмонлик нима?
Гүё бунда йўқдек хеч қандайин сир.
Агарда бўлмаса бирор мўъжиза
Нега ҳамма яхши бўлолмас ахир?!

* * *

«Қачон тамом бўлар дунёда иғво»,
Дейди-ю кимдандир арз килар гоҳо.
Шу оннинг ўзида битта иғвогар
Пайдо бўлганини сезмайди гўё.

* * *

Куз келди, эртанги шудринг остида
Майсалар бўй чўзиб, келмас сўлгиси.
Куёш бокиб турса, баҳт кулиб турса
Кимнинг бу дунёда келар ўлгиси.

* * *

Кичик бир учқундан ўт олур ўрмон,
Бир ҳовуч сув чўғни ўчирап осон.
Эй, инсон, бу чексиз дунё олдида
Мен ким? — деб ноумид бўлма хеч қачон!!

* * *

Баъзан шароб билан кўнгил яйрайди,
Арзимас бир қадаҳ тилни кайрайди.
Лекин таажжубки бадмастлик қилсанг,
Одамлар майнимас, сени қарғайди.

* * *

«Чин қалбимдан, камол-эҳтиром билан»
Бунинг чинлигига далил ҳам керак.
Хадямни ўқи, ахир шеър-ку,
Шеър ёзиларми, беишк, беюрак?!

* * *

Сен килганни ҳар ким қиласар, кибрланиб нетасан?
Халқ мактаса ҳизматингни, муродингга етасан.
Ўз-ўзингча етмоқ бўлиб кўкка қанча сакрасанг,
Фақатгина ерни ўйиб, шунча тубан кетасан.

* * *

Йўқ, йўқ, қасам ичма, чин дўст эдим деб,
Уни айблама риёда зинхор.
Агар чин дўст бўлсанг, у четда қолиб,
Дардингни килмасдинг ўзгага изхор.

* * *

Фаришта дер баъзилар ўзин,
Икрор бўлмас айбга хеч қачон.
Нуксоним йўқ дейишинг ўзи
Одам учун эмасми нуксон!

* * *

Сархисоб қил, яна қанча умринг қолди?
Эрта тонгга етар қанча нуринг қолди!
Не ҳаловат берди амалу мартаба,
Күз-күз қиласдек қандай ғууриңг қолди!

* * *

Не ҳоқонлар ўтиб, беармон бўлмади:
Хеч вакт кўнгул истар замон бўлмади.
Сохиби каромат, ўзинг, эй дарвеш,
Дунёга устун бўлар бир инсон бўлмади.

* * *

Умид бирла яша, ноумид шайтон,
Балки шу учунми тинчимас инсон.
Борига қаноат қилмай югурмок
Шайтон амримасми, ахир, эй Раҳмон!

* * *

Қизишган чорингда, дўстим, чекиб зор,
Ҳаммага маслаҳат солмагин зинхор.
Қизиган шишага сараган томчи
Чатнатиб, чил-чил ҳам қилишлиги бор.

* * *

Ёшликни қўмсайман қариган замон,
Ўйлаб гашти билан гоҳ бўласан масти.
Лекин қариликни эслайсан қачон?
Қайтадан ёш бўлсанг!
Бу ҳам ёмонмас.

* * *

Дунё ўзи нима? Жавоби осон —
Дунё дегани бу — туғилмок, ўлмок,
Замину замонни ўзгартар инсон,
Аммо ўзгарарми туғилмок, ўлмок.

* * *


О, мақтөв! Мадхия! Баъзи одамлар
Сен билан топади ўлмас шарафшон,
Лекин баъзиларни йўлдан чалитиб.
Худди килич каби қиласан яксон.

* * *

Ёлғончи ўзини ўзи килур фош,
Чиқаси келганда эгасидир бош.
Канча ростгўйликдан бонг урмасину,
Кулар, қымшишига бўлганлар сирдон.

* * *

Оlamни устиндек туради суюб,
Мухаббат кувончи, мухаббат дарди,
Устимизга осмон тушмади қулаб,
Мухаббат ўзгарди, севги ўзгарди.



ИЛОХИЙ
МУХАББАТ

* * *

Ошиқларда фақат дард бўлар,
Бедардларда севги не қилсин?
Севмакликнинг ўзи баҳт бўлар,
Ошиқ йўлини тангри кенг қилсин!

* * *

Баъзилар севгини дерлар зўр ташвиш,
Уйқусиз тунларга беролмасдан тоб,
Кошкى мумкин бўлса ёшликка қайтиш,
Розийдим куйдирса мени у офтоб!

Ох, ўн саккиз ёшим! Ўн саккиз ёшим,
Ишқ ташвиши асир айлаган тунлар.
Кошкى ўша ташвиш бўлса йўлдошим,
Тарк этмаса эди мени бутунлай.

Кани ойдин кеча? Кани у ариқ?
Висол ташвишлари ўртаган бир он.
Буларни ташвишмас ором дер ошиқ,
Ошиқлик лаззати қайтмас ҳеч қачон!

Севгига ташвиш деб караганим йўқ,
Севги ташвишига бера олдим тоб.
Ўртамасам, қайдан бўларди қўшик,
Бўлармидн севги ҳақида китоб!

ОКШОМ

Кечак оқшом күтдим, келмадинг,
Зулмат ичра қолдим бир ўзим.
Үмрим бўйи бу зулматга тенг
Бир зулматни кўрмаган кўзим.

Эркам, бугун келдинг оқшомда,
Хали кўкка кўтарилимай ой.
Билмагандим, ёруғ оламда
Борлигини шунча нур, чирой.

ИЛОХИЙ МУҲАББАТ

Мен сени севгандим уйқусиз тунлар,

Сендан ўзга менга йўқ эди дунё.

Қалбимда сен ҳоким эдинг бутунлай,

Дунёда хеч қувонч йўқ эди гўё...

На амал мартаба, на молу давлат,

Ва на суриштирмок теги таҳтингни...

Қалбимда бир сенга бўлган муҳаббат,

Факат кўрар эдим сенда баҳтимни.

Сенинг юзларингда на пардоз-андоз,

На олтин, дурлардан бўлган тақинчок.

Факат кўзларингда қизларга хос ноз,

Факат боқишиларинг эди тортинчок.

Нақадар илохий севги эди бу!

Нақадар берубор, нақадар холис!

Дунё ташвишлари, машаққатлари

Хаёллардан эди бутунлай олис.

Туну кун қалбларда факт мухаббат,

Хеч нарса йўқ каби севгидан ўзга.

На қўрқув, на ваҳм, на бирор даҳшат...

Ўлим кўринмасди ҳаттоки кўзга!

Илк севги нақадар берубор, тоза!

Билмовчи нелиги таъмагу кўрқув.

Мана шу севгига асл андоза,

Ҳақиқий, илохий, муҳаббатdir бу!

1994 йил 5 октябр

ҚИЗИМ ХУРШИДАХОНГА

Яралдинг олами Хуршид, дилимни сен мунаввар кил,
Сочиб нур, нур панохида йўколган баҳтимни бор кил.

Ато қилди менга фарзанд, менинг номим ота бўлди,
Оталик хурматимни сен, ҳамиша элга ошкор кил.

Қилиб элчи ўзингни тинч-омон, яхши замонлардан
Келар йиллик ақиқангда бутун элни хабардор кил.

Умидим кўп эрур сендан, умидим баҳтиёр бўлгин,
Баҳордек яшнаган умринг борин мангу чаманзор кил!

1943 йил

* * *

Онагинам, менга умр тилардинг,
Ҳалол, ҳакгўй бўл, деб қиласардинг дуо.
Бундай бўлмоқ учун, сен билармидинг,
Ўрлинг мاشақкатлар чекишин аммо?

Сенинг тилакларинг ёдимда ҳамон,
Сўзларингни ҳамон эслайман, она.
Бугун булатларга бурканиб осмон
Куз келиб, мен сени эсладим яна.

Изғирин бошланди, сен ўзинг кўрган
Азим туп ўрикинг барги олтин ранг.
Кимлардир кувонса куз келганидан,
Кимдир афсус билан чекади аттанг.

Билмадим, буларнинг қай бирлари ҳак,
Буларнинг қай бирин олай тарафин.
Онажон, одамлар кўнглини овлаб,
Ҳақни англатмоқлик нақадар қийин!

ЖАНЖАЛСИЗ УЙ

Баъзи бир дўстларим хотиним билан
Айтишиб қолдим деб арз қиласи менга.
Тўғрисини айтсам, ҳасратин тинглаб,
Ичимда хавасим келади унга.

Эр-хотин талашиб, гоҳо тортишиб,
Бирон иш битирса нимаси ёмон?
Дардларинг ётса-ю, дилингда тошиб,
Аммо айтишликка бўлмаса имкон,
Мана бу ёмон.

Балки хотининг йўқ, тилинг йўқ дерсиз,
Йўқ, йўқ, хотиним ҳам, тил-жагим ҳам бор.
Аммо ҳеч кишига ато қилмасин
Менинг хотинимнинг фаълини зинхор.

Қизиқ одати бор — бир гап бошласам,
Оғиз очиргани мени кўймайди.
Энди сезгандирсиз, шунинг учун ҳам
Бизнинг оиласада жанжал бўлмайди.

СҮРОҚ БЎЛАРМИДИ!..

Агар тун бўлмаса, чироқ бўлармиди!
Ишқда вафо бўлса, фироқ бўлармиди!
Бир ишванинг ўзи ишққа муҳр бўлса,
Севасанми, деган сўроқ бўлармиди!

Гавҳар денгизда-ю, севги дилда бўлар,
Чиндан дилда бўлса, гоҳо тилда бўлар.
Агар тил бор десанг ёлғончиларда ҳам,
Тилимни кес, гунг қил, пичоқ бўлармиди!

Яхши бўлмоқ учун ширин тил ҳам керак,
Севгини айтишга очиқ дил ҳам керак.
Чироқда тил бўлса, ахир парвона ҳам
Ишқ ўтида ёниб чўлоқ бўлармиди!

Ё севгимга шубҳа билан қарайсанми?
Ё ишқимга бирон далил сўрайсанми?
Гар севмасам сени, сенга ёзган шеърим
Юрагимда қайнар булоқ бўлармиди!

Синамоқчимисан ёки қалб, сўзимни,
Одоб, ахлоқиму ёки тўзимимни?
Мен одобсиз бўлсам, минг бор сўзлашганда
Битта бўса шунча йироқ бўлармиди!

Ёки нуқсони йўқ ёрни излайсанми?
Айбимни айтишга фурсат кўзлайсанми?
Сен ўзингни боғбон, мени чўл деб билсанг,
Боғбон яхши бўлса янтоқ бўлармиди!

Севмаганга хол ҳам хунук дөр күринар,
Асл борбонга-чи, чүл ҳам бор күринар.
Гар севмасанг мени, күришмаган бир күн
Йил туюлиб димог-фирок бўлармиди!

Севасанми дея бекор сўрабман, ёр,
Севишимиз сўзсиз элга бўлди ошкор.
Агар севишишмасак, бугун учрашганда
Хайр, дейиш шунча узоқ бўлармиди!

ИНСОН ИНСОН УЧУН...

Неки күлдим сен учун танҳо...
Ёлризликдан ахир не маъно?

Бошим узра дўлдек ёғиб ўқ,
Ёприлганда булатдек бало,
Кечаман деб йилаганим йўқ
Мен шунда ҳам ҳаётдан асло.

Неки күлдим сен учун бутун,
Сен-чи, ҳаёт бердинг мен учун.

Чикқанимда тоғлар бошига,
Конлар излаб, чекиб машакқат.
Бўрон туриб тошларни тошга
Уриб, ҳатто мени бешафқат
Ҳалок қилмоқ бўлганида ҳам,
Ўйламадим ўлимни бир дам.

Неки күлдим сен учун танҳо,
Сенсиз ҳаёт нурсиз, бемаъно.

Касал бўлиб, бераҳм азоб
Ўлимимга килганда ризо,
Парвонадек айланиб шу тоб,
Сен қошимда бўлардинг пайдо.
Шу севгингни зое қилмай деб,
Хизмат қиласай сенга, ўлмай деб,
Сен туфайли ўлимга қарши
Чидам билан мен кўтардим бош.
Қандай улур меҳринг оташи!
Инсон, сенинг меҳринг чин қуёш!
Сен берувчи умид, баҳтни ҳам,
Мен сен учун яшайман, одам.

Менга олгин қаср берсалар,
Бор неъматни қилиб муҳайё,

Лекин шунда бир шарт қўйсалар:
«Одамларсиз яшайсан танҳо,
Ўз нафсингни ўйласанг агар,
Олтинлардан қўямиз хайкал»,
Йўқ, йўқ! Сендан холи бўлганим,
Бахтсизлигим, тирик ўлганим!

Инсон, менинг тириклигим сен!
Шон-шуҳратим, буюклигим сен!

«Севаман» —^{*} деб қасамёд этма зинхор,
Солма йўлларига гулдан пояндоз.
Агар қилмоқ бўлсанг севгингни изҳор,
На бўлар керагу на безак, пардоз.

Муқаддас севгини, нахот, безаклар,
Гуллар қадри билан ўлчанса, ахир.
Нахотки завқ билан айтилган бир сўз
Севгига абадий бўлолса муҳр.

Тилда «севаман» деб, ўтмасдан йиллар
Муқаддас бу сўзни хор қилганлар бор.
Сиртки пардоз рангдек ювилиб кетар,
Гуллар хазон бўлар, ўтаркан баҳор.

Севги нималигин англамоқ бўлсанг,
Покиза сақламоқ бўлсанг ҳар нафас:
Тўй куни бўсасин таъмин унутма,
Севгини вафо деб англай олсанг бас.

Англай олсанг бас
Севгини вафо деб англай олсанг бас
Севги нималигин англамоқ бўлсанг
Покиза сақламоқ бўлсанг ҳар нафас:

Севгини вафо деб англай олсанг бас
Севги нималигин англамоқ бўлсанг
Покиза сақламоқ бўлсанг ҳар нафас:
Тўй куни бўсасин таъмин унутма

Севгини вафо деб англай олсанг бас
Севги нималигин англамоқ бўлсанг
Покиза сақламоқ бўлсанг ҳар нафас:
Тўй куни бўсасин таъмин унутма

ҚИШЛОҚ ГҮЗАЛЛАРИ

Дўстим, толикдингми, ҳали йўл узок,
Кара, пахтазорнинг йўқдир поёни.
Денгиз тўлқинидек хаммаёқ оппок,
Кай ёнга қарама пахта майдони.

Ҳали қишлоқ олис, ҳатто кўқдаги
Бургут ҳам чарх уриб излар қўналға,
Хордиқ олмок бўлсанг, пахтазордаги
Куёшда қорайган қизларга қара!

Уларга разм сол, буни эккунча,
Кабармаган дейсан қанча-қанча қўл.
Бу ерга сув бошлиб, бояроф этгунча,
Не машаққат чеккан, дўстим, ўйлаб кўр.

Хордиқ олмок бўлсанг, сувга кулок сол,
Кай тоғдан келганин эшиггин бир дам.
Чинор соясида йиғганингда ҳол
Сўраб кўр, қандай қад тиклаганин ҳам.

Ниҳол ўтқазилган боярларга қара,
Сўлгин япроқларнинг эшиг шитирин.
Балки айтиб берар, чўли маликда
Қандай илк нишона қилганин сирин!

У ҳам айттолмайди, ҳали у ниҳол,
Чўлнинг офтобидан гўдақдек холсиз.
Бу офтоб тафтидан ўт-ўлан бехол
Бунинг сирин айттар балки дехкон қиз?..

Йўқ, у ҳам айтмайди, феълин биламан...
Кара, қош-кўзлари, кипринклари чант.
Қанча тер тўқканин ундан сўрама,
Ўсма кўнишга ҳам унинг вакти танг.

Шунча меңнат қилиб, сени күрганда,
Хатто тик бокмайди, шунча тортингчок.
Керилиб кимлигин қилмас писанда,
Не қылдым дегандек бοқади юмшоқ.

Бир ниҳол үтқазсак, бир кетмон урсак,
Белимиз қайшиш, қабаради қўл.
О, дўстим, чарчадим деган чорингда
Бу қизлар меңнатин бир чамалаб кўр.

Сборник народных песен Узбекской ССР. Ташкент, 1970.

* * *

Чинорнинг шохлари қурий бошлади,
Шундай қўл-оёқдан кетаркан қувват.
Вакти етиб чинор япроқ ташлади,
Тўкилгандек бўлди соchlарим шу вакт.

Бўронлар силкитар, чақинлар чақар,
Аммо букилмасдан турар қомати.
Чинор илдизидек ўзинг қувват бер,
Кексаликнинг ўзинг бергин омадин.

* * *

Яна баҳор келди, қадрли дүстим,
Сенниг ҳам қалбингга кирдими баҳор!
Ахир бу кунга ҳам етмайди ҳар ким,
Бунга етғанлар бор, етмаганлар бор!

Мавжудотни қара, мавж уриб кетди.
Гүё назаримда табиатда түй.
Қишки булатлар ҳам кўкни тарқ этди,
Эски гиналарни дүстим, сен ҳам кўй!

Дүстим, нима ҳам бор дунёда бокий,
Ўткинчи дунёниг фарзандларимиз.
Беш кунлик умримиз бор экан токи,
Не бўлрай, юз бурсак, яхшилика биз!

Хатто, бугун, қушлар эркалик билан
Тумшуқларин чўзар бир-бирларига.
Мухаббат бокийдир, дўстгинам, ион!
Ёлғизлик хуш келмас ҳатто тангрига.

Айқириб оқмоқда баҳор сувлари,
Оқиб кетмоқдадир ҳазонлар, ҳаслар.
Қушларнинг сайроғи ва ку-кулари
Кўнгил руборин ҳам супириб ташлар.

ТАШАККУР

Нега қулиб бокдинг менга маккора,
Эрка сўзлар билан нега килдинг ром!
Севгинг умидида қилиб овора,
Наҳотки этмасанг бир бўса инъом.

Эрка бокишларинг балки бир ёлғон,
Сочим оқларидан қулишмиди ё?
Алдаган бўлсанг ҳам аммо ҳеч қачон
Ранжимоққа сендан ҳаққим йўқ асло!

Чунки неча кунки, севгинг домида,
Дунё ташвишларин унудим буткул.
Алдаган бўлсанг ҳам, ишқ оромида,
Яшаткан кунларинг учун ташаккур!

Нега қулиб бокдинг менга маккора,
Эрка сўзлар билан нега килдинг ром!
Севгинг умидида қилиб овора,
Наҳотки этмасанг бир бўса инъом.

Эрка бокишларинг балки бир ёлғон,
Сочим оқларидан қулишмиди ё?
Алдаган бўлсанг ҳам, ишқ оромида,
Яшаткан кунларинг учун ташаккур!

ОНАЛАР ТАШВИШИ

Онам ёшлигимда тилак тиларди,
Ўзлим кирса дея, эл қаторига.
Йигит бўлганимда дуо киларди.
Яраса деб элнинг бирор корига.
Кўлга қалам олиб, ненидир ижод
Килган чоғларимда тунлар бандма-банд,
Кувониб ишимга тиларди кушод,
Доим бўлсин дерди, мартабанг баланд.
Номим тушганида элнинг оғзига,
Қўшиқ бўлганини эшитса шеърим,
Хадсиз қувончимни кўриб баъзида,
Инсоф берсин дерди, ўзингга ўзлим.
Шундай деярди-ю, аммо шу тобда
Менинг кўзларимга бокарди ўйчан.
Нимадир қиласди уни безовта,
Нимадир қалбиди қиласди эди жанг.
Агар йўлдан озиб, шухратдан бутун
Махрум бўлишимни ўйлайди, десам,
Факат ўз шухратим, обрўйим учун
Олмаган эдимку қўлимга қалам!
Хаёлchan кўзига тикилиб бирпас,
Унинг сўзларини ўйлаганим он,
Менда ўз шухратим ташвиши эмас,
Бир даҳшат қалбимда қиласди түғён.
Агар йўлдан озиб, бир хато қилсан,
Кибр пайдо қилсан топилур даво.
Аммо шухрат берган халқни унутсан,
Бир ақлдин озиш, бу даҳшат аммо.

ТАСОДИФ

О, тасодиф, тасодиф гох бахт,
Гох келтирап ўлим ва хатар.
Тасодифдан хурсандман беҳад,
Дучор қилди бахтга бу сафар.

Тасодифан кўрдим базми кеч,
Ўғирладинг севгимни дархол.
Юрак дардин айттолмадик ҳеч,
Боқишиларинг қилди мафтун, лол.

Айланмади тил ўша онда,
Хайрлашдик бебўса ва жим.
Сен кетдингу қолдим армонда,
Учрашишни сўроклолмадим.

Тасодифнинг мен учун бу гал
Келтиргани бахтми ё хижрон.
Ҳали-ҳали этолмайман ҳал,
Фирокингда ўртама, жонон.

Тасодифдан шодман, аммоқи,
Афсус билан қолганлигим рост!
Қайдасан, ёр, топгунча токи,
Тасодифга йиглайман, ҳалос.

* * *

Мұхаббат, севгисиз қалбни қүёсиз осмонга
үхшатдим.
 Ўзим кимман, билурманми? Қаю инсонга
үхшатдим?
 Сенинг шамси жамолинг, минг шукурларким насиб
этди,
 Гунохдан фориғ этган саждагох топганга үхшатдим.
 Агар чин илтижо қылсанг, топарсан шұхрат-у, шон
хам,
 Бўлур мол-у, бисотинг хам, бўлур ҳар ишга имкон
хам.
 Вале ишқисиз ҳаёт ўлмас, мұхаббатсиз ва завқ
ўлмас,
 Вужудингда юрак эрмас, уни зиндонга үхшатдим.
 «Фалаклар ёнди охимдан, муродим шаъми ёнмасми?»
 Муродим шаъми гар сўнса, фалаклар шаъми
сўнмасми?
 Ироқлар ҳам яқин бўлгай мұхаббат бўлса Шукрулло,
 Ҳақиқий севгини дўст, деб тўкилган қонга
үхшатдим.

1988 йил 21 ноябрь

Таджикистон Республикасы
Министерство по делам культуры
и спорта
Департамент по делам культуры

Министерство по делам культуры
и спорта Таджикской ССР
Департамент по делам культуры
и спорта Таджикской ССР
Департамент по делам культуры

Министерство по делам культуры
и спорта Таджикской ССР
Департамент по делам культуры

СЕВГИ ВА РАШК

Сен хаммага кулиб бокасан,
Сен — риёкор, ишқ қўзратувчи
Сен, хаммага бирдек ёқасан,
Сен, чин ишқин ё булғатувчи?
Севолдингми бирон одамни?
Тошқин сувдек севгинг ўйноқи.
Биласанми вафоли дамни,
Севгинг борми, ҳеч кимга бокий!
Сен хаммага кулиб бокасан,
Наҳот севги қўзратмас рашкни.
Кулгинг билан оташ ёқасан,
Биласанми рашкни, оташни?
Биласанми, рашк нималигин?
Биласанми, табассум сирин?
Бир кўз қараш инсоннинг фикрин
Чалғитишга арзир кучи бор,
Наҳот шундан бўлсанг бехабар?

Мен ёнганман рашк оташида,
Мен эзилдим севги тошида.

Сен ёр бўлсанг менга жонингдан,
Сен ёр бўлсанг хонумонингдан,
Мени ёр деб боққанингсимон,
Оқ кўксимда оққанингсимон.

Ҳеч кимсага қилма табассум,
Ҳеч кимсага сен бўлма маъсум.
Табассуминг бўлмасин кўчма,
Сен қалбимга оташсан, ўчма.
Сен хаммага кулиб боксангу,
Рашк қилмаган бу қандай севги?

Ха, хаммага хурмат билан боқ,
Ха, хаммага бўлгин дўст, ўртоқ.

Табассуминг юзингда бўлсин,
Табассуминг кўзингда бўлсин,
Аммо қалбни ўзингда сакла,
Илк бўсанинг таъмини оқла!
Ишқ бўлмасин табассумингда,
Ишқ бўлмасин ёнган юзингда,
Бегонага чўғ бўлиб боқсанг,
Ха, менга-чи оташ бўлиб боқ
Ўзга қалбга ўт ёқа олсанг,
Ха, менга-чи, куёш бўлиб боқ!

Агар шундай кила олмасанг,
Ёнганимни била олмасанг,
Умрим бўйи дейман бекарор,
Умрим бўйи дейман риёкор.

Мен севмасам рашик қиласмишим,
Севган қалбни фош қиласмишим.

Азобланма, дўстим, ўртама,
Шубҳаларинг барчаси бекор.
Сени мафтун қилган гўзалнинг
Ўзи сенга мафтун, бекарор.

Асл севги тилда бўлмайди,
Қиз демайди «Севдим, ошиқман!»
Билмак бўлсанг ишқин, севгисин
Қалбин тингла, шошма, ошиқма..

Бокишидан англамоқ мумкин,
Ният, ишқин айтмасдан бир сўз.
Чунки баъзан қалбиинг сирини
Ошкор килас бир табассум, кўз.

ТЕЛБА ДЕМА

Бу телбанинг сўзлари дема!
Телбаликнинг маъноси нима?
Ё пойма-пой сўзлаганими?
Ё ўзича ўйлаганими?
Кулишими ёки беўрин,
Қилганими сени ҳакорат?
Бу ҳам унинг ички дунёси...
Ўз шодлиги, ўзин қаҳри бор
Телба дема!

МУБОРАК

Дунё яралибдики у қонунга бўйсунган
Бу фақат тонг ила тун, доим шунга бўйсунган.
Яҳшилик ва ёмонлик бу табиат қонуни
Аммо бу ҳам аслида инсонларга бўйсунган.

Етмиш йил умр кўриб, не қонунлар кўрмадим
Қонунларни кўрдим-у рўшнолик кун кўрмадим,
«Бахтлар», «Эрклар» қонуни деган номлар бердик-ку
Халқимизнинг нонини аммо бутун кўрмадим.

Бахтлар қонуни дедим, баҳтимни тополмадим.
Юртимда шоҳман дедим, таҳтимни тополмадим.
Алдандим-у инондим, инондим-у алдандим,
Етмиш йилда мустақил вактимни тополмадим.

Сталинни қонунин баҳтлар қонуни дедик,
Аммо минг-минг бегуноҳ Чўлпонлар бошин едик.
Мустақиллик бўлмаса на адолат, на эрклик,
Қонун бор-у аслида тутқун эдик, кул эдик.

Қонун-қонун бўлурми мустақиллик бўлмаса,
Адолат-у виждан-у оқиллилик бўлмаса.
Юртимиз тинч, эл омон, бунга минг-минг шукронга,
Етаридик бу баҳтга одиллилик бўлмаса.

Халқ шоири Шукрулло деган менинг номим бор,
Бу ишончни то абад оқлагувчи жоним бор.
Ёлғонлар жонга теккан, алдовнинг умри қиска,
Мен ҳам салкам ҳожиман, рост айтар имоним бор.

Бу қонун қонун эмас, бу — баҳтимиз, муборак
Шитоб гуллашга кирган дараҳтимиз, муборак.
Бу жаҳонларо бизнинг шухрат шонимиз,
Бу бизнинг ривожимиз, ўз таҳтимиз, муборак.

ҮЙЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

- Дунё келажакда қандай бўларкин?
- Дунё келажаги мангу озодлик.
- Битармикан уруш, қон тўкиш, қирғин?
- Йўқ, инсон истаги ҳаёт, ободлик.
- Эрклик абадийми, ёки зулмми?
- Булут тарқалади, қолади қуёш.
- Туғилмак мангуми, ёки ўлимми?
- Ҳаётда иккиси яралган тенгдош.
- Жаҳон бўлганида биз каби эркин,
Бутун битганида уруш ва қирғин,
Бахтли бўлганида бутунлай одам.
Бўлармикан шунда ҳеч кишида ғам?
- Туғилмак бор экан, шодлик бор доим,
Демак, туғилмак бор — шодлик ҳам мангу,
Ҳали қонун экан ҳаётда ўлим,
Қонундир инсон деб чекмоқлик қайру!

* * *

Чирт-чирт узилади боғларда япроқ,
Дарактлар юқ ташлаб, тортибди енгил.
Майсалар ичида сувлар құнғироқ,
Бир ором кайфиди яйрайди құнгил.

Теварак боғларда түқилур япроқ.
Мевали даражтлар тиклайды қаддин.
Даражтлар гердайса хаки бор, бироқ,
Йүловчи, сенинг-чи, бормикин ҳаддинг?

ИККИ ЁШЛИК

Баъзи бирлар кўриб, мени ёш дейди,
Ўғлим билан юрсам тенг-курдош дейди.
Тўғри, ўз ўрнида булар ҳам ҳақли,
Лекин ёшликнинг бор ёшлиқдан фарки.

Томга чиқиб варрак учиргим келар,
Болалигим кўзиб, келганда баҳор.
Балоратга етган ўғлимни кўриб,
Ўзимни босаман гоҳ беихтиёр.

Унга қарайману шунда ўзимни
Шўхлиқдан тияман, тутаман сипо.
Шоир қалби билан баъзан кўзимни
Кизларга буришдан қиласман ҳаё.

Лекин ўзим ҳам ёш, қалбим, завқим ёш,
Ҳали оқ нелигин билмас соқолим.
«Үғил-қиз қаритар ота-онани»
Деган халқимизнинг қадим мақолин
Мазмунини шунда ўйлаб қоламан.

Ўзимни кўрганлар мени ёш дейди,
Ўғлим билан юрсам, тенг-курдош дейди.
Лекин у кулгандек қулоламанми?
Кўшилишиб шўхлик қилоламанми?
Шўхлик, завқни босиб сипо тутаман,
Мен билан бўйлашиб турганида у.
Ёшлик жиловини бериб қўйибман,
Балки ўғил-қизнинг қаритгани шу?!

ЯХШИЛИК

Тор баррида шинам, кичкина ҳовли,
Эсласам зўр қувонч уйғонар ҳамон.
Мехри мени бир дам қўймайди ҳоли,
Сеҳр қилганмиди меҳмондўст чўпон?

На гўзал қизи бор қилгувчи асир,
Нечун бу даргоҳга шайдосан юрак!
На зардан накши бор, на олтин қаср,
Мафтун этди десам ундаги безак.

Қўрганман хонларнинг олтин нақш қасрин,
Жавохир жомларда майлар кирмизи.
Аммо ундан минг бор туюлди ширин,
Заранг косадаги чўпон кимизи.

Бу оддий кимизда қайдан мунча таъм?
Ё кўшиб берганми бир меҳригиё?
Шу кичик ҳовлини не қилмиш қўркам,
Бу дўлвор чўпонга меҳрим бир дунё!

Гўзалик олтину безаклардами?
Олтиндан бўлса ҳам шамширдир
шамшир!
Гўзал кўринарми қасри олийлар,
Олтин шамширлардан қон томса ахир!

Тоққа йўл қўрсатган азиз чўпоннинг
Райхонли ҳовлиси саройдан қўркам.
Инсоннинг марҳамат, яхшилигисиз,
На ҳаётда чирой, на неъматда таъм!

НУРГА ЙҮФРИЛГАНЛАР

Пахтакор, шаънингга бир пайт айтиб,
Кўнглингни овлашни ўйлаганим дам,
Сўзларим бўғзимда қолади қотиб,
Гўёки тебранмай қолади калам.

Ахир пахта экиш: гуллаган чаман —
Боғ-роғлар ичидা бўлган сайд эмас.
Бобом дехқон ўтгац, дехқон ўғлиман,
Дехқончилик касби менга сир эмас.

Бахор... Ёмғир ёриб, майсалар униб,
Кўнгил дала сайрин қўмсагани он,
Сайду сафоларни бутун унутиб,
Қатқалок ташвишин ўйлайди дехқон.

На баҳор чечаги кўзин эркалар,
Кўнгилга на лола сайри сиради.
Унга қуёш керак, қўқдан нур тилар,
Унинг хаёлида гўзалар дарди.

Гўё ҳар бир гўза — ўз гўдаклари —
Қолаётган каби дўлу жалада.
Уни асррагандек қуёш нурлари
Кўзи офтобда-ю, фикри далада.
Ҳамма ҳам, ҳа дардин билавермайди,
Булут чиқса ундан кетади хузур.
Куёшсиз бу пахта ахир унмайди,
Унга қуёш зарур, ҳарорат зарур.

Фир этиб, ғанимат баҳор ҳам ўтар,
Чиқар у истаган ёз қуёши ҳам.
Тафтидан ўт-ўлан қовжираб кетар,
Ловиллаб тафтидан ёнади одам.

Курт-кумурска қочар ернинг қаърига,
Күшлар чинорларга биқинар шу он,
Кимлар бу иссиқдан денгиз бағрига,
Кимдир жўнар салқин төғларга томон.

Дов-даракт устида тандир тафтидай
Кўтарилиб чиқар иссиқ бир ховур.
Оёғи куйгандек кўқда бўзтўргай
Кўналра тополмай айланар гир-гир.

Куёш иссиғидан бехузур бўлиб,
Дехқонни сояга бир дам имласам,
Кол-кора, уннишиб, шунда ҳам кулиб,
«Куёш ҳам ғанимат» — деярди шу дам.

Дўзах оташининг дамида ёниб,
У-чи, бўлар эди жаннат яратмок,
Куёш бокар ҳатто ҳайратда қолиб,
Оташда пахталар очилса оппок.

Оловдан чўчиса эди Прометей,
Хом эт еб ўтарди дунёда инсон
Куёш яллиғидан қочганингда хей,
Дўстим, бўлолмасдинг пахтакор дехқон!

Дехқон, таърифингни сўйламай қанча,
Кимлигинг қанчалар айламай баён,
Кузакда етилган хар кўсак — рунча —
Сенинг меҳнатингга ажойиб мезон.

О, дўстим, пахта бу — мўъжиза, бир сир,
Пахта бу табиат яратган жумбок.
Кўзингни юмдингми, фўзалар ахир
Тонгдан мени тер деб, очилар оппок.

Бир кунмас, ҳафтамас, бутун йил бўйи,
Фўзалар бир нафас кўзин юммайди.
Шунда бўлар бутун дехқоннинг уйи,
Уни бир нафас ҳам холи қўймайди.

Кузнинг ноз-неъмати пишиб, етилиб,
Тўкин дастурхонга ёзилганда ҳам,
Кўкка булат чикса, чордона куриб,
Чой ҳам ичолмайди ҳатто хотиржам.

Биламан, сен қуёш — зиё ошиғи,
Ўзинг ҳам, пахтанг ҳам йўғрилган нурга.
Азиз пахтакорим, меҳнат довруви
Қуёш ҳамроҳ бўлсин бутун умрингга.

САДОҚАТ

Мана неча йилки, сен ёлғиз, бева,
Мана, неча йилки, бошингда фирок.
Мұхаббатинг сири қани, айт, нима?
Бардошингни сириң, билмайман бирок?

Асло ҳайрон бўлма, садоқатимга,
Бардошимга таҳсин ўқимагин ҳам.
Сехри борми, деб ҳам бокма севгимга,
Агар фироқига чидаган бўлсан.

Гариф оқшомлари ўртайди хижрон,
Хўрликларим келиб, ҳатто йиғлайман.
Шайтоний хаёллар чулғади бир он,
Аламдан қалбимни гоҳо тивлайман.

Ёрим гўзалликда тенгсиз эмасди,
Кўп ҳам эмас эди қолдирган моли.
У ҳам кўп қатори бир одам эди,
У ҳам нуқсонлардан эмасди ҳоли.

Садоқатим сирин не деб айтайн?
Мен шоир эмасман оддий бир хотин.
Хижрон ўртаганда нуқсонларинмас,
Унутмай сакладим яхши хислатин.

СЕВГАНИНГДАММИ, ТҮЙГАНИНГДАММИ...

Гоҳ бир йиғин... қайтаман тунда,
Зүгүм билан чимирилар қошинг.
Чикарасан бир жанжал шунда,
«Токай совуқ ейилар ошинг».

Билолмайман: балки бу жанжал
Севиб, менга күйганиданми?
Ё севгидаң түйганиданми?
Үша онда қилолмайман ҳал.

Гоҳ иш билан сафарга чиксам,
Очиқ чехра-ла кузатиш ҳам йўқ,
Сафар юкин тузатиш ҳам йўқ,
Баъзан ўйлаб севинаман ҳам:

Фироқимда ўртанаар дилдан,
Ҳа, бағридан қўйгуси келмас,
Шундай бўлса, нега бир нафас
Дардин очиқ айтмайди тилда?

Гоҳо яна ўйлар қиласар гарк,
Балки менинг бори, йўқлигим
Кеч қайтишим, очу тўқлигим,
Унинг учун бутунлай бефарк?

Йўқ, бу бари муҳаббат рашки,
Севганимдан десанг азизам:
Соч-соқолим оқарганда ҳам
Шундай рашкинг қолсайди кошки!

АЛЬБОМГА

Ииллар ўтар, ўтар умрлар,
Ер бағриға тортар бирма-бир,
Лабда қолиб шириң бўсалар,
О, ажралмок накадар оғир.

Ииллар ўтар, мен ҳам ўларман,
Шу парчани қолдирдим аммо.
Хотирангда тирилолмасман,
Туюларман балки муаммо.

Кўмсаганда бўса лаззатин,
Гар кўлингга тушса шу варак.
Кўзёшингга суртсанг, бир марта,
Тириларман қабримда шу чоқ.

ҚАНДАЙ БҮЛАРКИН?..

Сени севган эдим иш кийимингда,
Содда, гўзал эдинг, жуда камтарин,
Уялиб, тортиниб бокишинг шунда
Чертиб кетган эди юрагим торин.

Ўз хуснингга ўзинг бино кўймасдинг,
Гўзал санамасдинг балки ўзингни.
Мен-чи, сенга боқиб асло тўймасдим,
Узгум келмас эди сендан кўзимни.

Сени эркалардим шу меҳр билан,
Севгимни яширмай гўзалим дердим.
Чиндан гўзалмидинг, ё менга шундай.
Боримни яширмай, қалбимни бердим.

Аммо, сен-чи, кунлар ўтиши билан,
Ўзинг мафтун бўлдинг ўз чиройингга.
Мухаббатим учун хурмат топмадим,
Умид билан қўйдим мен ўз ройингга.

Бутун гуноҳ менда, менинг ўзимда,
Мактovларим бўлди бошимга бало.
Мухаббатни сендеқ англаганларнинг
Келажаги қандай бўларкин аммо?

АЛЬБОМГА

Йиллар ўтар, ўтар умрлар,
Ер бағрига тортар бирма-бир,
Лабда қолиб шириң бўсалар,
О, ажралмоқ нақадар оғир.

Йиллар ўтар, мен хам ўларман,
Шу парчани колдирдим аммо.
Хотирангда тирилолмасман,
Туюларман балки муаммо.

Қўмсаганда бўса лаззатин,
Гар қўлингга тушса шу варак,
Қўзёшингга суртсанг, бир марта,
Тириларман қабримда шу чоқ.

ҚАНДАЙ БҮЛАРКИН?..

Сени севган эдим иш кийимингда,
Содда, гўзал эдинг, жуда камтарин,
Уялиб, тортиниб боқишинг шунда
Чертиб кетган эди юрагим торин.

Ўз хуснингга ўзинг бино кўймасдинг,
Гўзал санамасдинг балки ўзингни.
Мен-чи, сенга бокиб асло тўймасдим,
Узгум келмас эди сендан кўзимни.

Сени эркалардим шу меҳр билан,
Севгимни яширмай гўзалим дердим.
Чиндан гўзалмидинг, ё менга шундай.
Боримни яширмай, қалбимни бердим.

Аммо, сен-чи, кунлар ўтиши билан,
Ўзинг мафтун бўлдинг ўз чиройингга.
Мухаббатим учун журмат топмадим,
Умид билан кўйдим мен ўз ройингга.

Бутун гуноҳ менда, менинг ўзимда,
Мактovларим бўлди бошимга бало.
Мухаббатни сендеқ англаганларнинг
Келажаги қандай бўларкин аммо?

ТҮКМА КҮЗ ЁШИНГНИ

Түкма күз ёшингни, йиелама гүзәл!
Мажнунтол сингари ёйма сочингни.
Менинг гунохимни кечиргил бир гал,
Бир дам қояга бок, күтар бошингни.

Томчи томиб турар қоядан чак-чак,
Бир томчи тошларга солибди ажин.
Ахир тош эмас-ку, мендаги юрак...
Күз ёшингни түкма, менга ҳам ачин.

Кун қизарыб ботди. Қор босған томлар,
Тутлар шохидаги қорларда шафак.
Терак тепасида етти күнлик ой,
Анхор бўйидаги толларда шафак.

Анхорнинг киргоги тизза бўйи қор,
Атроф кийган гўё оқ шохи яктак.
Далани айланган кўк — тиниқ анхор
Гўё осмони ранг янги белбоғдек.

Шафак қизиллиги ўчди атрофда,
Аёзда ярқирап ойнинг ўрови.
Қуёшдан ёнарди, аммо, шу топда
Сувга чиқсан қизнинг икки ёнори.

Сув баҳона бўлди, йигит билан қиз
Сухбат қилишдилар, отишдилар қор.
Гул отгандек бўлди иккиси шу кез...
Севги фасли баҳор демаклик бекор.

СИБИРЬ ТОНГИ

Мунчалар оромбахш Сибирниң тонги!
Гүзәлликка тұла, оханғга тұла.
Шунда табиатнинг аввойи ранги
Қамраб ололмайсан барин бир йүла.
Тонгда ўрмон ичра шамол сайд әтар,
Тиник ирмоқ куйлаб кезар ичида,
Күшлар патирлашиб түзишиб кетар,
Осмон тұла оханг, шохлар учиды.
Сибирь ўрмоныда тұнаб колғандек,
Арчазорлараро уйғонар күёш,
Тирмаша-тирмаша азим қайнинга,
Күкка чикиб олиб, күрсатаркан бош,
Ланғиллаб оқади яхлит, тинч дарә,
Нурга түлиб кетар чексиз бурдойзор,
Бутун жаҳон ичра топилмас асло,
Бунчалар гүзәл тонг! Бепоён диёр!
Мунча гүзәл! Куёш ярқираб чикиб,
Арчалар бетига юрганда қон.
Чексиз шу кенглиқда күш куйи янграб,
Ёришганды ўрмон устида осмон!
Ажыб күркіна эга дарә ҳам мунда,
Тагида күрінар ташланган тұр ҳам.
Балиқчилар билан тұлқин барида —
Дейсан — бир умрга сұзсам, чикмасам,
Нам барра, сайдонда қалқыркан туман,
Жавлон урсам дейсан бошидан-оёк.
Ўрмон, ўтлоқларнинг исин көлтирган
Намхуш дарә ели нақадар юмшок!

БАХОР ТОМЧИСИ

Тонгда келди бир майин шамол,
Томиб ўтди баҳор томчиси.
Гунафшалар, барг ёзган ниҳол
Ёшлигимнинг ажиб элчиси.

Томчи томар гуллар баргига,
Майсаларда дурдек ялтирап.
Томган томчи чартар қалбимни,
Ишк фаслини ёдга келтирап.

Хаёлимда томчи сел бўлар,
Ёмғир куяр гўё чеълаклаб.
Куёш қаби ишқ тўла йиллар,
Хаёлимда кечар чараклаб.

Томчи, томчи... баҳорги томчи,
Ҳар биттаси битта хотира,
Хотирамдан мени, алдоқчи
Куттирган ёр кетмайди сира.

Ширин ўйни олиб қочдинг-ку,
Юзга томган баҳор томчиси!
Faфлатни кув кўзимдан мангур,
Ёшлигимнинг ажиб элчиси.

ТИЛЛА УЗУК

Кўлимдаги тилла узукка караб
Никоҳ кунларини эслайман бир он.
Хотиним сочини турганда тараб
Умр ўтганига қоламан ҳайрон.
Қадим ранг оларди юзидан анор,
Ажинлар қоплабди энди ёногин.
Назаримда неча ўғил-қизи бор,
Ёзib қўйган каби худди саногин.

Кора дўплимдаги оплоқ қатимдек
Сочларига қатто оралабди ок.
Аммо не сир борки, худди қадимдек
Севгимиз қолибди сакланиб шундок.

Одам қариганда хусну чиройга,
Агар унча фаҳми етмайди десанг,
Тўғрисини айтсам, кириб гулзорга
Гулу гунчалардан излайман-ку ранг.

Сочларида ок-у кўрсам ҳам ажин,
Севгим қадимгидек сакланар ҳамон.
Чунки ёшлигини, унинг чиройин
Ҳар бир фарзандида кўраман аён.

Кўлимдаги эски узукка караб,
Хотинимга караб ўйлайман бир дам:
Олтин эскирди деб бўлурми ташлаб,
Хотин хотин эрур қариганда ҳам.

* * *

Онам мени гоҳо койирди,
Эркаларди яна кун ўтмай.
Ўлим мени ундан айирди,
Орзулари сўнгига етмай.

Овлолмасдим баъзан кўнглинини,
Ёшлик қилиб берардим озор.
Азонгача пойлаб йўлимни,
Ташвишмда чекар эди зор.

У шунда ҳам қарғамас эди.
Хаддан зиёд бўлса бетоқат:
«Кўрсатмасин асло додингни,
Ортимда қол», деярди факат.

Бу ўзини ўзи қарғаши
Эканлигин сезмасдим ҳатто.
Кўкрагимга босиб бошини,
Ҳазиллашиб, қилмасдим парво.

Онам мени шундай койирди,
Эркаларди яна дам ўтмас.
Энди ўлим ундан айирди,
Нолишларин фаҳмита етмай.

Онажонлар чекканда ҳам ғам
Фарзандини қарғамас ҳеч вақт.
Аммо ўзи ўтга тушса ҳам
Ортимда қол деяди факат.

ҚАЙРАФОЧ

Бир тутам соқолдек елда силкинган,
Кучокка сирмаган, қомати мағур,
Гужум қайраочнинг кузги баргидан
Ерда юлук-юлук ўрмалайди нур.

Бобомни ҳам кўрган, ёшлигимни ҳам,
Қанча йиллар ўтган ўша туриши.
Қанча умр кўрган ҳеч ким сўзламас.
Ҳеч кимнинг бўлмайди у билан иши.

Саратон кунлари кенг кўлкасида
Одамлар хол йигар бир дам ясланиб.
Шунда ахён-ахён, эккан одамнинг
Муборак номи ҳам ўтар эсланиб.

УНИ КҮРГАНМИСАН?

Уни китобларда ўқигандирсан,
Ёки кўрганмисан анор юзлини?
Оху кўз дегани эшиттандирсан,
Аммо кўрганмисан оху кўзлини?

Агар кўрган бўлсанг, кани менга айт,
Гўзаллигин сири нимада экан?
«Йўк, йўк, таърифлашга ожиздир минг байт!
Бахор чиройи не, ундан хам кўркам!»

Мен уни кўрганман гунафша фасли,
Юзларида ёнган чогида шафак.
Шахло кўзларини кўрганман аслин
Булоқ томчисидек тип-тиниқ, ўйноқ.

Боқсанг кўзларини олиб қочади,
Яширмоқчи бўлар табассумини,
Шу гўзал далада кетмон чопади
Ўша ерга боргил, изласанг уни.

Пахтазорларга чик, мевазорга кир,
Бир чеккадан шошмай, чўчитмасдан боқ.
Тогни талқон қилган, гўзал бўлса хам
Бир нафис феъли бор — бир оз тортичок.

Боқсанг, анор каби қизарар юзи,
Кўзин олиб қочиб ерга боқар у.
Гўзаллигин бутун унитар ўзин,
Асил гўзалликнинг сири мана шу!

БАХТ ВА СЕВИНЧ ҲАҚИДА

Баъзилар баҳт не деб мендан сўрайди,
Баҳт деган — осон гап — орзуга етиш!
Етиш йўлин айт деб яна қўймайди,
Бунинг учун керак машаққат чекиш.

Баъзилар сўрайди севинч нима деб,
Фам, ташвиш тушмасин бошингга асло.
Ташвишдан кутилиш йўлин сўрарсиз,
Бекор юришлиқдан асрасин Худо!

ИНҚИРОЗМИ, ЭЪТИРОЗ...

(Ижод ҳақида)

Тўғри, бир оз вакт шеър ёзмадим,
Баъзилар дедилар буни инқироз,
Гоҳида тўлкинлар бўлар экан жим,
Денгиз қуриди деб қилманг эътироуз.

Баъзан шеър билан ёна олмадим,
Бирдам сўндим, аммо, ўчмадим бутун,
Нега алангага айланолмадим?
Нега бўлиб қолдим бурксиган тутун?

Гоҳ гурлаб кетганда шеър бўрони
Кўкка чирмашмасдан аммо алангам,
Базму роҳатларнинг шовқин-сурони
Шеъримга буркалиб сўндириди бирдам.

Баъзан шону шухрат, мақтов лаззати
Хаёлимни куршаб қиласар экан қул,
Алангамас, сўнгги шеърий кўргача
Назаримда, бўлди босган каби қул.

Баъзан нимадандир қилганим таъма,
Фикримга ненидир солган щарпаси,
Ёки мафтун қилган амал, мартаба,
Майда орзулару... булар ҳаммаси
Хазон каби ёниб бўлмас экан қул,
Ҳақиқий шеърнинг ёниши мушкул!

БОБОМНИНГ ФАЛСАФАСИ

Бобомда ажойиб одат бор эди:
Кичик чумолига бермасди озор,
Лекин одамларга феъли тор эди,
Баъзан йиглатарди бизларни зор-зор.

Агар бизда бирон ёмонлик кўрса,
Шундай ёнардики, хатто уради.
Аммо асалари кўлига қўнса,
Чертишга ботинмай, қараб турарди.

Заҳарли арига марҳамат килиб,
Одамга қаҳридан бўлардим хайрон.
Буни сезган бобом мийигида кулиб,
Шошмай фалсафасин қиласарди баён:

Бу баҳор ошиғи, гуллар шайдоси,
Унинг ниятидир етказмоқлик бол.
У жонивор кимгадир санчса найзасин
Ўзининг умри ҳам топади завол.

У кимни чакмасин, қолади ниши,
Биттани чақищдан ўтмас нарига.
Бирорга ёмонлик етказган киши,
Кошки ўхшасайди асаларига!..

* * *

Қүёш ёр васлига ошиқиб, шошиб,
Йўл юрган йигитдек бўртиб турибди,
Терак сочин ўрмай чиккан киз каби
Нозланиб, тонг чоғи елпиб турибди.

Теракка илинган варрак дариллар,
Кушларга жўр бўлиб чиқарап овоз.
Бир вакт учиргандим... Наҳотки йиллар,
Ёшлигим шунча тез айлади парвоз!..

Бир вактлар... Наҳотки шунча йил ўтди!
Илк шеърим, ишқ фаслин эсладим шу чок.
Наҳотки, ёшлигим қўлимдан кетди
Узилган варракдек, сирғилиб йирок!..

Тегирмон парраги остига кириб,
Қайси баҳор эди, балиқ тутганим?
Арава изида толдан от миниб
Кеча эмасмиди чопиб ўтганим?..

О, нақадар учқур замон суръати!
Тегирмон ўрнида ГЭСлар гувиллар.
Терак бўйи уйлар... Демак хаётни
Қаритмабди, балки, яшартган йиллар.

Мени-чи, мени ҳам яшартдими у?
Мени қамраб олган баҳордек сулув
Ўйларим бўлинди. Бирдан ариқдан
Тошқин сув келгандек бўлди гуриллаб.

Сув эмас, гуллаган шафтоли ёқдан
Ўғлимнинг овози келди дўриллаб.
Ўғлимга тикилдим, яшартди мени,
Ёшлигимни шунда учратдим тугал.

Гуллаган шафтоли майин тукини
Үғлимнинг лабига берибди бу гал.
Демак каримабман! Бўз йигитлигим
Ўз уйим, ёнимда доим барқарор.
Ёшлик ҳисси билан тепади қалбим,
Яшасин авлодлар, баҳш этиб баҳор.

Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни

Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни

Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни

Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни

Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни

Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни

Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни
Ишларни сиздан олди, яхшиларни

ТОШ ҲАЙКАЛ

Ёмғир қүйди,
Эгdi бошини
Үриклару шиғил күксултон.
Дарёларни шимган булутни
Тепамиздан сикарди осмон.
Күпикланиб ариқлар оқди,
Халқоб бүлди қишлоқ йүллари,
Хатто уйлар күздан улокди,
Түсib олди жала түрлари,
Жала қуяр, излаб бошпана
Якка сада томон олдим йүл.
Мен югуриб етган замона
Сочлар ёйик, оқ күйлаклар хүл,
Кизни күрдим.
Қолдим хайратда.
Киз-чи, бокмас, бир хижолатда.
Бор танига ёпишган күйлак.
Бутун қомат күринмиш яққол,
Киз жим...
Гүё сада тагида
Оқ мармардан қўйилган ҳайкал.
Кўзларимга ишонмай қолдим.
Ишонмайин қолдим қизга ҳам.
Гүё денгиз сув парисини
Итқинганди қирғоққа шу дам.
Мафтун эдим, хатто ўзимни,
Ёмғирни ҳам унутиб шу он.
Тайёр эдим бутун қалбимни
Килмоқ учун унга соябон.
Мен бу дардга топгунча чора,
Киз айлади қалбимни пора.
Киз булутдек хўмрайиб бокди,

Йүлга тушди гүё чақмок, ўк.
Жала тинди, күёш хам балқди,
Мен-чи, қола бердим күп-курук.

Қиз йўқолди олиб қалбимни,
Тош хайкалдек мени колдирди.

КУТИШ

Булут босиб келар мовий самони,
Дараҳтлар баргини чертади ёмғир.
Сочларни түзғитар баҳор шамоли,
Томчилар шарросга айланар охир.

Сүнгги ион ушоғин олганча шошиб
Чумчуклар чинорга ёпирилди ҳатто.
Худди қолган каби йўлдан адашиб,
Аммо йигит турар бир ўзи танҳо.

Кора соchlаридан томчилар томар,
Чучмўма, бинафша қўлида даста.
Ҳатто у сезмасди чиққанин камар,
Сезмасди ёмғирнинг тинганин аста.

Бош эгган мажнунтол новдаларидан
Охирги томчилар томаркан чак-чак,
Унинг хаёлида тўйлар олдидан
Бош ювгандек бўлар гўзал келинчак.

Унинг оромига йўқ эди қиёс,
Унинг хаёлида тўйлар кезарди.
Томда тарақлаган баҳорги шаррос
Унга ногорадек эшитиларди.

Унга кўзи тушган баъзилар кулар,
Қаерда дегандек бунинг эс-хуши?..
Бу йигит завқини қаёқдан билар
Севгидан умиди бўлмаган киши?..

ФУБОРЛАРНИ ЮВМОҚДА БАҲОР

Лим-лим тўлиб оқар бўтана анҳор.
Кимга теккан унинг ювуксиз қўли?
Қайси кўнгулларнинг лойқаси оқар,
Қайгача узайиб боради йўли?

Илон изи бўлиб, буралиб оқар.
Қай эгри кўнгилдан олган андоза!
Қайдан оқиб келар бунча қуйқалар,
Қачон лойқа тиниб, бўлади тоза!

Қирғокларга уриб, бўтана бўлиб,
Хасларни ирғитиб оқмоқда анҳор.
Майли, оқаберсин, хайқирсин, тўлиб,
Фуборларни қувиб кирмоқда баҳор.

ХОТИНЛАР МАДҔИ

Нелар кечмас йигит бошидан,
Нималарга бўлмас у дучор!
Шундай чоқда минг-минг шукрки,
Бахтимизга сиз хотинлар бор!

Юрагимни ўртаб бир ғашлик,
Гоҳ нохушлик қийнаганда ҳам,
Не сехрингиз борки, хотинлар,
Дардим арир сизга бокқан дам!

Не сехрингиз борки, билмайман,
Яширинган не меҳригиё?
Куч берасиз сўнник лабларга
Булоқ суви теккандек гўё.

Не мўъжиза борки сизларда,
Ногоҳ сизга қўзим тушган он
Бирор қудрат қайтаролмаган
Ёшлик завқин қиласиз инъом.

Этолмайман сизсиз тасаввур
Шодликни ҳам, ҳатто дунёни!
Сизга бокқан чоқда англайман
Яшамоқнинг теран маъносин!

Бу шеърни ёзишимга ҳам
Бир жилвангиз бўлди сабабкор.
Ҳа, сизларсиз на орзу-ҳавас,
На илҳом бор, яхшики сиз бор.

* * *

Шамол учиргандек күкда сузар ой,
Нихоллар баргыда товланар нури.
Илк баҳор кечаси хатто ёқимтой
Узоқлардан келган бақа «кур-кури».

Бу курмагур келар ҳар йил белардоз,
Шошиб унутади пардоз кутисин.
Гүё деган каби санъаткорга соз,
Унинг ширин куйи баҳш этар хусн.

Илк баҳор тунига бу куй ҳам чирой,
Теракнинг учига қўниб тинглар ой.

Сабаки маданий тарзларни оид
Барзакарликни таъсирлашадиган

Маданий тарзларни оид
Барзакарликни таъсирлашадиган
Чонкини таъсирлашадиган
Оид маданий тарзларни оид

Маданий тарзларни оид
Барзакарликни таъсирлашадиган
Чонкини таъсирлашадиган
Оид маданий тарзларни оид

Маданий тарзларни оид
Барзакарликни таъсирлашадиган
Чонкини таъсирлашадиган
Оид маданий тарзларни оид

ВАТАН

Қиз олдига бормокчи бўлди,
Қалбин тўкиб солмокчи бўлди.

XXVI

Қиз олдига у борганида,
Чехрасида йўқ эди ханда.

Юзларидан кетганди қизил,
Сўлган каби бемахал бир гул.
Кеча гулгун яшнаган бу қиз,
Энди тунда ёнгандек юлдуз,
Қора либос ичра тўлғониб,
Айрилиқнинг ўтида ёниб,
Каршисида турарди жим-жит.
Кўзларидан ёш окиб милт-милт.

XXVII

Айланганди терсига фалак,
Қиз отаси урушда ҳалок
Бўлди, деган келди қорахат,
Қора либос кийди мухаббат!
Шу дам дардин килмоқка ошкор
Колмаганди йигитда мадор.
Аммоқи, қиз шубха туманин,
Азобларда ўтган кунларин,
Эсладими? Ёки тараашлаб
Олдирилган сочига қараб,
Бу йигитни ўз жангчиси деб,
Отасининг қасосчиси деб,
Билгандами, дадил туриб қиз,
Сўзлай олди фақат бир оғиз:
— Эгнимдаги бу қора либос,,
Сен қайтгунча тушмас устимдан!..
Фақат шундай деди-ю, бехос
Кучоқлади йигитни бирдан.
Бу қасамёд, чин меҳр эди,
Севгисига бир муҳр эди.
Мана жангга йигит ҳам кетди.
Бу орада ой, йиллар ўтди.

XXVIII

Дақиқалар имиллаб ўтар,
Синағандек қиз токатини.
Хар тонг унинг йўлларин кутар:
Кўзларига суртиб хатини.

Айрилиқнинг дарди-алами
Етмагандек қиз бечорага,
Кутмаганда акасин ғами
Түшиб қолди бирдан орага.
Жангдан келди қизнинг акаси,
Бир оёқдан кайтди айрилиб.
Ёстиқдоши, севган эркаси,
Қарамади унга қайрилиб.
Келганига қилмади шукур.
Үзга ёрни қилди ихтиёр.
Жанг бехатар бўлурми ахир,
Наҳот жангчи бўлса гунохкор!
Бу аламга энди не чора?
Нима қилсин йигит бечора!
Киз акасин ёнига кириб
Аламига берарди таскин.
Хайхот! Хайхот! Кўздан айрилиб
Ўз ёрининг қайтишин лекин
Билармиди? Кўрган чоғида
Бу қилмасми севгига риё!
Эркалатиб ўз қучогида
Кўзларига бўлурми зиё!

Бахтсиз ҳолин билмаган инсон
Бўлолурми баҳтли ҳеч қачон!

XXIX

Бир кўз қараш баъзан юракка
Севги бўлиб кириши мумкин.
Бир совук сўз дилларни тилка
Кила олур баъзида бутун.
Севган бўлса ширин сўзини
Ёки ўйнок қора кўзини,
Буни кўэсиз кўрганда бирдан,
Киз олурми ўз севгисин тан?
Йигит шуни ўйлагани вақт,
Босар эди қалбин хижолат.

Аммо қиз-чи, уни кўрган кун,

Эгнидаги қора либосин
Севинч билан устидан ташлаб
Келинликнинг кийди сарпосин.
Шунда киэзнинг айтган сўзлари
Кулогимдан кетмайди нари:
«Сен йўғингда менинг кўзларим
Шу чокқача очиқ бўлса ҳам
Аммо, дилим, менинг ўйларим,
Қоп-қоронғу эди бу олам.
Юрагимни қоплаб ётган тун
Мана бугун чекинди нари.
Юрагимни ёритди бутун
Мухаббатинг, севгинг гавҳари.
Юракларда ёнмас экан нур
Кўзлар тоимас хаётдан хузур.

XXX

Кўп йил ўтди ўшандан буён,
Бу эртакдек орқада қолди.
Бу орада ўзгарди замон,
Вайроналар изи йўқолди.
Қахрамоним улғайган қишлоқ
Қиёфасин ўзгарди бутун.
Аммо, бу-чи, кўролмас мутлок
Яшнаб ётган атрофин гулгун.
Сезмаса ҳам қорани, оқни,
Яхшилигу, ҳақу ноҳақни,
Бир одамдек билар эди у,
Юрагидан сезар эди у.
Назаримда ёвнинг тиғлари
Кўзларини олганда ўйиб,
Икки кўзин қорачиғларин
Юрагида солганда кўмиб,
Бу дунёнинг шодлигу алам,
Ташвишидан эмасди маҳрум.
Шодлик-дарди унинг бир олам
Тушкунликка бўлмаган маҳкум.
Айниқса у баҳор келганда,
Фарзандлари яйраб кулганда,
Кўшилишиб бир дам кулару,

Яна, коплар юзини қайғы!
У шуларнинг кулгусини деб,
Ўз Ватани, келгусини деб,
Кўзларидан айрилганини,
Ўйлармикан кўзи очиқлар!
Баъзан ногоҳ қоқилганини
Кўрганида кулмасми улар!
Бу қоқилар-туртинар гоҳо,
Икки кўзи очиқлар аммо,
Кўрлик қилиб ёруғ жаҳонни,
Бу авлодлар мангуб кўришдан
Махрум этмай, қонли урушдан
Сақлар, олиб қолсайди қани?
Бу сўзларни қиласди тақрор,
Айникса у келганда баҳор.
Баъзан илиқ куёшнинг нури
Силағанда унинг юзларин,
Чимирилиб қошу кўзлари,
Ушлаб олмок бўларди уни.
Мен у билан кўришмай қачон,
Сезар эдим нурга ташналиқ,
Бўлса ҳамки кўзи ногирон,
Қолган эди нурга ошналиқ.

1964—1977 йиллар

ТУРКИЯНДЫК АСРЫНДАКИ СОЛОНДЫК
ОГУЗ КИЛДЕРДІҢ ҮШМЕССІНІҢ НЕЖЕЛДІКІ
САРЫЛЫМДАРЫНДАКИ АСР БАХСЫ

АСР БАХСИ 1983 жыл
(Икки достон)

— Түрдің
— Ызил, үлім! — хүнүк зарурат,
Түр, эй шоир, раҳмингни үйегот!

Усмон Носир

Л. ХАТАР 1983 жыл

I

— Ҳақини гапирдинг, ха, тұғри. **Аммо**,
Билмаймиз бу дунё қайга кетяпти.
Охири не бўлар, бу ҳам муаммо,
Falvali дунёда умр ўтятти!..

— Нималар деяпсан? Қанака ғалва?
Овозингни қўйиб, барадла гапир!
Ўзинг биласан-ку, унча-мунча гап
Кулокка кирмайди, шундай бу аср.

Бир вакт одамларга битта ишора,
Бир оғиз гап ҳатто қилас эди кор.
Энди бошқа одам, бошқа замона,
Бу дунё ўзгарган зинхор-базинхор!

Ҳа-ха, вактлар бўлган, пичирлаш эмас,
Ҳатто зикр этмаган гапларингни ҳам
Айтган деб гувохлик берганлар бўлган...
Нени кечирмаган бошдан бу олам.

Бир вактлар инсонлар нон ушогини
Ердан кўтарганлар мұқаддас билиб,
Ҳеч ким ўргатганмас нонни тежанг деб
Тарғиб ҳам қилмаган шиорлар илиб.

Қадим тийин топсак кувонар эдик,
Ногоҳ ҳазинаға келгандек дучор.

Энди-чи? Миллионлаб, миллион ўририб
На нафсни тиямиз, на қиласиз ор!

Бир вактлар кетмонда ер чопар эдик,
Үндан бир одамда бўлар эди от.
Байрамларда бойлар киярди этик,
Гилам саналарди одамга бисот...

Хозирги кишига булар кулгили,
Хозирги замонда булар майдагап!
Биз яшаган аср шундай асрки,
Хаёт юксалмоқда фазога қараб!

II

Бу шундай асрки, албатта талаб, диду фаросат ҳам ўзгарган сўзсиз! Аммо шу тафаккур, ақлга қараб Инсоф, эътиқод-чи?
Кани, айт?
— Эсиз!...
— Ўзингча нелар деб шивирляйпсан??
Нима эсиз? Кани барадла гапир!
Ўзинг биласан-ку унча-мунча гап
Кулокқа кирмайди, бу шундай аср!

Ха, шундай асрки, бу еру осмон
Шовқин-суронлардан тинмай ларзада.
Ахир зилзиладек тебранар ларзон
Шўрли бу сайёра ҳар бир лахзада!

Бу не гуррос, ларза демокчимисан?
Наҳотки бу товуш сенга бўлса ёт?
Наҳот Невададан учган ракетдан
Безганин билмасанг бугун коинот?

Наҳот эшиитмасанг, наҳот сезмасанг?
Дунёни ларзага соглан-ку шулар!
Бу не ихтиро деб балки сўрарсан
Қайга учади деб йил бўйи улар?!

НТР!.. Ҳа, булар НТР, дўстим!
Илмий-техникавий Инқилоб демак...
Нега бирданига бўлиб қолдинг жим?
Сўзла, сахф бўлса фикримда андак?

III

Инсонга саодат келтирас факат
Аниқ, истиқболни кўрган инқилоб.
Аммо НТР-чи? НТР... ҳайҳот,
Қайга бошламоқда инсонни шитоб?

— Қайга бошлаганин билмоқчи бўлсанг,
Бирдан кўзингни юм, ёшлигингга қайт.
Кўз олдингга келсин иссиқ кулчани
Арикда оқизоқ қилганимиз пайт.

Ёшлигимиз кечган сен билан бирга,
Боғларда мевалар бўларди минг тур.
Кушлар-чи? Сигмасди кўк билан ерга
Тонгдан сайрашларин ёдингга келтир!

Ахир ёдингдами, бутун йил бўйи
Тўлиб оқар эди арикларда сув.
Оқиб келар эди тутлар, олмалар,
Балиқлар тутгардик кўтариб кий-чув.

Дарёлар қирғоги ўзга бир маскан,
Атрофи тўқайзор боғ-роғ бўларди.
Энди-чи? ўрнида ўзга бир макон,
Комбинат, заводлар қаддин кўтарди.

Йигирманчи аср, бу шундай аср,
Бу кимё асри, техника асри.
— Қандай аср бўлса бўлсину аммо,
Инсону хаётга урмаса касри!

— Ташвишим ҳам шунда! НТР керак,
Тадқиқ қилмоқ керак еру самони!
Сақлашимиз лозим сен билан бизлар
Дарёлар соғлигин, тоза ҳавони!

Қозон қайнатгандан хазон тутатиб,
Албатта газ ундан минг марта афзал,
Бемаъни рицарлик, самолёт қолиб,
Эшакда йўл олиш ҳозирги маҳал.

Машина турганда ким ҳам истайди
Пахта теришликни минг бор букилиб?
Баъзан химиядан ғўза баргимас
Одамнинг соғлиғи кетар тўкилиб!

Баъзан бир гўдакнинг бевақт ўлими
Қалбларни ўртайди, қиласи сиё.
Энди ўн саккизга тўлган бир йигит,
Ёш келин ўлимин эшитсанг аммо

Ларзага келасан! Ўнлаб оила
Фожиасин агар бўлсанг гувоҳи
Ҳайратга тушасан, қаҳринг қўзгалар
Не деб шўрликларнинг қилган гунохи.

Балки бу афсона, балки ҳақиқат,
Балки бир тасодиф! Неки бўлса ҳам.
Шу кичик оила фожиасидан
Даҳшатларга келар эшитган одам!..

Энди тасаввур эт, миллион-миллионлаб
Фариштадек кизлар, ёлғиз ўғиллар,
Баҳорда яшнаган чаманлар, гуллар
Ўзин ижодидан хурсанд уламо,
Энди набирага етишган бобо,
Қанча-қанча шаҳар, қанча ширин жон
Бир онда атомдан қилинса яксон
Бу ҳам НТРми? Унинг кудрати,
Унинг касримасми?

Нега қолдинг жим?
Бунинг боиси не? Нима зарурат?
Нима гуноҳ қилган она табиат?

IV

Буни ҳам биласан, Ернинг тагида
Илон қимиirlаса сезасан ҳатто.
Фожиа шундаки, илон ўзимни
Чақмаса бўлдига ўргандик аммо!

Сен мендан ранжима, фақат сен эмас,
Мабодо дунёга ўт кетса агар.
Бандадан уялмай, тангридан қўрқмай
Ўзим ёнмасам бас деганлар ҳам бор.

— Ўзга нима чора! Минг дод, фарёд чек
Энди нолалардан не фойда ахир?!

Кишилар охимас, дунё тақдирин
Атомлар ҳал килар! Бу эмас-ку сир!

Демак, «охир замон»! Қолган умрни
Кечирмоқлик керак бир-бирин талаб?
Бутун хиёнату имон сустликлар
Наҳот, гуноҳларга атомлар сабаб?!

Беш юз йил муқаддам ҳатто Навоий
Дунёга келибмиз деганда бевакт,
Ноумид қолмаган охир замон деб,
Асло нопоклика қилмаган шафқат!

Охир замон, атом, НТР дейиш,
Нолок тўдаларга баҳона факат!
— Хўш, қани, ўзинг айт, бизнинг асрда
Атом бомбасидан борми зўр кудрат?

Тангри бор! Инсоф бор! Инсон бор — биз бор!
Атомлар сен, бизсиз ўлик бир бисот.
Атомни яратган, Хиросимага
Уни ташлаган ким? Ахир, одамзод!

V

— Одамзод!.. Одамзод!.. Миллиард одамзод
Атом кудратининг олдида нима?

У шундай беадад ваҳший уммонки,
Бу дунё қалқиган кичик бир кема!

— Сен айтган атомдан минг бор қудратли
Шундай оғат борки ундан даҳшатрок,
Бу инсоннинг нафси, бутун дунёни
Шудир доим барбод қилғувчи олчок!

Инсон инсон бўлиб ақлини таниб,
Қўлига бир наиза тутгандан буён,
Қандайдир дохийлар нафси баҳона
Давлат, дин деб ўзин қиласи курбон.

Ахир атомсиз ҳам бутун дунёни
Гитлер ботиргудек бўлдику қонга.
Нечун? Нега ахир? Немис кулмиди?
Эркликка зормиди? Зормиди нонга?

Гитлернинг манманлик нафси эди у!!!

Энди атом асли! Бу сўнгги жангда
Бўлмас енгувчи ҳам, енгилувчи ҳам,
Фолибларга бўлар на бир обида,
На зафар байроғин тикловчи одам!

Сочилган бир сиқим тупроқ сингари
Бу еру заминдан қолмагай нишон.
Хўш, энди нечун жанг? Наҳот дунёдан,
Наҳот тўйган бўлса жонидан инсон?!

Энди кураш нега? Нечун зўрлигу
Атом бомбаларни қилмоқ писанда?
— Фоя учун кураш! Курашмоқ керак,
Шуни билмайсанми, эй ғофил банда!

— Фоя деган нарса — ҳалқнинг мақсади,
Дунё нималигин унинг англаши.
Ҳалқнинг эрки колиб, нега ўзгалар
Яшаш тариқатин керак танлаши?!

Ахир бу дунёда ҳар бир инсонга
Фирок, йиғи эмас, шодник, баҳт керак.
Боғу роялар керак ва янграган күй,
Ҳалол меҳнат ионин хотиржам емак!

Халққа нима керак? Ўз эркинлиги,
Омон бўлса басдир, шу еру замин.
Элга хотиржамлик, тинчлик тилайди,
Фотиҳага қўл очиб деганда «Омин!...»

Халқнинг гояси шу!

VI

— Албатта тинчлик
Ўзга нияти йўқ унинг **мутлако!**
Лекин минг афсуски!..
— Нега бу афсус!!
Тинчликни истасанг тинч қолма асло!..

Биламан сукутинг аломатин ҳам,
Асаб тобланишин сўнгги нуқтаси.
Бу ҳам одамзодга атом асрининг,
НТР асрининг берган тухфаси.

Биламан феълингни, беозор зотсан,
Бирорлар озорин истамайсан, ха!
Аммо сен одамлар, дунё тинчлигин
Истасанг, ха, хайқир, сукут саклама!

Сен шундай хайқирки, хайқириғингдан
Одамлар тинчлиги бузилмас зинкор!
Йўқ, сукут саклама! Қанча хайқирсанг,
Тинчлик шундагина бўлар барқарор

— Кошки бўлса эди! Бу факат ният,
Ахир ният ўзи ёрти мол холос!
Факат ният билан бутун дунёни
Килиб бўлармикан қирғиндан холос?!

Тинчликни истаймиз! Истаймиз, аммо,
Кимнинг қўлида у даҳшатли қурол!

Ўшалар нафсини, манманлигини
Енгасдан, бўлурми тинчлик баркарор!

— Сен шундай ҳайкирки, кирсин овозинг
Халқ қадами етмас хоналарига.
Ёвузнинг ўқ ўтмас деразалари
Чил-чил бўлсин ҳалқнинг нолаларидан.

Халқлар ҳайкириғи уларнинг нафсин,
Ҳокимлик гурурин агар босмаса,
Халқларга тинчлик йўқ! Йўқ-йўқ, битмагай
Уруш, киргин деган конли васваса!

Тинчликни истасанг шундай ҳайкирки,
Дунёни ўртамай атом бомбаси,
Атом сохиблари қалбин ўртасин
Инсонлар овози, тинчлик ғояси!

Тўғри, сен айтганча ғалвали дунё,
Атомлар, НТР асли бу, дўстим.
Лекин амин бўлки, атомлар эмас,
Инсоннинг инсофи, идроки ҳоким!

2. ТИНЧЛИК

— Бўлди, бир оз тўхта, нафасни ростла,
Бу дунёнинг иши кетмайди қочиб.
Менинг дардимни ҳам қўзғатиб кўйдинг,
Ростини айтганда, қалбингни очиб.

Тирнокдан кир излаш, ахир, бу гийбат,
Инсонга азоб-у, битади қачон?
— Энди нима десам? Битади, фақат,
Тирноклар ўсишдан тўхтагаи замон.
Ёки кутимлок-чун доим тирнокни
Қиртишлаб турасан, киркиб турасан.
Ана шундагина... Нега куласан?..

— Мен дардимни айтсам....
— Дардларинг аён!
Кошкى ҳамма сендең бўлса бетоқат!
Шундайлар ҳам борки, дардингни айтсанг,
«Дунё ўзи шундай» дейдилар факат.

Кимнингдир мушкулин осон этмоқлик
Энди бурч саналса, қадимда савоб.
Бундай бепарволик касали қайдан?
Ўйлайману, аммо, топмайман жавоб.

— Тўғри баъзилар бор. Аммо ҳаммаси
Шундай ўйлайди деб бўлмайди асло!
Демак, айтишингча, юксак онг билан
Янги гунохлар ҳам бўлмоқда пайдо?

— Албатта! Кадимда бирор кашфиёт
Ва ё бирор дардга топилса даво
Эллардан-элларга етиб боргунча
Ойлар эмас, йиллар ўтарди гоҳо.

Энди, «Ваис оғ Америка», «Фрае Овропа»
Яна қайлардадир тўқилган бўхтон,
«Першинг» тезлигида етиб бормоқда
Ернинг у бурчига радиода ҳар он.

Одам ўлдирилса, ўғирланса от
Бутун теваракни босарди ғулув.
Моро ўғирланган Италияда,
Премьер министр, от эмас-ку у!

Тўғри, баъзан Шарқда муҳаббат ҳаки
Олиб қочиларди кизларни қадим.
Энди, Европада одами билан
Самолёт ўғирлаш бўлмоқда расм.

Самолёт, атомлар, албатта, сўзсиз,
Замоннинг ривожи деймизу, бирок
Бехаловат кечган ҳар бир дақиқа
Асаблар заволи эмасми, ўртоқ?

II

Бу аср одами ахир, НТР,
Жаннат кила олар дунёни ҳатто.
Ҳамиша безовта, аммо рухимсиз,
Наҳотки, бу дардга топилмас даво!..

Ажиб замонларга қолдик-да, товба!
Қани, атомларсиз, осуда дамлар!
Замондан нолима, замонда айб йўқ
Ахир бу дунёга ҳоким одамлар!

— Одамлар бузилиб кетди чамамда
Яхшилар колмади, бало ўшандা

— Йўқ, йўқ! Минг шукрлар, ҳали дунёда
Ёмонлар ҳокиммас, ёмонлар кўпмас...

— Нима десанг де-ю, аммо одамлар
Бўлиб қолдилар-ку гуноҳдан кўркмас!

— Қани, ростини айт, тутзор йўқ жойдан
Ҳеч вақт кўрганмисан пилла олганин?
Ахир, билганмисан, сигир ўрнида
Пулдан суту қатик тайёрланганин?

Баъзан ақлим етмас, ер ҳам, ҳосил ҳам
Халқимиз сонидан ўн бор кўпайди.
Қайдан пайдо бўлди, «танқис» деган сўз?
Нима баракани ердан кўтарди?
Балки нопокликлар...

— Ҳа, гапларинг ҳақ!!

III

— Нопокликка бўлган сендаги нафрат,
Хиёнатга қалбдан ёнмоғинг буткул —
Бу шундай қонунки, бундан афзалрок,
Дахшатлироқ қонун бўлмоғи мушкул!
Ҳар битта қалбаги нафрат томчиси,
Нопок одамларга жазо қамчиси!

Лекин, эътиrozим, сен айтганчалик,
Дунёда ёмонмас, яхшилар кўпроқ.
Ҳали ҳам яхшилар суюб турибди,
Ҳа, шулар бўлмаса аллақачанок,
Дунё ғарқ бўларди ўз гуноҳига!

Замин аллақачон бўларди барбод!

IV

— Аллақачон эмиш! Гуноҳлар эмиш!...
Ахир, аллақачон деганинг қачон?
Шу фурсат турибмиз жар ёқасида,
Қара, ўнирилмокда тепангда осмон.
Атом бомбалари бошимиз узра,
Қатор сумалакдек турган пайтда,

Биз-чи; Афросиёб қаърини қазиб
Тирилтирмоқчимиз тарихни кайта!..

— Ноумидлик!.. Тўхта, сенга не бўлди!
Ахир, кўнглинг мунча ҳасратга тўлди!
Бир дам хотирингга ўтмишни келтир,
Кирқ биринчи йилни бир он қилгин ёд.
Инсоннинг қудрати куролда эмас,
Уни буюк қилган умид, эътиқод.

Ахир, Ленинград қамалда эди,
Очлик!.. Нон ўрнига... ёғар эди ўқ,
Ноумид қолмадик, ҳатто шунда ҳам
«Эрмитаж» таъмири тўхтагани йўқ.

Бир нафас қалбларда сўнмади умид,
Унугланлари йўқ боболар рухин.
Тантана қилинди ахир, қамалда
Буюк Навоийнинг беш юз йиллигин...

Шундай эътиқодки, бундай эътиқод,
Доим қалбимизда экан барқарор!..

— Бунга хеч шубҳам йўқ, аммо дардимни
Дўстим, шошилмагил, килгунча изхор!

Менинг бу ёнишим, ноумидликмас,
О, дўстим, сен бундан ғазабни фарқ қил!
Менинг бу қаҳримни урушга нафрат,
Санъату хаётта ташналиқ деб бил!

Рафаэл ишлаган гўзал мадонна,
Париж музейидан ўирланган он,
Бутун гўзалликдан бўлгандек маҳрум
Атроф кўтарганди бир вакт ғалаён.

Мадраса безагин синик парчаси,
Ва ё ўғирланса, тарихий сопол
Тутилган гуноҳкор борки, барчаси
Сазойи этилган, осилган дарҳол.

Энди уруш бўлса битта расммас!..

Ахир тасаввур эт!

— Бўлди, бўлди, бас!!

V

Иккиси ҳам узок толди сукутга,
Сукутда ташларди атрофга разм.
Гўри Амир, Регистон сукутда, жимжит,
На азон овози келар, атроф жим.

Шундай бир сукутки, улар қалбида
Недандир ваҳима, фарёд кўпарди.
Бирдан сукут портлаб, кўзи олдида
Заминни парчалаб кўкка кўтарди.

Самарқанд сайқали, олтин саройлар
Сиким тупроқ бўлиб тўзди самога.
Буюк Навоий-ю, Мирзо Улугбек
Фарёди ўрлади аршу аълога!

Ибодатхоналар олтин қуббаси
Ерда окар эди симобдек эриб.

Гүё ушатилган нон бурдасидек
Самода учарди замин ёрилиб.

Колган эди зулмат, даҳшатли садо,
Хаёту мавжудот бўлганди адо...
Атроф кукун бўлди, атроф кул бўлди,
Гўзалликлар бўлди ер билан яксон.
Улар хаёлида коришган эди
Гўё этом тушиб ер билан осмон.

VI

Наҳот шундай бўлса бизнинг келажак?
— Кел, қўй, бу дунёнинг ташвишин бир дам.
Мана, бунга қара, — бу — бош чаноги,
Бу ҳам бир вақт бўлган қош кўзли одам.

Ахир, бу ҳам бир вақт шодлик, қайғу-ю,
Неъмату шаробнинг хузурин билган.
Балки, бу дунёга устун бўлай деб
Ҳой-ю ҳавас, шухрат ортидан қувган!

Кимнинг бош суяги? Ҳамлет айтгандек
Сарой маҳрамими? Ва ёки гадо?
— Агар шамдан чикса ёнидан — шоир,
Қилич, қалқон бўлса, демак подишио.
Агар кетмон чикса, билгин, у дехкон,
Ҳасса чикса, чўпон, гадо бўлади.
— Ҳа, ўлим шундайки, шоҳу гадони
Бир дамда теппа-тeng қилиб кўяди.

Бири лайрамбардир, бири фукаро...
Биз боболар рухин этмокчимиз шод.
Эрта биз ўзимиз нима бўламиш,
Бизни эслармикан келажак авлод?

Энди-чи?.. Алхазар, айтмоққа тил лол!..
Агар шундай бўлса, замон кетиши,
Бизни ёд этишмас, ҳатто жаҳонда
Қолармикан омон, бирорта киши?
Энди уруш бўлса!..

— Энди бўлсамас,
Бу урушлар қачон тугайди, дегин!
Уруш, ахир, бомба портлаши эмас,
Ё атом ёмғири келтирган қирғин...
Уруш деган нарса!..

VII

Айтиб улгурмай,
Бирдан бўрон кўпид, қуярди ёмғир.
Оппоқ далаларни ювган бу жала
Ўзбек дехқонининг таъбин қилар кир.

Еккан ёмғир эмас, мاشақкат эди,
Ўзбек дехқонининг қалбига азоб.
Қор чанглаб терган онлар ҳам бўлган,
На чора, бермасдан машақкатга тоб.

VIII

Атом асири деймиз, НТР деймиз,
Асло булар эмас тинчликни бузган!
Недан ҳалок бўлди, ахир Индира?
Тинчлик истармиди унга ўқ узган?

Агар тасодифан ғарамлар ёнса,
Нодон боис бўлиб ёнса ўрмонзор
Эзгу ниятларда оташ келтирган
Наҳот, Прометей бўлса гуноҳкор!

IX

Ҳикмат бор — дўстинг ким, билмокчи бўлсанг,
Кўлига қурол бер, нодонга эса,
Бир кун бўлса ҳамки, бериб кўр амал.
Қасам ичаманки, бири шу маҳал.
Энг аввало сенга ўқталса милтиқ,
Амал теккани-чи? Улуг ўзим деб
Дўстдан юз ўтириб, ура бошлар дўк.

Ха, балли! Инсон ҳам атом кучига...
Атом қудратига етмади осон,
Лекин жаноблар бор, НТР билан
Бу она дунёни килемокчи яксон.

Ногоҳ гугурт чакиб ёккан ўтидан.
Ўзи ҳалок бўлган гўдак сингари,
Атомни кашф этиб, гўдақдек гангид,
Инсон ўзин барбод этмаса хали?

Бўлмайди! Бизлар бор! Умидсиз бўлсанг,
Кўлинг ишга, оғзи бормайди ошга.
Ахир бу дунёда умид бор, ҳалқ бор.
Бунчалар ваҳимага йўлиқдинг, ошна.

— Замон ўзи шундай — шухратпастлик,
Васваса ва атом қаерга боқма!
— Хали шундай дегин?
— Бўлди, талашиш,
Ахир жонга тегди!.. Тинчлик ҳам керак!
— Ҳамиша тортишиш, ноахиллик ҳам
Сенингча, тинчликка кирмайди, демак!
— Албатта! Ва лекин бу оқ, қора деб
Баҳлашиб кўкракка урмагил юз йил,
Сен, ролиб чикмайсан, ҳакгўй бўлмайсан,
Бўлмаса исботи, бўлмаса далил.

Ҳакиқат баҳсларда туғилмоги ҳак,
Баҳс — олий чўккиси инсон эркининг.
Баҳлашибмоқ гунохмас, аммо, у нечун?
Ҳар бир нарсанинг бор, чеки, лекини...
«Лекини» бу — ҳалкинг, ким ҳаклигига
Энг олий гувоҳу энг олий ҳакам.
— Ҳакиқатни айтдинг! Ҳалқ омон бўлса,
Ўз хукмини айтар сену менга ҳам.

— Албатта!.. Бўлди кил! Ёмғир бошлади.
Кел, хумор ёзайлик, чиққунча офтоб.
Минг-минг шукурларким, ёмғир ёғмоқда,
Бунинг ўрнида-чи, ўқ ёғса, шу тоб...
— Нафасинг иссиқ қил!

— Ҳа-ҳа, жон ширии.
Ўлимни, урушни истамас инсон!
Икки дўст кутарди ҳамон қуёшни,
Ноумид қолмади, ёришди осмон!

Мен узоқ тикилдим улар ортидан,
Ўйим улар билан бирга кезарди.
Не сирки, уларнинг ўтли баҳсидан
Қалбимда ҳаловат, хузур сезардим.

Булар талашарди на шону шухрат,
Ва на килардилар мартаба баҳсин.
Булар юксак эди майда ҳасратдан,
Курбони бўлмокдан ўз кичик нафсин.

Қувонч баришларди бу икки дўстнинг
Аср ҳақидаги ўтли ташвиши.
Кошки, ўиласайди дунё тинчлигин
Шундай жон куйдириб ахир ҳар киши!

ЭВМ, НТР инсон ақлининг
Буюк чўққисики, ҳаммага аён.
Бу шундай асрки, бусиз ҳаётни
Тасаввур этиб ҳам бўлмас хеч қачон!

Мана шунда бизнинг кудратимиз ҳам,
Чўлу сахроларин айладик обод.
Инсон ақли ҳозир шундай кудратки,
Етади дунёни қилмоққа барбод!

Ҳали бу дунёда дўст бор, душман бор,
Ҳали мавжуд экан роя кураши,
Табиий, дунёга бу икки дўстнинг
Ташвиши хавф-хатар билан қарashi.

Йўқ, бу ваҳма эмас, васваса эмас,
Уларнинг яшашга бўлган севгиси.
Ҳаётта беадад бўлган ташналиқ,
Келажакка умид, ишонч белгиси!

Булар кимлар? Менинг ватандошларим,
Буларнинг баҳсидан қиласидим фаҳр.
Булар еру кўкнинг, ҳар бир гиёхнинг
Ташвишин, тақдирин ўйларди ахир.

Дунё қил устида турганлиги рост,
Атом ҳалокати хавфида олам.
Дунё шаксиз омон қолади фақат,
Шулардек қайғурса ҳар битта одам.

Шул сабаб қалбимга ёт эди қадар
Рухим эркаларди эзгу муддао.
Кўқда чарх уради бир жуфт кабутар,
Райхонлар руҳидан хуш эди ҳаво.

МАРДЛИК ВА ВАФО ҲАҚИДА ЭРТАК

Бир бор экан ҳам йўқ экан,
Қадим-қадим замонда,
Қўш кокилдек Амударё
Ва Сир оққан томонда —
Ҳаммаёқка донг таратган
Бир султон ўтган экан.
Узоқ яшаб, тишлил тушиб
Қувватдан кетган экан.
Бу Султоннинг бисотида
Бор экан ёлғиз қизи.
Гўзаллиг-у доноликда
Танҳо экан бир ўзи.
Ҳатто юзин яшиаркан
Хуснин кўргандагу гуллар.
Сўзин тинглаб, бир дам тилдан
Қолар экан булбуллар.
Хуснин кўрган товуслар-чи
Патин юлиб қоларкан.
Шахло кўзин кўрган оҳу
Кўзин юмиб оларкан.
Яқинига йигитлар ҳам
Кела олмас, тортиниб
Сўзни тинглаб донолар-чи
Сўзлай олмас ботиниб,
Доноликка доно эди
Хуснда чексиз гўзал.
Бу парими, сехгарми
Ҳеч ким этолмасди ҳал.

II

Турна катор совчилар
Тинмай келиб кетарди
Йиллар ўтар, кекса султон
Қалбини чок этарди.

Маликага хуш келганлар
Отасига ёқмасди.
Султон маъқул кўрганига
Киз кайрилиб бокмасди.
Севги гўё бу ҳам бир куй
Хар кимнинг ўз хисси бор;
Гулни севган кишининг ҳам
Ўзин севар иси бор.
Мухаббатни бир қолипга
Асло кўйиб бўлурми!
Севги бу — нур, нурга эса,
Бахо кўйиб бўлурми!
Ота-бала иккаласин
Хеч тўғри келмас шарти.
Ошиқ-мошиқ севганларнинг
Ўзига бўлур дарди.
Кекса Султон хаёлида
Не ташвишлар кезарди.
Қўпни кўрган чол ниятини
Ёш киз қайдан сезарди.
Султон қанча ўғил кўрди.
Ўғиллари турмади.
Кариганда уйланди ҳам
Аммо, фарзанд бўлмади.
Бир оёғи тўрда бўлса,
Бир оёғи энди гўрда.
Шунча давлат тожу-такти
Колади қайси кўлда!..
Бу давлатлар кимга қолар?
Бошкаради элни ким?
Арзигулик бир меросхўр
Ахир куёв-ку лозим!..

III

Диккат бўлган султон, **кизин**
Чакиртириб эрталаб.
Ниятини билмоқ бўлди
Кўнглин овлаб эркалаб.
Отасининг мақсадини
Доно киз сезган замон,

Бир хикоя сүзлагандек
Дилин қиласарди баён:
Бир ажойиб туш күрибман:
Тушимда баҳор эмиш.
Ер-у осмон чаманзор-у
Атроф лолазор эмиш.
Теваракдан сайрар эмиш,
Тинмай жаннат қушлари.
Кекса-ю ёш сайд әтармиш.
Топиб күнгил хушларин.
Даражтларда ноз-неъматлар
Гулламасдан пишганмиш.
Хеч кишида бир нола йўқ,
Ҳамма күнгил хушлармиш.
Лекин ҳали туш бўлмасдан
Осмон бети қорайиб,
Бирданига бўрон туриб
Акъл етмас, ғаройиб
Булут каби кора қушлар
Атрофдан босиб келди.
Йирткич хайвон овозидек
Овози тошиб келди
Қуёш юзин теваракдан
Тундек қоплаб оларди.
Жон-жонвор-у одамларга
Чангалини соларди.
Шодлик ўринин кий-чув босди
Атрофин босди зулмот.
Ошиклар ҳам бир-бирларин
Ташлаб, кўтардилар дод.
Манман деган полвонлар ҳам
Ўзларин урди форга.
Шахзодалар киличларин
Ташлаб қочдилар жарга.
Бу хаёлми ё ўнгимми,
Билолмайман ҳали ҳам,
Бир паҳлавон кўркув билмай
Ёнимда турди шу дам.
Девдек бир күш ҳатто менга
Солмоқ бўлганда чангал,
Бир куч билан мени саклаб

Бўйнин узди дангал.
У куёшми ё одамми
Юзидан ёгарди нур.
Кўз нуридан қора қушлар
Ёниб тушарди гур-гур.
Қора қушлар бу йигитнинг
Мардлигин кўрган замон.
Фарёд солибвойиб бўлиб
Ёришган эмиш осмон.
Қадимгидек ўйин-кулги,
Бошланди яна сайр.
Йигит бир сўз айтиб кетди,
Менга деяркан хайр!
Сенга бирор ташвиш тушса,
Мен хамиша тайёрман.
Шаҳзодамас, оддий зотман,
Сенга ошиғ-у зорман.
Ўша йигит эл-у мени
Офатлардан асради.
Вафо, нима ботирлик не,
Отажоним, оклади.
У шу юртда яшар эмиш,
Кимлигини айтмади.
Неча пайтки, унинг меҳри
Юрагимдан кетмайди.

IV

Кекса султон индамади,
Кеча-кундуз фикр этди.
Мулоэимлар, вазирига
Ўз ниятин зикр этди.
Йиғилганлар одоб билан
Шоҳга қилди тавозе.
Куёв танлаш неча кунлар
Үртада бўлди мавзу.
Бу ахволдан султон қизи
Ўзича кон йирларди.
Бир мададкор тола олмай
Юрагини тибларди.
Кошки эди бир күш бўлсан...

Бўлса эди канотим,
Бу саройдан қочар эдим,
Учиб ўша заҳоти.
Киз ноласин эшитарди,
Саройдаги тўтиқуш.
Одам каби унга сўзлаб,
Киз кўнглини қилди хуш:
Сен кафасдан мени бўшат
Мен сен учун учаман.
Султон сухбат қилган уйга
Астагина тушаман.
Мен отангнинг ниятини
Сенга қиласман ошкор.
Ана шунда бирон чора,
Тадбир ўйламоқ даркор.

V

Киз шодланиб озод этди
Күшни дархол кафасдан.
Етиб борди сухбат томон
Тўти ўша нафасда,
Вазир сўзлар: шаҳаншоҳим,
Султонларнинг шохи — сиз.
Тўқсон баҳор кечирдингиз.
Яшамокда бокий — Сиз!
Султонимиз, шон-шуҳратда
Кудратда сиз тенги йўқ.
Саховату марҳаматда
Сиздек феъли кенги йўқ,
Сиздек зотга куёв бўлиш,
Бир мўъжиза, катта баҳт.
Эртакларда ҳатто йўқдир,
Бу салтанат, тожу-тахт
Куёв бўлган, сиздек зотнинг
Керак қадрин билмори,
Сўзингиздан чикмайдиган,
Кобил-солих бўлмори.
Маккор вазир шоҳни мактаб
Хом теридек ийларди.
Тожу-тахтга эга бўлиш.

Йўлларини ўйларди.
Вазир сўзин тугатмасдан
Бир четда турган тўти,
Қаҳ-қаҳ уриб, бирдан кулди,
Вазирнинг учди кути.
Чунки тўти одамларнинг
Сўзларини биларди,
Факатгина ножўя гап
Айтилганда куларди.
Бу вазирнинг жуда гўзал,
Қобил ўғли бор эди,
Мўминликка мўмин эди,
Жуда беозор эди.
Не буюрсанг, йўқ демасди,
Айтган ишни қиласди.
Киргин десанг ўту-сувга
Хатто ўзин урарди.
Қобил, гўзал бу йигитча
Фарқисиз эди тўтидан
Қаҳ-қаҳ уриб кулган эди
Тўти гапнинг шўтидан.

VI

Лашкарбоши сўзга чикди,
Таъзим этди Султонга.
Нимадандир хайиққандек
Назар солди ҳар ёнга:
Кўп катори хизмат қилдим
Сизга, шоҳим, жонимдан,
Кулингиzman, хато қилсам,
Ўтинг, кошик конимдан.
Жанг жадалсиз юрт бўлмайди,
Ёв-ғанимсиз эл бўлмас,
Сизга лойиқ куёв ёвдан
Бўлмоғи керак кўрқмас!
Юртни сақлар йигитларинг,
Жангдан кўрқмас ботири.
Курашолмас кўнгли юмшоқ,
Ва паришон хотири.
Дарёларни кесиб ўтсин,

Тошлар келса, кемирсин
Тожу-тахтга қасд қылганин
Қонин сувдек шимирсин.
Пойгаларда чавандоз-у,
Отишда эса мерган.
Сизга лойик күёв бўлар
Жангда жонини берган.
Лашкарбошин сўзини тинглаб
Саройда турган тўти
Қах-қах урди, саркарданинг
Бирдан ўзгарди кути.
Чунки тўти сезган эди
Лашкарбоши ҳийласин
Билган эди, сабабини
Шохни алдаб ийлашин.
Чунки унинг қаҳри қаттиқ,
Мерган ўғли бор эди.
Ўта майхўр, қилмишидан
Элу-юрг бозор эди.
Фақат бошин силкиб кўйди
Тахтда ўтирган Султон.
Бу «ҳа»миди, ё «йўқ»миди
Саркарда эди ҳайрон.
Ўтирганлар ҳаммаси ҳам
Ўз ўслини мактарди.
Бир амаллаб куда бўлиш
Йўлларини ахтарди.
Бирин ўғли қўркмас бўлса,
Аммо ҳунар йўқ эди.
Бирисида ҳунар бўлса,
Олтину зар йўқ эди.
Бирисида инсоф бор-у
Лекин ўзи бўш-баёв
Доносида ҳусндан йўқ,
Бу ҳам бўлолмас күёв.
Ҳаммасининг сўзин тинглаб,
Султон тиклаб қаддини:
Билмок бўлди жим ўтирган
Шоирнинг ҳам дардини.
— Шоҳон-шоҳим, жуда мушқул
Ишқ-муҳаббат савдоси.

Ҳар кўнгилнинг ўз севгани
Ўз-ўзича даъвоси.
Маликамиз кўнгиллари
Кимни қиласар ихтиёр,
Гоҳо доно телба кўнглин
Топмоққа қолар ночор.
Топмоқ бўлиб байт ёзаман
Ошиқларнинг кўнглини.
Мана бу деб айтиб бўлмас,
Мухаббатнинг йўлини.
Султон бир оз ижирғанди,
Солган бўлди қовоғин.
Лашкарбоши, вазир секин
Кириб қўйди томоғин.
Муҳаббатнинг сирларини
Шоир сўзлаб улгурмай,
Аммо сарой қизиқчиси
Сўзлай кетди пайдар-пай.
— Султонимиз, ўтинаман,
Кечинг қошиқ конимдан.
Сўзлаш учун рухсат этинг
Пул берсан хам ёнимдан.
Эрга тегмок бўлган ким-у,
Султонимнинг қизими?
Тушинолмай қолдим сира,
Ёки унинг ўзими?
Уйланмоқчи бўлган ким-у
Вазирми, ўғлеми?
Ўғли бўлса, кайдан билар
Йигит қизнинг кўнглини.
Йигит, қизнинг агар бўлса,
Ўзининг кўз-кулоги.
Бир-бирини келиб кўрсин
Бут бўлса қўл оёғи.
Шоҳон-шоҳим, Сиздан тортиб
Мени ҳамма севади.
Хотиним-чи ташлаб кетди,
Мени одам демади?
Доноли-гу, хусн, бошка,
Ботирлик, хунар бошка.
Ишқда вафо бўлмаса-чи,

Битган балодир бошга!
Шохнинг ишқи, курбакага
Тушган деган тұғри ғап!
Қызыңғит хам ёмон бўлмас,
Бир-бирин кўрса синааб.
Қизиқчининг бу сўзлари
Баъзиларни кулдирди,
Баъзиларни ҳушёр қилди.
Баъзиларни ўлдирди.
Султон бирдан чапак чалди,
Ўтирганлар бўлди жим.
Эртагаёқ элни йигинг,
Шудир султонлик хукмим.
Хар бир йигит қиз олдида
Ўзлигини кўрсатсин.
Илми-хунар, ишқда катъий
Сўзлигини кўрсатсин.
Шу чоқ тўти парвоз килиб
Қанотларин силкитди.
«Тўғри, тўғри» деганича
Қайгадир учди кетди!

VII

Қорлар эриб баҳор келди.
Кўк ёришиб чақиндан,
Бирор эшак, бирор отдан
Хуллас узок-яқиндан,
Шаҳзода-ю, чўпонлар-у
Қиздан бўлиб умидвор
Кечакундуз сарой томон
Келишар турна қатор.
Карнай-сурнай авжга чикиб,
Ноғоралар урилди.
Кенг майдонда қизиқчилар,
Баланд дорлар курилди.
Расталарда нишолда-ю,
Обокилар сотилди.
То новвотдан чилимга боп
Томакилар сотилди.
Пашмаклар-у, парвардалар...

Ҳар кишининг ўз хариdi. 67
Уйланмаган йигитларда 68
Фақат мұхаббат дарди. 69
Бирданиға ғала-ғовур. 70
Тұхтади бозор-ұчар 71
Султон кизи кириб келди, 72
Усти-боши олтин-зар. 73
Үрталиқка жарчи чиқди, 74
Шох ҳукмин килди баён. 75
Киз ишқида келишганлар 76
Тизилишди бир томон. 77
Катор турап шахзодалар, 78
Чавандоз-у ҳам мерған. 79
Жүн тұн кийған чүпонлар-ұзақ. 80
Орзуга айб йўқ деган. 81
Киз баҳона, хар ким ўзин 82
Кучин синааб кўрмоқчи. 83
Бирор киз деб, бир мол деб,
Шохга куёв бўлмоқчи.
Саркарданинг кўркмас ўвли
Ўртага чиқди аввал.
Кумуш камар, кимхоб тўни
Устида ёнар ял-ял.
Кўзлари ҳам бойўғлининг 84
Кўзи каби ёнарди.
Ботирликдан нищон бўлиб 85
Киличи товланарди.
Хунарингни кўрсатгин деб 86
Нидо килганда Султон.
У отига қамчи урмай 87
Шовкин солди оломон.
Мана бунинг хунари деб 88
Кўли синган ва чўлоқ.
Кўзи шишган, ёшу кекса 89
Ўртага чиқди шу чок.
Бу ахволдан хайрон бўлиб 90
Ғазабланган малика,
Ўз фикрини айтмоқ учун 91
Ўрнидан турди тикка:
Хо ҳалойик, бу йигитнинг 92
Киличи қилни ёпар,

Кўқда учган мезонни ҳам
Камонда ура олар.
Лекин бунинг кўрқмаслиги,
Қаҳри бор-у, раҳми йўқ.
Хунар бор-у, дўст-душманни.
Ажратувчи фаҳми йўқ.
Бундай йигит менга ёру
Тахтга бўлолмас лойик.
Маликага таҳсин айтди,
Теваракдан ҳалойик.

Кўп ўтмасдан одоб билан
Кўксидা икки кўли
Ўрталиқка чиқиб келди
Вазирнинг қобил ўғли.
Салом бериб, бош эгганча
Узоқ ерга тикилди.
Ва Султоннинг оёрига
Бошин уриб йикилди
Хунарингни кўрсат, дея
Султон килганда нидо,
«Қулингизман, не айтсангиз?
Шуни киласман бажо!
Бир ниятим малика-ю
Ҳам сизга қул бўлишdir.
Тирик деса тирилишу
Ўлган деса, ўлишdir».
Султон унинг бошин силаб
Кўзларига ёш олди.
Малика-чи қовоқ солиб
Ўрнидан туриб қолди:
Ахир менга тўти қушмас,
Акли расо ёр керак.
Эл дардини фаҳм этган
Доне хукмдор керак.
Оқ-корани фаҳм этмаган
Дўст, душманни фарқ этмас.
Йигит учун бўйин эгиш.
Хусннинг ўзи етмас: —
Маликанинг сўзин тинглаб
Йигит куллиқ этарди.

Бу ахволни кўрганлар-чи,
Бирдан кулги кўтарди.

Майдон аро чикиб келди
Кадди расо пахлавон.
На кимхоб тўн, на от, килич,
Устида эски чопон.
Халойикқа салом берди.
Буйруқ кутиб турди жим.
На малика, на сultonга
Аммо қилмади таъзим.
Бу сахройи хону бекка
Хушомадни билмаган,
Мехнат билан кун кечириб,
Сира таъма қилмаган.
Ўзига хон, ўзига бек,
Йигитнинг бу туриши,
Шоҳга маъқул тушмагандек
Башараси буришди.
Аммо йигит ишонч билан,
Туарар эди қад тиклаб,
Бу туриши маликанинг
Кўнглини ўтди қитиклаб.
Кимлигию хунарини
Сўраганда малика,
Камиш найни чала кетди,
Жойида туриб тикка.
У чалган най оддий наймас,
Мўъжиза, сеҳр эди.
Кўнгилларни эритувчи
Ишқ эди, меҳр эди.
Най чалганда чаман бўлиб
Кўринарди бу дунё.
Булбулларинг сайроғидан
Иборат эди гўё.
Най куйида бу йигитнинг
Ширин тили бор эди.
Маликанинг ишқи тўла
Гўё дили бор эди.
Бу куйдан маст малика ҳам
Тебратаркан бошини,

Билмас эди, не ҳис билан.
Оққанини ёшини.
Чин мухаббат бу — дунёда
Мўъжиза-ю сехрdir.
Одамларнинг юрагида
Уйготилган меҳрdir.
Куйни бўлиб разаб билан
Ўрнидан турди вазир:
Шоҳимизга найчи эмас,
Куёв керакку ахир!
Найчига пул керак бўлса,
Ҳаққин берамиз дарров.
Аммо қизга вафоли ёр,
Султонга керак күёв!
Шу чор унинг тепасида
Тўти куш килди парвоз
Гир айланиб одамлардек
Бирдан чикарди овоз:
Маликани кимки севса,
Мұҳаббати синалсин.
Не ниятда севган бўлса,
Шу нияти синалсин.
Шу зум бирдан бўрон турди.
Гумбирлаб чақди чақмок.
Қора күшлар пайдо бўлди
Осмон бағрида шу чоқ.
Девдек күшлар қанот ёзиб,
Човут солмок бўларди.
Чангалига отларни ҳам
Ҳатто олмок бўларди.
Ваҳший күшлар ҳар йил элнинг
Мол-донини таларди.
Парранда-ю дарранда-ю
Бор жонини таларди.
Қий-чув бўлиб тўрт томонга
Оломон тўзиб кетди.
Куёвлар-чи, бир-биридан
Қочишда ўзиб кетди.
Талвасада вазир қочди
Мўмин ўғлини бошлаб.
Саркарданинг ўғли қочди,

Килич қалқонин ташлаб,
Аммо чўпон ҳайикмади,
Талвасага тушмади.
Сақлаш учун маликани
Билагидан ушлади.
Кушлар унга човут солса,
Қанотидан тортарди.
Фарёд солиб кочгандарни
Камон билан отарди.
Бу йигитда пайдо бўлиб
Сехрли бир битмас куч.
Калласини узар эди
Қай томондан келса дуч.
Қора кушлар қий-чув билан
Бирдан қочиб колишиди.
Худди булат тарқалгандек
Яна осмон ёришиди
Майдонаро турар эди,
Малика-ю ва чўпон.
Садоқатли тўти яна
Пайдо бўлди ўша он.
Кочиб қолган одамларни
Тўти қайта чакирди.
Чўпон йигит мардлигини
Элга айта чакирди.
Эл йигилиб карнай, сурнай,
Қайтадан чикди авжга
Чўпон йигит эга бўлди
Малика-ю тахт тожга!
Бу чўпоннинг қўрқмаслиги,
Ҳам мардлиги синалди.
Севганига вафодору,
Ҳамдардлиги синалди.
Ўша куни эл оғзида
Шодлик бўлди, куй бўлди.
Етти кеча, етти кундуз
Хурсандчилик, тўй бўлди.

МУНДАРИЖА

НУРНИ ТОПТАБ БҮЛМАС

| | |
|------------------------------------|----|
| Миллатни | 6 |
| Сен учун дедим | 7 |
| Наврۇз муборак | 8 |
| Нима хамдердим | 9 |
| Шоирлар хакида | 10 |
| Она ва тиш | 11 |
| Розиман | 13 |
| Дарди йүк кесак | 14 |
| Хотинлар табассумы | 15 |
| Гулшанда тоңг эди | 16 |
| Зарра ўртамасдым | 17 |
| Дунё ва одамлар | 18 |
| Муддао | 20 |
| Агар баязи бирлар | 21 |
| Ёлрончи | 22 |
| Йүйбарт боласи | 23 |
| Айрилик | 24 |
| Хасса | 25 |
| Тирик ўлмок | 26 |
| Гоҳо тушларимга | 27 |
| Киёфа | 28 |
| Жаңг чори | 29 |
| Кирк йиллик | 30 |
| Соколлари оппок | 31 |
| Хотинлар | 32 |
| Улфатлар | 33 |
| Бахор кечаси | 35 |
| Болаликда | 36 |
| Тилда айттылмаган севги | 37 |
| Шамол | 38 |
| Қабр тоши | 40 |
| Умра нималар кечмайды | 41 |
| Каргаллар | 42 |
| Тангрим ўзинт | 43 |
| Розилик | 44 |
| Унтутиш | 46 |
| Бедард ёшлигим | 47 |
| Ман ўлган эмшіман! | 48 |
| Майсалар | 50 |
| Бошларимда не савдо | 51 |
| Даво | 52 |
| Ёшликкада ёрнинг ишиқида | 53 |
| Менинг нағсим | 54 |
| Хайкал | 55 |
| Чамалларни ўзи арасын | 56 |
| Сөрлом одам | 57 |

| | |
|--|-----|
| Кексалик | 60 |
| Чинор | 61 |
| Қабристонда | 62 |
| Мукофот | 63 |
| Алла | 64 |
| Гүдак йириси | 66 |
| Кайсі бирисіз? | 67 |
| Буюклиқ | 68 |
| Менинг юртимда истікклө | 70 |
| Она-ер завқини унугта сира! | 71 |
| Виждон | 72 |
| Баъзилар дүст билан фахрланади | 74 |
| Отамнинг ёшиға кирмадым хали | 75 |
| Баъзан тотув дүстлар | 76 |
| Кун ила тун | 77 |
| Она | 78 |
| Сенинг бахтиңг | 79 |
| Сөзімч | 80 |
| Хазон фасли | 81 |
| Сұяңчиқ | 82 |
| Ота | 84 |
| Истак | 85 |
| Мантулик ҳәқида үйлар | 86 |
| Тол | 87 |
| Шалола | 88 |
| Шеърнинг туғишли | 89 |
| Сизга деганим | 90 |
| Метам көзларидә | 92 |
| Ваъда | 93 |
| Чўкка устида күёш | 94 |
| Вахима | 95 |
| Ором | 96 |
| Кайсан Күлиевга | 97 |
| Истиклол тонги | 98 |
| Баззан одамларни | 100 |
| Омад | 101 |
| Қайтиш | 103 |
| Бахслашуа | 104 |
| Бахор чори эди | 106 |
| Бедана | 107 |
| Маслаҳат | 108 |
| Юланч | 109 |
| Одамгарасыллік | 110 |
| Жимжит! | 111 |
| Ақл ва макр | 112 |
| Иккиси ҳам ширин | 113 |
| Паришонлик | 114 |
| Олма | 115 |
| Бобом | 116 |
| Осмонбоз | 117 |
| Сурат | 118 |
| Кор ёради | 119 |
| Күйаганым ўзингсан | 120 |
| Чанқоқлик ва занжирлар | 122 |
| Хотин | 123 |
| Кузак япрокларни | 124 |

| | |
|---------------------------------|-----|
| Калб, дүстлик, сүз | 125 |
| Шеъларим | 127 |
| Гоҳо мафтун қилар | 128 |
| Яшагим келади | 129 |
| Сүнгиги булат | 130 |
| Сүндирма, ёндир! | 131 |
| Куз | 132 |
| Менинг юлдузим | 133 |
| Кексалик | 134 |
| Зарралар | 135 |
| Үйлар | 136 |
| Бахона | 137 |
| Шарпалар | 139 |
| Арик бўйларига | 141 |
| Оқибат | 142 |
| Илхом | 143 |
| Шунча вахшийлашиб кетдими инсон | 145 |
| Из | 147 |
| Умид | 148 |

РУБОЙИЛАР

Илохий муҳаббат

| | |
|-------------------------------|-----|
| Ошикларда | 160 |
| Баъзилар | 161 |
| Оқшом | 162 |
| Илохий муҳаббат | 163 |
| Қизим Хуршидахонга | 164 |
| Онагинам | 165 |
| Жанжалсиз уй | 166 |
| Сўрок бўлармид! | 167 |
| Инсон инсон учун | 169 |
| Севаман деб | 171 |
| Кишлок гўзаллари | 172 |
| Чинорнинг шоҳлари | 174 |
| Яна баҳор келди | 175 |
| Ташаккур | 176 |
| Оналар ташвиши | 177 |
| Тасодиф | 178 |
| Мухаббат | 179 |
| Севти ва рашқ | 180 |
| АЗобланма | 182 |
| Телба дема | 183 |
| Муборак | 184 |
| Үйлар ва ҳақиқат | 185 |
| Чирт-чарт узилади | 186 |
| Иккиси ёшлик | 187 |
| Яхшилик | 188 |
| Нурга йўғрилганлар | 189 |
| Садоқат | 192 |
| Севанингданми, тўйганингданми | 193 |
| Албомга | 194 |
| Қандай бўларикни? | 195 |
| Тўқма кўз ёшингни | 196 |
| Кун қизариб ботди | 197 |

| | |
|------------------------------------|-----|
| Сибирь тонги | 198 |
| Бахор томчиси | 199 |
| Тилла узук | 200 |
| Онам мени | 201 |
| Қайрағоч | 202 |
| Үни күрганмисан? | 203 |
| Бахт ва севиңч хакида | 204 |
| Инкиррозми, эътиroz | 205 |
| Бобомнинг фалсафаси | 206 |
| Қўёш ёр васлигга ошиқиб | 207 |
| Тош хайкал | 209 |
| Кутиш | 211 |
| Руборларни ювмоқда бахор | 212 |
| Хотинлар мадҳи | 213 |
| Шамол учиргандек | 214 |
| Ватан | 215 |
| Момокалдирик | 216 |
| Эслаш | 218 |
| Гоҳ шоҳ, гоҳ | 219 |
| Онамнинг дуоси | 220 |
| Гўдак | 222 |
| Гуноҳ менда эмас | 223 |
| Сенинг хуснинг | 224 |
| Севги сирлари | 225 |
| Бахор ҳазили | 227 |
| Кечир | 228 |
| Қалб | 229 |
| Гулзорга кирдиму | 230 |
| Яхшига яхшиман | 231 |
| Рад этилган севги | 232 |
| Бахор келди | 233 |
| Мактуб | 234 |
| Нури кечалар | 236 |
| Менинг назаримда | 237 |
| Жийда | 238 |
| Шарроидан юз юяди | 239 |
| Ҳаммаси ўзинг | 240 |
| Бургут | 241 |
| Ўқ | 242 |
| Чойхона | 243 |
| Ватан хакида кўшиқ | 245 |
| Кечирилмас гуноҳ | 246 |
| Бутун нега | 247 |
| Чумчук | 248 |
| Пахтакор дўстимга | 249 |
| Шеърим хакида | 251 |
| Дўстлик | 252 |
| Кеча лайлак келди | 253 |
| Илҳом водийси | 254 |
| Киш ёртаси | 256 |
| Ранжитма | 257 |
| Денгиз кирғозида | 259 |
| Сабабни билсам | 260 |
| Гулзор ва ёр | 261 |
| Истайманки | 262 |
| Сонет | 263 |

Умрим борича 264

ДОСТОНЛАР

Күнгил чироги 266
Аср баҳси 283
Мардлик ва вафо ҳақида эртак 300

ШУКРУЛЛО

ТҮКИЛГАН ДАРДЛАРИМ

(Шеърлар, рубоийлар, достонлар)

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Мухаррир *A. Бобониёзов*
Рассом *K. Акчулаков*
Вадий мухаррир *Ф. Башарова*
Техник мухаррир *P. Бабаханова*
Мусахих *H. Мухамедиева*

Теришга берилди 23.05.2001. Босишига рухсат этилди 18.07.2001.
Бичими 84x108 /ш. Антиква гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табори 16,8. Нашриёт хисоб табори 9,0. Адали 5 000 дона. Буюртма
№ 2034. Бадоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳар, «Буюк Турон» кўчаси, 41**